

Боборай им бахши Маматмуродов

С А Р В И Г У Л.
АВАЗХОН ОТА ЮРТИДА
(ДОСТОНЛАР)

Сурхондарё вилоят матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёти.

ТЕРМИЗ шаҳри — 1998 йил.

Ушбу дostonларнинг ёзилиши, нашр этилишида ўз ёрдамини алмаган, саъий ҳаракат кўрсатган барча дўстларга, хусусан С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқарувига, Денов «Чағониён» газетаси муҳарририятига, Денов ижара босмаҳонаси жамоасига самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Ижодимнинг дастлабки ёзма маҳсули бўлмиш ушбу китоб борасида китобхонлар мулоҳазалари, таклиф-истакларини мамнуният билан қабул қиламан.

МУАЛЛИФ.

БАХШИ—ШОИР

Достончилик халқ оғзаки ижодининг азалдан кенг ривож топган жанрларидан бири. Бу йўлда Шерна бахши, Эргаш Жуманбулбул ўғли сингари бахшилар самарали ижод қилишиб, номларини халқ дилига абадий муҳрладилар.

Ҳозирги кунда ҳам эл орасида Шоберди Болтаев, Абдуқаҳҳор Раҳимов, Хўшбоқ Мардонақулов сингари бахшиларнинг обрўлари баланд. Шу ўринда икки нарсага аҳамият бериш керакка ўхшайди. Бу бахшилар ва бахши-шоирлар масаласи. Эл орасида азалдан машҳур бўлган «Алпсмин», «Кунтуғмиш», «Авазхон», «Гўрўғли» сингари достонларни оғзидан туширмай куйлаб келаётган бахшилар кўп. Бу бахшилар эл орасида бахши номи билан машҳур. Лекин халқ оғзаки ижодига янги достон бахшида этган бахши-шоирлар кам, деярли йўқ ҳисоби.

Боборайим бахши Маматмуродовнинг шуҳратини Республикага эмас, балки Марказий Осиёга ёйган нарса унинг бахши-шоирлиги, фольклорни янги асарлар билан бойитганлигидадир. Унинг маҳорати, улкан таланти ҳам муносиб тақдирланган. Боборайим бахши Маматмуродов 1991 йилда Республикада ўтказилган Марказий Осиё ва Қозоғистон бахши-шоирлари конкурсининг ғолиби.

Боборайим бахши дўбириани ёнидэн қўймайдиган, ижоддан чарчамайдиган бахши-шоир. Унинг Сизнинг қўлингизда турган «Сарвигул» ҳамда «Авазхон ота юртида» достонлари ҳам шу меҳнатнинг меваси. Бахши-шоирнинг маҳоратига эса ушбу достонларни ўқиб ўзингиз гувоҳи бўласиз.

Муҳаммад АЗИМОВ,
Филология фаълари номзоди.

С А Р В И Г У Л

(Зоиr Мамажоновнинг шу номли ҳикояси асосида дoston).

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши ёмонлик кўрмагай ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тортқусидур.
Заҳириддин Муҳаммад БОБУР.

Қадим ўтган замонда, бундан анча тубанда, Шеробод беқлигининг кунчиқар томонида, Бандихонга туташ жойда, Қанғижар деган овул бор эди. Овул одамларининг ёшлари хизматда, қарилари иззатда эди, деҳқонлари меҳнаткаш, бойлари сахий, савдогарлари жаҳонгашта, тадбиркор эди. Атрофи кенг ўришли ҳалқа-ҳалқа сой, боққанлари сурув-сурув қўй, шул боисдан овул одамлари анчайин бой эди. Алп қомат йигитлари ўз овулларини душманлардан қўрир эди, карвонлари етти мамлакатни тўрир эди. Эрхакларнику қўя беринг, аёллари ҳам чечанликда саксонга сабоқ, тўқсонга табоқ берган кайвони эди. Овул одамларининг кўпчилиги савдосотиқ билан машғул бўлиб, бу борада бошқа овул кишиларидан ўзган, буёғи араб, буёғи ажам, шому-ироқни кезган эди. Ҳар бир савдогарнинг сарбони етмиш-саксан нор туяни тортар эди, зап яхши молларни карвонига ортар эди. Турмушларидан kami йўқ эди, кўнгиллари тўқ эди.

Ана шу овулнинг бир четида Азим савдогар дегувчи бор эди, Аёлининг отини Зарриной дегувчи эди. Икки нафар фарзанди, қалбининг жигар-банди бўлиб, бирини Алимбек, кейингисини Сарвигул дер эди. Рўзғори оод, егани новвот эди. Зарриной ҳам аёлнинг хушрўйи эди. Азим савдогар бир кетганда неча ойлаб карвон тортиб, турли мамлакатга савдо-сотиқ қилгали кетарди. Қанча-қанча мамлакатдан ўтарди. Молларини бошқалардан кўра арзон сотарди. Қанғижарга қайтганда кўпчиликка манзур молларни карвонга ортарди. Уйига келгач, кўрган-билганини одамларга айтарди. Турмушлари ширин-шакар ўтарди. Ёши ҳам бир жойга борган эди, дунёни кеза-кеза пича ҳорган эди. Ўзини эҳтиёт қилар эди, кексайганда Миср мамлакатига боришни ният қилар эди. Азим савдогарнинг ўғли Алимбек ҳам норбилан норғул эди. Отасидан савдо сирини анча-мунча билганди, яхши таълим-тарбия олганди. Ёши ҳам ўттиздан ошиб қолган эди. Қўлидан

кўп иш келар эди, ўз ишини пухта билар эди. Не бўлсаям оқу-
қорани яхши таниганди.

Азим савдогарнинг яқин дўстларидан бирини мулло Жўра деяр
эди. Ўзини дўст деб билса-да, Азим савдогарнинг топиш-тутиши-
дан ичи куяр эди. Лекин билдирмасди. Қилган гуноҳидан савоби
оз эди, мулло бўлсада сал-пал хотинбоз эди. Ичимдагини топ
деган қув одам эди. Ўзини ҳаммадан устун қўярди, кунига тўрт-
беш хил кийим қиярди. Хуллас ўзига бино қўйган киши эди.

Ойлардан оё ўтиб, кунлардан кун ўтиб, Азим савдогар бир
кеча ётиб ўйлади. Ўйлаб қараса ҳеч нимадан ками йўқ. Ёши бўлса
кетаяпти. Эрталаб туриб ёнига хотини Зарринойни чақирди ва деди,

— Ёшим ҳам бир жойга бориб қолибди, куч-қувватим ҳам кет-
япти. Шу марта охириги бор Миср мамлакатига карвон тортмоқчи-
ман. Нақд-насиями бир ёқли қилиб келай. Қолаверса, Алимбек-
нинг ҳам кўзи очилсин, дунёни таписин деб ўзим билан олиб
кетмоқчиман. Савдонинг ҳадисини билиб олсин, —дебди. —Ахир,
Алимжоним ёлғиз ўлим, қалбимнинг қўри, кўзимнинг нури. Ёлғиз
меросхўрим бўлса, мендан кейин оиланинг увол савоби шуникида.

Азим савдогар шундай деб сафар тараддудини кўрди. Бир кун
ошнаси мулло Жўрани чақириб деди:

— Ошна мен Миср мамлакатига Алимбек ўғлим билан кетмоқ-
чиман. Рўзгоримни сенга ишониб кетаяман, — деди. Шунинг учун
дўстликнинг шаъни шулки, сен оиламга мен келгунча иссиқ-сову-
гидан хабардор бўлиб тур, деб мулло Жўрага юзланиб икки оғиз
сўз айтаётган жойи экан.

Мулло дўстим эшит менинг сўзимни,
Кўп тотгансан ноним билан тузимни,
Олис сафар қўмсаб қолди журагим,
Топширайин сенга рўзгор дўзимни.

Олло берсин муродимни, йўлимни,
Эртан чошга тарк этаман элимни,
Охириги сафарим бўлсин шул сафар,
Қаватимга олай Алим улимни.

Берман қара дўстим боққин кўзимга,
Хавотир қилдирма мени изимга,
Рўзгоримни дўстим сенга ишондим,
Кўз қулоқ бўл ёрим билан қизимга.

Танладим мен бу кун олис сафарди,
Карвонимга ортиб зеру-забарди,
Уч ой бориш, уч ой қайтиш йўлим бор,
Оиламдан олиб тургин хабарди.

Ҳақнинг мулло энда бордур обрўнинг,
Овулда қайтмаган ҳеч сенинг райинг.
Қиёматлик дўстим дедим мен сени,
Келгунимча менинг уйим сенинг уйинг.

Жон дўстим қолдирма айтар сўзимни,
Саргайтирма гулдай бўлган юзимни.
Увёл савобини сенга топширдим,
Қийналтирма ёрл билан қизимни.

Қайтиб келсам хизматингда бўларман,
Моч-мулк бериб сени рози қиларман.
Қиёматлик дўстим дедим мен сени,
Улгунимча мен сен билан бўларман.

Азимбои ёшлатиб икки кўзини,
Дўстига билдириб юрак розини,
Омонатга қилма ҳеч хиёнат деб;
Мулло Жўрага ишонди ёру-қизини.

Бу сўзларни Азим савдогардан эшитиб мулло Жўра ўзини сал
ўнглади. Ияги таги калта соқолини силаб-силаб, қизғир боқиш
қилиб, ўзини янада сипо кўрсатиб, дўстига тасалли бериб:

— Дўстим сен менга топширдинг икки омонат, омонатга ҳеч
қилмайман хиёнат, сен соғ-саломат бориб келавер, қизингни
қизим дедим, хотинингни чечам дедим. Айтганингдай бўлади ҳам-
маси, — деб ярим ёлгон, ярим чин қилиб, Азим савдогарнинг қўн-
лини тўқ қилиб бир сўз деди:

Орага қўйиб сен рўз қиёматти.
Топширмоқ бўлисан қўш омонатти.
Миср элга соғ бориб келгин дўстим.
Омонатга қилмайман хиёнатти.

Кўзим очиқ ўқиб зеру-забарни,
Тоатда аъладим шому-саҳарди.
Рўзгорингни ишонибсан сен менга,
Обтураман ҳар кунига хабарди.

Олло барор берсин дўстим ишингга.
Емон гаплар келмасин ҳеч ҳушингга.
Ой бориб омон қайт Азимжон дўстим.
Мен шерикман рўзгорда ташвишингга.

Рост айтдинг кўп едим нону-тузингди,
Қиёматлик дўст деб билдим ўзингди,
Қиз ўрнига топширибсан ишониб,
Қиз деб қабул қилдим Сарви қизингди.

Олгину олдирма қўлдан орингди,
Қирқ норга юклаб кел сийму-зарингди.
Ишонч билан сен топширдинг қўлимга,
Чечам деб билайин Заррин ёрингди.

Боргин дўстим бўл доимо саломат,
Мен томондан бўлмас асло хиёнат.
Сен менга ишондинг мен бир мулломан,
Чунки орамизда турар қиёмат.

Мулло Жўра бу сўзларни айтди. Азим савдогарнинг дўстидан кўнгли тўлди. Унга анча-мунча тилло-танга бериб, кимхоб тўн кийдириб, бир қўй сўйиб роса меҳмон қилди. Шундай қилиб эртасига чошгоҳда Азим савдогар туяларига ул-бул нарсаларни ортиб, овулнинг ёшу қарисини чақириб, Миср элига кетаётганини, оиласини мулло Жўра дўстига ишониб топширганини, хотини Зарринойни, қизи Сарвигулни ёнига чақириб, икковига қараб бир сўз деган жойи,

Совуқлик тушмасин асло орага,
Силарди ишондим мулло Жўрага.
Мен келгунча соғ-саломат бўлинглар.
Бир рўзгорга бир йўлбошчи керага. ☺

Зарринойим дўстимни сен ҳурмат қил,
Келганида меҳмон қилгин, иззат қил.
Бир маслаҳат керак бўлса мабодо,
Шул дўстимнинг гапларига қўлоқ ил.

Насиб этса олти ойда келаман,
Силар билан бунда ўйнаб куламан.
Сарвигулжон мулло бобонг гапин ол,
Муллони мен ўзим рози қиламан.

Силарга топширдим биру-боримни,
Молу-мулкни, номус билан оримни.
Фарзандимсан Сарвигулим бўл омон,
Олиб келай тилло билан заримни.

Карвонимга тиздим лўкча-норимни,
Оллога тўшириб кирду-норимни.
Маслаҳатни олгин мулло дўстимдан,
Душманлар билмасин зинҳор сиримни.

Мисрдан келган сўнг тўғлар қилайин,
Овулни чақириб меҳмон қилайин,
Ишондим силарди мулло Жўрага,
Барингизни соғ-саломат кўрайин.

Алқисса Азим савдогар хотинига, қизига кўп насиҳатлар қилиб,
силарди мулло Жўра дўстимга топширдим, дўстимни худога топ-
ширдим, қучоқ очиб кўришгунча хайр деб ёнига ўғли Алимбекни,
сарбонларини олиб Миср эли қайдасан деб йўлга тушди.

Туғилиб гавҳар донадан,
Йўл тилаб ёлғиз худодан,
Ҳай-ҳайлаб карвон жўнади,
Гоҳ текис гоҳи ёнадан.

Иргалиб лўкча норминан,
Устида тилло зарминан,
Бойсун тоғни кўзлади,
Гоҳи сой гоҳи жарминан.

Сарбонлар қаранг йўл тортди,
Йўлларнинг танобин тортди,
Кун айни намозшом бўлганда,
Ҳайҳуннинг бўйига етди.

Қуси кўтариб довули,
Олисдир Мисрнинг йўли,
Кўринмас жойларда қолди,
Қанғижардай овули.

Ўзининг кўнглин шод этиб,
Қодир худони ёд этиб,
От устида Алимбек,
Борар оллони ёд этиб.

Қамчи соб отнинг белига,
Қарамай ўнгу-сўлига,
Азим савдогар йўл солди,
Афғоннинг бийдай чўлига.

Хаққа етгандай ноласи,
Орқада қолниб қалғаси,
Азим савдогар йўл тортар,
Ёнида Алим боласи.

Отлари борар айқириб,
Туялар борар бақириб,
Карвон етаклаган сарбонлар,
Йўл тортиб борар ҳайқириб.

Тушмайин асло шаштидан,
Қувониб савдо гаштидан,
Карвонлар ўтиб боради,
Афгоннинг бийдай даштидан.

Азим савдогар ва ўғли Алимбек бошчилигидаги карвон кетиб бораверсин, эндиги гапни овулда қолган хотини Зарринойдан эшитинг: Зарриной эрининг гапини икки қилмай мулло Жўрани ўзларига сойиб билиб овқат қилсаям, чой қилсаям Сарвигулни юбортириб, чақиртирар, ўзи емаганини унга едирар. нима бўлсаям айтганидан чиқмай, эри тайинлаган гапга амал қилиб юраверди. Эртаю кеч мулло Жўра Азим савдогарнинг уйида, дастурхоннинг тўрида бўлиб юраберди. Зарриной ҳам мулло ранжимасин деб, нимаики тайёрласа, унга илинар, Сарвигулни муллоникига чоптирар, чақиртириб келар, не маслаҳатни бўлса ундан сўрар эди.

Сарвигул ҳам қизмисан, қиз эди, оғзи ойдай, кўзи кундай, ўзи қулундай, дўмбиллаган, сочлари белидан ошган, кокили бўйнига тушган, нақ парининг ўзи эди. Ўзи суқсурдай эди, тишлари дурдай эди, уммалариям қўша анордай эди. Кўзлари сузук, қўлида тилла узук эди. Лаблари ўймоқдай, юзлари қаймоқдай эди. Кўрганнинг ҳаваси кетгудай, бор бисотини сотиб бўлсаям висолига етгудай эди. Кийимлари ҳам ҳуснига ҳусни қўшган, ёши ўн олтидан сал ошган эди.

Кўнларнинг бирида Зарриной бир иш юзасидан маслаҳат сўрашга мулло Жўрани чақириб келишга ҳар галгидек. Сарвигулни жўнатди. Шу кўнларда мулло Жўраям феъли бузилиб, Азим савдогарга берган ваъдасини бузсамми, бузмасамми деб кўнглига шайтон гўлгула солиб дир-сир бўлиб юрвди. Муллонинг илгаридан сал-пал аёлларга ўчлиги бор эмасми, Сарвигулга қия-қия қараб юрардию, нафасини ичига ютиб, қандай бўларкан деб, ичичидан эзилиб юрарди.

Сарвигул ҳар галгидек мулло Жўрани чақириб келди. Онаси шу пайтда ўтовнинг нариги ёнига жой ташлаётганди. Сарвигул

офтобадан мулло Жўранинг қўлига сув қўймоқчи бўлди. Шунда қурғур мулло ҳеч чидай олмади-да, астагина Сарвиғулнинг биллагидан ушлади. Сарвиғул ҳам овоз чиқармадию, қўлини силтаб тортиб олди. Шундан бошлаб мулло Жўранинг юрагига муз кириб, ҳадиксираб юрди. Онасига айтиб берса, нима қиламан деб, ирисири бўлиб юраверди. Қараса, ҳеч гап йўқ. Шунда мулло «Ҳа, онасига айтмадими, демак буёғи осон. Ахир, сукут аломати ризо». Ҳа, нимаям қилсин, ахир бўй етиб ўйғониб қолган бўлса. Отасини катта савдогар деб унча-мунча киши ботинолмаса. Кўнгли бор эканда, бўлмаса онасига айтарди, кел тузукроқ ушлайин, деб кўнглига тўйиб қўйди.

Бир куни Зарриной Сарвиғулни юбориб, мулло Жўрани кечки овқатга таклиф этди. Сарвиғул қўрқа-қўрқа муллоликка борди. Мулло бунга янада бошқача тушуниб, уни уйга қамаб олди. Қиз ўзини олиб қочди. Мулло жон-жаҳди билан унга ёпишди. Сарвиғул унга куч бермади буёқдан келса тепди, уёқдан келса тишлади, хуллас мулло ёпишаверди. Шунда Сарвиғул бир амаллаб, бурчакдаги қумғонни олиб муллонинг бошига бир урди. Мулло Жўра тундан кетиб йиқилди. Сарвиғул қочиб уйга келди. Орияти устун келиб, онасига ёлғон гапирди. Муллобобом уйда йўқ экан, — деди. Унинг ранги оқарганини кўрган Зарриной нима бўлганини сўраганда, муллонинг ити ташланиб қўрқитди. — деб қўя қолди.

Шу кеча Сарвиғул чариллаб уйғонди. Онаси нима бўлганини сўради. Сарвиғул онасига қараб, тушимда кўп қарғи келиб менга тармашди, кўзингни ўйиб оламан деди. Қўрқдим деди. Шунда бир бургут келиб, мени айтириб олди, деб кўрган тушини онасига айтиб тургани экан:

Энажоним келолмайман ҳушимга,
Бир қўрқинчли иш кўрибман тушимда.
Кўп қарғалар менга ҳужум қилишди,
Кўзларимни ўйиб олмоқ бўлишди.

Кўп қарғалар миниб олиб бошимга,
Айримлари оёқ тираб тўшимга.
Ҳаммаси чўқинмоқ бўлар кўзимни,
Вой энажон келолмайман ҳушимга.

Бир томонда бойўғиллар сайраган,
Бир томонда қузғун тумшуқ қайраган.
Бир гала қарғалар босди тушимда,
Энажоним аҳволимга қарагин.

Мадинамсан ҳолинг не деб сўрагин,
Юз йил яша то унгача ўлмагин,
Кўп қарғалар мени роса талашди,
Эна тушим яхшиликка жўрагин.

Эна сендан бошқа менинг кимим бор,
Армон тўла юрагимда ғамим бор.
Бир қабоҳат туш кўрибман энажон,
Белларимга ўралибди аждаҳор.

Бирдан бургут келиб қўнди қошим,
Қанотлари майин тегди тўшима,
Кўрган тушим яхшиликка жўрагин,
Бургут соя берди менинг бошима.

Сарвигулдан бу сўзларни эшитиб, Зарриной қизимга ит ташланган бўлса, қўрққанда, кел унга қўрлиқ сув ичирай деб, кишанни қиздириб сувга солиб, сенинг эминг шул деб қизига ичирди. Лекин қўнгли таскин топмади. Қўнглига ҳар хил гап келиб: «Қизим сенинг ҳам бўйинг етиб қолди, бу ёшда ҳар ўғил-қизнинг тушига шундай нарсалар киради. Сен хафа бўлма кўрган тушинг яхшиликка бўлсин, деб Сарвигулни юпатди. Қўнгли таскин топсин деб қизига қараб, кўрган тушини яхшиликка жўраб шундай деб турган жойи экан.

Эна қизим қоматингга ўлайин,
Гапларингни яхшиликка бурайин,
Кўрган тушинг асло ёмон демайман,
Тушларингни яхшиликка жўрайин.

Бир бекзода сени излаб келади,
Қанғижарда сени санаб билади,
Ёмон эмас кўрган тушинг Сарвиной,
Асл йигит бургутсимон бўлади.

Бошинг узра сайраб турган бойўгли,
Билсанг асли сенга келган совчилар,
Белларингга ўралган ул аждаҳор,
Бекзодадан келган ўшал элчидир.

Устингга ёпирилган гала қарғалар,
Қалинингга келтирилган қўйлардир,
Бошингда қичқирган қора қарғалар,
Сепларингни олиб келган бойлардир.

Насиб бўлса қизим бахтинг очилар,
Атрофинга гул чечаклар сочилар,
Қўрган тушинг яхшиликка жўрайин,
Сени сўраб келар қўйлаб совчилар.

Бўй қизларнинг туши ҳар хил бўлади,
Хафа бўлма энажоним Сарвиғул,
Бахтинг кулиб қай бекзода олади,
Қўрган тушинг таъбири шул бўлади.

Зарринойнинг бу гапидан Сарвиғулнинг кўнгли жойига тушди.
Мен яхши туш кўрибманда, деб қалби таскин топди. Лекин юра-
гининг бир тубида мулло Жўранинг қилган қилмиши гашлик
у.ғотиб юраверди.

Орадан анча ой ўтди. Овулда Азим савдогар Мисрдан келаёт-
ганмиш. Фалон жойда фалон киши кўрибди деган гап тарқалди.
Бу гап мулло Жўранинг ҳам қулоғига етиб, ҳадиксираб юрди.
Нима бўлсаям айбимни ювайин деб Азим савдогарнинг келар
йўлини пойлаб юрди. Бир куни мулло Жўра эрта турди. Ўзининг
уёқ, буюғини тузатиб, бомдод намозини ўқиб бўлгач, тўри қашқа
отини эгарлаб минди. Кўнглига кўп ёмон тухмат гапни жойлаб,
карвоннинг олдига чиқайин, дўстлигимни билдирайин, ишончига
кирайин деб кун ботишга қараб от солди:

Овулда бор ҳайбати,
Остида қашқа оти,
Кўп йўл тортди шум Жўра,
Ошнасининг ҳурмати.

Заранг қамчи қўлида,
Қарамай ўнгу сўлига,
От ҳайдади шум мулла,
Қизириқнинг чўлида.

Бир айб қилдим қайтай деб,
Пича ёлғон айтай деб,
Карвон қайдан келса ҳам,
Йўлин пойлаб ётай деб.

Чалғимасин тилим деб,
Қурисин менинг феълим деб,
Дўстим билса ишимди,
Мен шўрлига ўлим деб.

Ой бемаҳат ботама,
Кўзимни губор тутам,
Қўилмайин мен ўлайин,
Дўст ҳам мендай бўлама.

Қилгиликни қип қўйдим,
Аҳд вафони еб қўйдим,
Қиёмат ўртада деб,
Кўп хиёнат қип қўйдим.

Феълим қурсин қайтайин.
Имонимни сотайин,
Сарвигулни ёмонлаб,
Отасига айтайин.

Қизинг гапим олмади деб,
Айтганга қулоқ солмади деб,
Минг насиҳат қилсамда,
Ўз билганидан қолмади деб.

Ўз кўнглини ўзи чоқлаб,
Ўзича ўзини оқлаб,
Кетиб борар мулло Жўра,
Ўзини ўзи пичоқлаб.

Алқисса, мулло Жўра кўп йўл юрди, йўл юрсаям мўл юрди, сувсиз ора чўл юрди. Кўн намозшом бўлганда Жайхундарё кечувидаги бир манзилга етди. Шў кеча ётди. Кўп ҳориган экан, баччағар тарракдай қотди. Эрталаб тонг отди. Намозини ўқиб бўлиб, ўзига кўнгли тўлиб, миясига келган фикрдан хурсанд бўлиб, кулиб қияли бетда ётди. Кун пешиндан оққанда, қуёш тикка боққанда, қуюн учгандай, пода кўчгандай олисдан карвоннинг қораши кўринди. Мулло Жўра отини қовдонга қўйиб, пиёда-пиёда карвон келаётган томонга юрди. Сал йўл юргач, карвоннинг олдида олдинкейин от ўйнатиб келаётган Азим савдогар ва Алимбекни таниди. Тепаликдан ҳаллослаб энкайиб карвонга пешвоз чиқди. Азим савдогар ҳам муллани таниб, отдан тушиб, садоқатли дўст бўлса шундай бўлади-да, деб чопқиллаб келаверди. Иккови қучоқ очиб кўришди. Бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашди. Дўстим менинг келаётганимни эшитиб, олдимга чиқибдида деб ўйлаб Азим савдогар карвонбошиларга, сарбонларга айтди:

—Туяларни чўктиринглар, шу кеча шу овлоқ жойда дам оламиз. Намоздигар йўлга тушсак, насиб бўлса туш палласи қанғижарда бўламиз, деди. Қуёш ботгач гулхан ёқиб, ул-бул егулик гишириб мулло Жўра билан Азим савдогар алламаҳалгача гурунглашиб ётди. Гап орасида мулло Жўра фикрини жам қилиб, дудуқланиб гортиниб, ўз муддаосини пишитиб, кўп ёлгонни тўқиб, Сарвигулни ёмонлаб, ўсмоқчилаб гап бошлади.

—Дўстим олиб келсанг бир ўлжа, омон келсанг икки ўлжа деган бурунчиларнинг гапи бор. Худога шукр омон кўришдик. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Қизинг тушмагур жуда гап уқмас, бебош экан. Қиёматни ўртага қўйганинг учун уни қиз ўрнида кўриб, вақтини топиб овлоқда бир насиҳат қилайин деб эдим гапимга кирмади. Ҳамамаизнинг юзимизни ерга қаратди. кўргур. «Отанг сёклар билан беллашган, хонлар билан тиллашган». бообрў одам ўзингни тийиб юр, деб отанг ўрнида отангман деб. насиҳат қилмоқчи бўлиб қулогини чўзиб қўймоқчи бўлувдим:

—Сизнинг нима ишингиз бор мен билан, —деб, хархашалик қилиб кўмгон билан бошимни уриб ёрди. Сенинг ҳурматинг индамидим. Эскилар бекорга айтмаган экан бир қиз боққунча бир кучук боқсанг яхши деб, чунки қиз боқишнинг анчайин қийин томонлари бўлар экан, дўстим. Хайрият етиб келдинг. Қизинг сизни бообрў қилди деб мулло Жўра роса гапни тўқиди. Азим савдогарнинг газаби келди. Саҳар вақти туриб ўғли Алимбекни уйғотиб «Тез карвондан илгарироқ борда, синглингни уйдан йўқот, қўзи кўзимга тушмасин». —деди.

Алимбек отасининг гапидан чиқмай от чоптириб сувлга етди. Уни кўрган Зарриноти оңаси ўглининг бўйнига осилиб, қучоқлаб ўпиб, анча кўз-ёш тўқди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

—Отанг қани кўзим, нега ёлғиз бунда келдинг... Ё отангнинг карвонига бирор кори ҳол бўлдимми? —деб сўради. Шунда Алимбек энасини юпатиб, эсон-омон етиб келдик. Бироқ йўлда кела-кела отамнинг тоби қочиб қолди. Ҳозир карвон Қоратоннинг этагида чўктирилган. Отам йўлга ярамай қолди. Менга тайинладики бориб кўзимнинг оқу-қораси, искаган гулимнинг сараси Сарвигул қизимни олиб кел, қазойим яқинлашган кўринади, бир кўриб қолайин деди. Синглимни тезда олиб бормасам бўлмас. Билмадим унда не ҳот юз берди деб, энасига қараб бир-икки оғиз ёлгон сўзлаб тургани экан:

Бешик ирғаб силадингиз юзимди,
Оқ сут бериб ўстирдингиз ўзимди,
Сўзларимга қулоқ солинг энажон,
Сира икки қилманг айтган сўзимди.

Отажоним билсам анча қарибди,
Олис йўлда карвон тортиб ҳорибди,
Бетоб бўлиб ора йўлда ётибди,
Билмам балки паймонаси тўлибди.

Қор ёққанда карвон солар уюрди,
Тоққа чиққан билар зарби қийирди,
Отам қолди Қоратоғ этагида,
Сарвигулни олиб кел деб буюрди.

Сен келгунча йўлларингга қарай деб,
Улмасимдан қизимни бир кўрай деб,
Сарвигулни олиб кел деб юборди,
Омон кўриб элда давр сурай деб.

Бу бандалик қари ёшга баробар,
Отам амри энам билгин муқаррар,
Сарвигулни олиб кетмоқ қарорим,
Шул сабабдан йўлга тушдим тонг саҳар.

Рози бўлгин энажоним тузингга,
Жавоб бергин Сарвигулдай қизингга,
Отамнинг ҳоли унда не бўлди,
Оқ фотиҳа бергин ўғил қизингга.

Тезроқ бундан карвон сари бораёйик,
Отажоним рухсорини кўрайик,
Ака-сингил бир бўб отам бошида,
Соғ бўлса гар уйга олиб келайик.

Сарвигулжон кел отима мингашгин,
Вақт ғанимат бир амаллаб илашгин.
Отам илҳақ сену менинг йўлима,
Кел сингилжон бедовимга мингашгин.

Бу сўзларни эшитиб Зарриной уввос солиб йиғлай бошлади. Энасига қўшилиб Сарвигул ҳам кўз ёши тўкди. Эна-боланинг ҳуши бошидан учиб қаёққа юришини билмай қолди. Алқисса Зарриной ўзини ўнглаб олиб, ундай бўлса тезроқ боринглар, отанинг ҳоли не кечди деб Алимбек ва Сарвигулга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Жудоликдан сўлган менинг тарзим бор,
Яратгандан танамда жон қарзим бор,
Сўзимни тингланглар қўша фарзандим,
Сизларга айтар бир арзим бор.

Бедовнинг белини маҳкам тортинглар,
Эгарнинг устига ул-бул ортинглар,
Аямасдан отга қамчи тортинглар,
Болаларим тез карвонга етинглар.

Карвоннинг қошига омон боринглар,
Отажонинг соғ-саломат кўринглар,
Эр йигитсан Алимжоним жон болам,
Отангни соғ-саломат олиб келинглар.

Оллоҳ дедим азизларга бош қўйдим,
Иккингишни яратганга топширдим,
Ҳаялламай тезда етинг карвонга,
Барчангизни ёлғиз Ҳаққа топширдим.

Шундан сўнг Алимбек энасидан бу сўзни эшитгач, ич-ичидан энасига ёлғон айтганидан хижолат тортди. Отамнинг амри шундай бўлгач, менда нима айб деб кўнглидан ўтказди. Отини супага ўнглаб Сарвигул синглисини орқасига мингаштирди. Энасига қараб.

— Биз насиб бўлса карвон билан тезда отамни олиб келамиз, деб кунботар тарафга қараб от бошини буриб йўлга тушди:

Ғаним қурсин ғанимлигин қилади,
Ҳар кимнинг кимлигин олло билади,
Муллонинг гапи рост деб Алимбек,
Синглисини мингаштириб жўнади.

Мулло бобом отамга чин дўст дея,
Айтганларин бари валлоҳ рост дея,
Қоратоғни кўзлаб борар Алимбек,
Сарвигулни ўлдирмоғим рост дея.

Отам касал бўпти дейди Сарвигул,
Ортда борар кўздан ёши тизилиб,
Ўз синглисин ўлдирмоқ ният қилиб,
Алимбек от ҳайдар кўнгли бузилиб.

Отажоним омон кўриб қолай деб,
Қиблагоҳим дуосини олай деб,
Бўзлаб кетиб бораётир Сарвигул,
Отамнинг ёнида бирдам бўлай деб.

Сувлар оқар сойда деб,
Тезроқ борсак фойда деб,
Акасини қистайди,
Отингни тезроқ ҳайда деб.

Олло бизга ёр бўлсин,
Пирлар мадакдор бўлсин.
Нолиш қилар Сарвигул,
Отажоним бор бўлсин.

Остидаги бедов от,
Отларнинг энг сараси,
Қанғижарда Алимбек,
Йигитларнинг сараси.

Ака-сингил йўл тортди,
Йўлнинг танобин тортди,
Кун пешиндан оққанда,
Бир сойликка етди.

Алимнинг кўнгли бузилди,
Юрак-бағри эзилди,
Кўздан оққан селоб ёш,
Мунчоқ-мунчоқ тизилди.

Алимбек отни соʻликда тўхтатиб синглисига қараб:

—Сарвигулжон отимиз ҳам анча ҳориб қолди Жонивор икки кундан буён тингани йўқ. Кел пича дам олайлик, буёғи оз қолди. —деди. Сарвигул отдан тушди. Алимбек отни ўтлоққа ҳайдаб хилватроқ жойни кўз қири билан ахтарди. Отамнинг айтганини қилмасам бўлмас, буни шу ерда гўмдон қиламан деб ўйлади. Шу пайт Сарвигул ёна бетга ёнбошлаб акасига қараб:

—Акажон, отам ҳам анча қариб қолганда. Энди савдогарликни йиғиштирса. Ахир сиз билан мени не умидлар билан тарбиялади. Энди отамнинг тижорат ишларини сиз давом эттиринг. Мен отам билан онамга қарайман. Ахир, улар бизни деб елиб-югурганларку.

Алимбек бу гапдан сўнг ҳайрон қолди. Синглимдан бундай тамизли гап чиқяптими, демак бу ерда бир гап борга ўхшайди. Мабодо мулло Нўра сал-пал ёлгон айтмадимикан. Ожизанинг жонига қасд қилмоқ эр йигитнинг иши эмас, яхшиси уни шу ерда қолдириб кетайин. Кўрар куни бўлса кўради. Ё бўлмаса қашқирларга ем бўлиб кетар. Ҳар ҳолда қўлим қонга ботиб бир умр синглимнинг қотили бўлиб ўтмайман. —дедида, Сарвигулга қараб:

—Сингилжон сен пича дам олиб тур, мен отни миниб ҳув қиррадан қарайинчи, карвон кўринадими, —деди.

Шундан сўнг Алимбек отга миниб тепадан ошди. Ҳарчанд кўнгли эзилсада, дами ичида бўлиб, карвонни излаб кетди. Кун кеч бўлавердиямки, акасидан дарак бўлмагач, Сарвигул акам мен турган жойни адаштирди шекилли, яхшиси тепаликка чиқайин,

қотамни кўриб келди деб, қиррага чиқди. У ёққа аланглади, бу ёққа аланглади, акасидан дарак йўқ. Акам ҳам мен ҳам адашиб-мизда деб ўйлади. Кун ботди, тонг отди. Жавдираганича боши оққан томонга қараб кетаберди. Адирлик тугаб тоғ бошланди. Очликдан силласи қуриб ҳали у арчанинг, ҳали бу арчанинг тагига югуриб юриб, уч кеча-кундузни ўтказди. Роса ҳолдан тоғни йиқилгудек бўлиб, худога нолиш қилиб, ўлган шундай ўтар эканда, деб ўзича ўзи бир сўз айтиб турган экан:

Оҳ геганга юрагим,

Олов бўлиб ёнади.

Ниқоларчим ушбу дам,

Кўкка ўртаб боради.

Энди қайга борайин,

Ёлғиз қолдим бесойиб.

Мен оғамдан адашдим,

Рангим гулдай сарғайиб.

Икки эди қанотим.

Бирининди қайтайин.

Кўнган юрак дардимни,

Энти кимга айттайин.

Илон чаққан қушдайин,

Дармон кетиб боради,

Мерган отган кийикдай.

Кўзим тишиб боради.

Оллоҳ деймак фалакка,

Сизиниб қочиб Ҳаққа.

Ўзинг ўнгла ишимни,

Энди бораё қиёққа.

Айрилдим ота-онамдан.

Ҳам айрилиб акамдан.

Танамтан кетди дармон,

Соғ қолишим бегумон.

У шиб оёқ қўлим,

Айро тушдида йўлим.

Қайта Қанғижар элим,

Тангрим от ўзинг йўлим.

Ҳар на бўлса ёронлар,

Ёлғиз эгамнинг иши.

Ҳаётган овчиларга,

Етти қизнинг товуши.

Сарвигулнинг ноласи яқин орадан ўтиб кетаётган бир тўда шикорчиларга эшитилди. Улар келиб қарашса, ҳусни жамолда тенгсиз, лекин очликдан ранглари сўлиган бир қиз ўтирибди. Навқарлар дарҳол Сарвигулга ул-бул егулик бериб, ўзига келгач, отга миндиришиб олиб жўнашди. Улардан бири Ҳисор подшоси Ашурхон ўғли Сафархон, иккинчиси подшо вазири Шоҳсайидхон эканлигини Сарвигул гапларидан билди. Шоҳзода Сафархон Сарвигулни бир кўришданоқ севиб қолган эди. У Сарвигулга яқин келиб, отларини ёнма-ён ҳайдаб, бир сўз айтиб бораётган экан:

От чоптирдим ўнқир-чўнқир дарага,
Ов овладим отни солдим тўдага.
Паримисан-пайкармисан бўйингдан,
Қоматингга жоним бўлсин садага.

Булбуллар сайрашар боғнинг гулида,
Қумрилар жўр бўлар ўнгу-сўлида.
Қоматингдан якка жоним айлансин,
Не қилиб юрибсан Хизир чўлида.

Сени кўриб ақлим бўлди ҳайрона,
Юрак бағрим бўлди мисли вайрона.
Рухсорингдан мингта жоним садага,
Ҳуснинг кўриб бўлдим ўзим девона.

Шоҳзодаман кездим тоғу-тошларни,
Кўзингдан тўкмагин селоб ёшларни.
Элингни айт менга гул юзли дилбар,
Беш қўлдай биламан мен бу даштларни.

Савдогар тортади қатор норини,
Норларга ортади тилло зарини,
Кўнглимни боғладим сенга эй пари,
Сендан ўзга кўрганим йўқ парини.

Келганга ўхшайди давру-давроним,
Сен билан бўлсам йўқдир армоним.
Бир кўриб ҳуснингнинг бўлдим гадоси,
Сен учун минг садқа бўлсин бу жоним.

Какликлар сайрашар қоя устида,
Қийиклар ирғишлар тоғнинг устида.
Ҳеч ерда кўрмадим сендай парини,
Ё келдингми ширин жоним қасдида.

Сенга бағишлайин сийму-заримни,
Қўлингга топширай танда жонимни.
Бутун ҳаётимни боғладим сенга,
Лозим топсанг олгин майли жонимни.

Шаҳзода Сафархон бу сўзларни айтгач, Сарвикул калхатдан ҳурккан қушдан бўлиб қалтираб, дийдираб, юзи ойдай ялтираб, нима дейишини билмай, хор бўлиб ўлмаганига шукр қилиб индамай кетаверди. Шаҳзоданинг гапларидан кўнгли таскин топди. Нима бўлсаям энди Қанғижарга қайтиб бормайин деди ўзига ўзи. Шаҳзодага бир ёлгон гапириб кўрайин нима бўлсаям шулар билан бирга бўлайин. Айтганига кўнайин деб Сафархонга қараб мийиғида кулиб бир сўз айтиб тургани экан:

Эй шаҳзодам эшит менинг сўзимди,
Губор босди оҳудай икки кўзимди.
Туғилиб ўсган элимни мен билмайман,
Сарвиғулой дейди билсанг ўзимди.

Очликдан сарғайди гулдай юзларим,
Оғзимдан пойма-пой чиқар сўзларим.
Оллоҳдан бошқа менинг кимим бор.
Мен кезаман шу тоғларни дарбадар,

Борар жойим сизга айтсам билмайман,
Ўлай десам ажал тўлмай ўлмайман.
Қишин-ёзин мен юраман дарбадар,
Ота-энам кимлигини билмайман.

Сизнинг билан мен ҳам бирга бўлайин,
То ўлгунча хизматингиз қилайин.
Ҳисор элга сизман бирга бораман,
Бир умрга сизман давр сурайин.

Бедовингга бўлайин сувлиқ тўғо,
Чопонингга бўлайин гулдор жоғо.
Ўлгунимча ёстиқдошнинг бўлайин
Сарвиғулой бегим сиздан садағо.

Бу сўзларни Сарвиғулдан эшитгандан сўнг Сафархон янаям унга меҳри тушиб, қалби жўшиб, гапни гапга қўшиб гурунглашиб кетаверди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб улар Ҳисор қалъасига етишди. Уларнинг келганини кўрган хизматкорлар югургилашиб қолишди. Чопиб қилишяпти хизматти, бажо келтириб ҳурматти. Сарви-

гулоё ҳам осмондан тушган ҳурдай бўб, икки кўзи нурдай бўб, оғзидаги тишлари қатор терилган дурдай бўб, хўб кўраберди иззати. Хизматкорлар Сафархон ва Шоҳсайидхонларнинг отларини ушлайберди, олдига охур тўлдириб емни ташлайберди, бириси силаса сағрисини, бириси қуйруғини қашлайберди. Бекликнинг бообруё оқсоқоллари келганларни ичкарига бошлайберди, ипак шойи кўрпачалардан қалин қилиб ташлайберди. Қимиз, шароб, кабоб келтириб, кўнгилларини хушлайберди. Бир томонда чечан бахшилар хуш келдингиз деб терма дostonдан бошлайберди.

Алқисса, эндиги гапни Ҳисор подшоиси Ашурхондан эшитинг. Ашурхон ўғлининг Бойсунтоғ шикоридан қайтганини билди. Уларни ички саройга чақиртириб ҳол-аҳволлашди. Сафархон Сарвиғул ҳақида отасига гапириб берганда аввалига Ашурхон бу даштдан топиб олинган тайини йўқ қиз менинг беклигимга, қолаверса, обрўйимга тўғри келмас деди. Лекин ўғлининг уни севиб қолганини сезгач, ноилож рози бўлди. Сафархон Сарвиғулни безатилган шоҳона хонага жойлаштирди.

Ашурхон подшо ўғлининг шикордан эсон-омон келганлиги шарафига катта зиёфат уюштирди. Зиёфатга подшоликнинг, бекликнинг иззатманд одамлари таклиф қилинди. Гурунг қизигандан қизиди. Сўз навбати вазир Шоҳсайидга етди. У кўрган-билганларини Ашурхонга баён қилиб турган жойи экан:

Шоҳим тингланг сизга ҳисоб берайин,

То ўлгунча амрингизда бўлайин.

Эсон кетиб омон қайтдик Ҳисорга,

Кўрган-билганларни сўзлаб берайин.

Бир ой бурун шикор татаб этгандик.

Навкарларман ўзга юртга кетгандик.

Ортда қолиб Ҳисордайин қалъалар,

Денов беклигига бориб етгандик.

Юрти обод халқи анча бой экан.

Денов эли жуда сўлим жой экан,

Шоҳим сизга айтсам гапнинг ростини,

Элининг бошлагани ҳар кун тўй экан.

Шикор қилиб кездик қанча элатти,

Турли жойда кўрдик турли миллатти.

Сўзлайверсам шоҳим сизга барини,

Сурхон эли жуда катта элатти(дир).

Кийик овлаб чиқдик Қоратоғига,

Раам солиб гулга тўлган боғига.

Салкам бир ой ов овладик тоғларда,

Охири етганда ов адоғига.

Сафархонман бирга ётиб бирга турдик,
Тоғ-тош кезиб шоҳим бир ҳолни кўрдик.
Қайта туриб арчазорнинг ичида,
Ёлғиз юрган гул юзли қизни кўрдик.

Аввалига ҳеч назарга илмадик,
Тайини йўқ делик кўзга илмадик.
Бир кўришдан хуштор бўлди шаҳзодам,
Не қишши биз навкарлар билмадик.

Ошиқ бўлди қизга шоҳим ўғлингиз,
Нақ парининг ўзи тўлсин кўнглингиз.
Сафархонга муносиб қаллиқ шу қиз,
Тўй қилмоққа шоҳим рози бўлингиз.

Ашурхон бу сўзларни вазиридан эшитгач, ўғлининг топиб олган қизига хуштор бўлганини билиб тўй қилмоққа амр қилди. Вазир Шоҳсайидхон таомилга кўра қизга ота ўрнида ўтди. Подшо томонидан қанча мол-дунё қалин олди. Қуда-андачилик расм-русумлари бажо келтирилиб, саруполар олди-берди қилинди. Узоқ-яқиндан меҳмонлар айтелиб, тўй куни тайин бўлди. Лекин Ашурхоннинг кўнгли нечук хижил бўлди. Аёллари билан маслаҳатлашиб: «—Хотин бу сарой аҳлига меҳмонларга, бекларга тўй бўлса бўлдида. Лекин кимсан Ашурхон Ҳисор подшосиман. Нима бўлгандаям Сафархон яхши иш қилмади. Ота-онасининг тайини йўқ дадар бир қизни ўзига муносиб кўриб ўтирса. Менку амалдорларга розилик билдириб, тўй кунини тайинлатдим. Ҳар қалай бу ишнинг бир паслик томони бўлади-да, —деди. Бу сўздан хабар топган Сафархон отаси ҳузурига кириб бир сўз айтиб тургани экан,

Ҳисор элда ота гулдай тарзим бор,
Қиблагоҳим сиздан улкан қарзим бор.
Не бўлсаям шул қизга кўнгил қўйдим,
Отажоним сизга айтар сўзим бор.

Барчани яратган қудратли Жаббор,
Оллоҳнинг олдида барча баробар.
Сарвигулга кўнгил бердим отажон,
Тўйнинг тараддудин энди кўрабер.

Нима десанг ота сўзинг мақбулдир,
Сарвигул ҳам қиз эмас, мисли гулдир.
Менинг ишқим тушди ота шул қизга,
Сарвигулдан бошқалари бир пулдир.

Сарвигулни севдим ота рози бўл,
Эл чақириб тўй бошлагин мен учун.
Фарзанд кўриб, Сарвигулман бир бўлсам,
Бир умрга хизмат қилай сен учун.

Қиблагоҳим қайтарма ҳеч райимни.
Яхши дуо бериб бошла тўйимни.
Сарвигулдан бошқасини сўймасман,
Отажоним кўриб қувон бўйимни.

Ашурхон бу сўзларни эшитгач, Сафархонга қараб, Ҳалиям бўлса бу аҳдингдан қайт, менинг тенгим шу бетайин қиз бўлдим, Эл-улус устимдан кулмайдами, деб бир сўз айтиб тургани экан.

Мен отангман сен-и жону-дилиман,
Искай десам бўй таратган гулимсан.
Менку рози лекин болам бир гап бор,
Бетайинга сен бекзода тенгмисан.

Сарвигулда ота-эна бўлмаса,
Бирор киши уни излаб келмаса.
Кўчадан йўлиққанни болам нетасан,
Бетайинга сира кўнгил тўлмаса.

Итнинг ҳам зотини сўрар азалдан,
Ўғлим бу бепадарнинг зотин билмасам.
Танлаб сўйгин Ҳисорда хуб гўзалдан,
Бетайинни сенга тенг деб билмасман.

Арслон босолмайди болам изингдан,
Ҳар не бўлса ўтолмайман сўзингдан.
Дадар қизга кўнгил қўйиб нетасан,
Сафархон шаҳзодам қайтгин сўзингдан.

Гулга бурканганда тикон гул бўлмас,
Ўзинг сотиб олмасанг қул қул бўлмас.
Насабининг тайини йўқ ҳар кимса,
Билгин кўпга қўшилсада, эл бўлмас.

Ҳар бир иш келса ўнги билан чиройли,
Сарпо кийсанг енги билан чиройли.
Эскилардан қолган битта гап бордир,
Ҳар бир кимса ўзининг тенги билан чиройли.

Ҳар не бўлса болам ўзинг биласан,
Ўз ёрингман ўзинг ўйнаб куласан.
Ҳисорда юзлаб гўзаллар турганда,
Тайини йўқ қизни нима қиласан.

Мен ўзимдан соқит қилдим бу сўзни,
Буёғини болам ўзинг биласан.
Мен розиман лекин болам орада.
Ғамга ботиб анча сарсон бўласан.

Сафархон отасидан бу сўзларни эшитиб, анча ўйлашиб қолди.
Лекин ишқ дарди ҳаммасидан устун келиб, ўз сўзида туриб олди.
Сарвиғулдан бошқани демади, отасига ёлвориб розилигини олди.
Шундан сўнг онасининг олдига бориб, Сарвиғулни севиб қолганини
Билдириб, онажон мен ҳаётимни Сарвиғулга боғладим. Отам билан
иккинги рози бўлинг. Оқ фотиҳа беринг. Тўй куни белгиланган.
Лекин отам яна бир карра олдимдан ўтди. Мен нима қилайин,
севги дарди оғир экан. Бошқа чорам йўқ. Сиз ҳам рози бўлинг.
Бу йўлда барча азобу сарсончиликка ҳам розиман, деб онасига
ёлвориб, отам билан иккалангиз рози бўлинг деб тургани экан:

Ота-она фарзандига бош бўлур,
Бефарзанднинг кўзи доим ёш бўлар.
Сиз Маккамсиз, Мадинамсиз энажон,
Сафархоннинг сизга айтар арзи бор.

Яхши бедов қанча чопса ҳоримас,
Тоza олтин ер остида чиримас,
Сарвиғулни севиб қолдим энажон,
Бошқаси кўзимга зинҳор кўринмас.

Шаҳзодаман қилар ишим биламан,
Ўлмасам Ҳисорда давр сураман.
Оқ дуони дариг тутманг энажон.
Сарвиғулга уйланмасам ўламан.

Ширин сўзман менинг кўнглим тўлдириб,
Бўлмагани бугун эна бўлдириб,
Энанинг дуоси ҳақдир фарзандга,
Рози бўлсин отажоним кўндириб.

Булбулнинг суйгани қизил гул бўлар,
Яхши ният яхшиликка ҳал бўлар,
Сафархоннинг қарори қатъий эна,
Болажонинг айтган сўзи шул бўлар.

Ўғлидан бу сўзларни эшитиб, онасининг кўнгли бўшаб кетди
ва болам бўлар иш бўлди. Мен минг бор розиман. Отанг ҳам рози.
Бир олдиндан ўтдик. Энди тўйни бошлаймиз деди.

Алқисса барчалари рози бўлишиб, тўйни бошлаб юборишди.
Буёғи Болжувондан, буёғи Бойсун, Шерободдан меҳмон, чавандоз-

ларни, созидаю. бахшиларни, қанча-қанча яхшиларни, эл таниган ошпазларни, салласи катта сарбозларни чақиртириб, ҳафта ўн кун тўй беришиб, Сарвигулни Сафархонга никоҳлаб берди.

Тўйдан кейин Сафархон билан Сарвигул ойим бири гул, бири булбул, ҳамма иши ҳал бўлиб, егани новвот бол бўлиб, давру-давронни суриб юраверишди. Орадан йил ўтди. Сарвигулга худойим тўд берди, битта қўчқордай ул берди. Отини яхши ниятлаб билан Бекзодбек қўйишди. Ана мана дегунча Бекзодбек ҳам суй-гунчак бўлиб қолди. Сарвигул ўйлаб қараса ейишдан, кийишдан ками йўқ. Усти бутун, қорни тўқ, лекин отаси-онасини ўйлаб кундан-кун ранги сўлиб бораверди. Қанғижардай овули подшо саройи олдида тилло тахтли қўшқдай бўлиб кўринаберди кўзига. Ҳеч нарсадан ками бўлмасаям бу саройда хор бўлдим. Қанғижарда ота-энамни бир кўрмоққа зор бўлдим деб кўнгли ғаш бўлди. Бир кечаси бешикни тебрата-тебрата йиғлаб юборди. Буни кўрган Сафархон, Сарвигулжон нима ситам етди сенга, нимадан каминг бор, менга айтгин юрагингда қандай ғаминг бор, — деди.

Сарвигул ёрига қараб, зулфлари эшилиб, кўзи гирён, бағри бир ён бўлиб, ота-энасини эслаб, тақдиридан шикоят қилиб, шу сўзларни айтиб турган экан:

Бегим билмам бугун кўнглим ғашланди,
Икки кўзим жиққа-жиққа ёшланди,
Икки йил бурунги дардларим,
Бу кеча қайтадан бошланди.

Дард қийнар гулдайин танамди,
Худойим кечирсин гунамди,
Мени кечиринг бек тўрам,
Соғиндим Зарриной энамди.

Кимлар ўнглади хотамди,
Юракни қийнаган ситамди,
Аттанга бир кўриб қолмадим,
Карвонда қолган отамди.

Ғам букчайтирдия белимди,
Ҳаётда йўқотдим йўлимди,
Бектўрам соғиниб ўртандим,
Қанғижар дегана элимди.

Не бўлди менинг гунойим,
Шул куйга солдия худойим,
Бадавлат киши эдия,
Азим савдогар қиблагўйим.

Тортгани лўкча нор эди,
Ортгани тилло зар эди,
Алимбек акамнинг обрўйи,
Қанғижарда анча бор эди.

Соғиндим хили хешимди,
Соғиндим бийтай дашимди.
Мусофир ўлсамда бу юртда,
Қимлар суяғди бошимди.

Бегим букун савдо тушди бошима,
Ота-энам ҳар кун кирар тушима,
Қанғижарнинг қиртарчни эсласам,
Нетай тўрам келолмаёман ҳушимма.

Бир қиз эдим дилда ғамим йўқ эди,
Савдогар қизийдим камим йўқ эди.
Мусофирлик ҳам айлади бошимди,
Қанғижарда менинг номим йўқ энчи.

Тўражоним билинг менинг ҳошимди,
Ғамлар букчаёттирди букун белимди,
Тақдиргинам қурсин шўр эканда,
Соғиндимку ўйиниб ўсган элимди.

Алқисса Сафархон ёридан бу сўзларни эшитиб, Сарвиғулнинг ҳам тағли тўшли одамнинг фарзанди эканини билди. Унинг бу гапларини эрталаб ота-энасига маълум қилди. Ашурхон ҳам бу гапдан анча кўнгли тўлди. Ўзига тўқ оиланинг фарзанди экан, ҳаёт кишини не қўйларга солмайди. Сафархон болам уни ўз элига олиб бориб, борди-келдини йўлга солмасак, бизнинг обрўйимизга ярашмайди. — деди, — Шоҳсайид вазир Сарвиғулга оталик қилиб қалин-палин олганди. Энди Сарвиғулни этига олиб бормаса бўлмас. Беш-олтита навкар ажратайин, Шоҳсайид бош бўлсин, Сарвиғулни иззат-иқром билан ота-онасиникига обориб келсин, — деди. Сарвиғул бу сўзларни эшитиб, юзлари гул-гул ёнди, қайнота-сининг гапидан қувонди. Ёрининг вафодорлигидан кўнгли тоғдай бўлди. Шундай қилиб вазир Шоҳсайид бошчилигида кўп мол-дунё билан Шерободга жўнайдиган бўлишди. Шу кеча ётди, тонгнинг отиши Сарвиғулга йилдай туюлди. Эрталаб тонг отди. Ашурхон Шоҳсайидга келини Сарвиғулони, набираси Бекзодбекни ишониб топшириб, беш-ўнга навкарлар билан жўнатмоқчи бўлиб вазирга извланиб шундай деб турган жоғи экан:

Баҳор келса боғда очилар гуллар,
Гулни кўриб маст бўб сайрар булбуллар,
Шоҳсайидхон қулоқ солгин сўзимга,
Бу кун сенга айтадиган гапим бор.

Менга садоқатли хизмат қиласан,
Ҳар ишнинг равишин ўзинг биласан,
Келинимни бугун сенга топширай.
Ўз элига сен обориб келасан.

Билсанг ота-эна фарзанд паноси,
Фарзанд билан обод манзил хонаси,
Билиб келгин муносибми бизларга,
Сарвигул келиннинг ота-энаси.

Кўп қистамай беш-олти кун турунглар,
Келинимни ўз эркига қўйинглар,
Элу халқин қандайлигин билинглар,
Ой бориб Ҳисорга омон келинглар.

Келин набирамни топширдим сенга,
Сизларни топширдим ёлғиз Оллоҳга,
Шеробод элига бориб келинглар,
Бир хизмат қиласан Ашурхон шоҳга.

Ахир сен Сарвигулга ота бўлгансан,
Эвазига мандан қалин олгансан,
Ўзинг бош бўлгин бугун уларга,
Кўп ишнинг равишин ўзинг биласан.

Қудаларга биздан салом айтинглар,
Уларнинг кимлигин билиб қайтинглар,
Розилигин олиб эмин эркинда,
Келмоқ бўлса бунда олиб келинглар.

Минг алвон ўйнасин минганда отинг,
Унта навкар тун-кун бўлсин қанотинг,
Келинимни олиб бор ўз элига,
Шоҳсайидхон кам бўлмасин давлатинг.

Ашурхон бу сўзларни айтди. Шоҳсайидхон ҳам розилигини билдирди. Подшонинг амри билан файтун аравани тайёр қилдирди. Устига ипдан кийизлардан, яхши тоза кўрпачалардан ташлаб, Сарвигул билан Бекзодбекни миндирди. Навкарлар ҳам тайёр бўлишди. Подшоланингни эшони оқ фотиҳа бергач, барчалари хўшлашиб Шеробод эли томон йўлга тушишди. Беш навкар олдинда, бешови кейинда файтун арава ўртада кетиб бораётган жойи экан:

Савдо тушди ёронлар,
Сарвигулнинг бошига.
Бекзод ўғлини босиб,
Оқалайди тўшига.

Ота юртим қайда деб,
Келолмайди ҳушига.
От солади навкарлар,
Чимчиқлининг дашига.
Ойлар пона понадир,
Ҳолини билган донодир.
Элим дейди Сарвигул,
Юрак бағри ёнадир.
Олис бўлди ораси,
Чангида қирнинг дараси.
Навкарларнинг миңгани,
Бедовларнинг сараси,
Икки кеча икки кун сўнг,
Кўринди бир эл қораси.
~~Қорлар ўнган тўшини,~~
Туман чалган бошини.
Сарвигул қўмсаб боради,
Қанғижарнинг дашини.
Ота-эна доғида,
Йиғолмайди ҳушини.
Кўзининг оқу-қораси,
Тимдалаб борар тўшини.
Отлар борар айқириб,
Дарёдайин ҳайқириб.
Баланд-баланд ўрларда,
Нечови борар пишқириб.
Рўмоли борар ҳилпираб,
Кириклари пирпираб.
Энам дейди Сарвигул,
Кўз-ёшлари тирқираб.
Енбошида Шоҳсайид,
Қўяди қараб-қараб.
Қирларни гулга бурқар,
Айни савр жоласи.
Тўрт кунлик йўлда қолди,
Ҳисор элнинг қалъаси.
Эркалаб борар Сарвигул,
Тиззасида боласин.
Неча қир неча сойдан,
Отлар талашиб ўтди.

Қун пешиндан оққанда,
Тўпаланг дарёга етди.
Тўхтанглар деб навкарларга,
Шоҳсайид амр этди.
Бешнавкар бир томонда,
Бешови бир томонда.
Гулхан ёқиб кечаси,
Барчаси шунда ётди.
Тўпаланг дарё шовқини,
Сарвигулни уйғотди.
Ҳаққа айтиб поласин,
Тўкиб кўзин жоласин.
Кўкрак бериб эмизди.
Бекзодбекдай боласин.
Эрта билан тонг отди,
Арава яна йўл тортди,
Қийқиришиб навкарлар,
Ўзаро қилар суҳбатти.
Шоҳсайидхон аравада,
Ўтирар бургут келбатли,
Навкарлар йўл юришди,
Росям мўл юришди,

Арава тортган бедовлар.

Роса чарчаб ҳоришди.

Дийнов қолди орқада.

Элбайн қолди орқада.

Сарвигулга ёвқараш қиб.

Шоҳсайид борар аравада.

Алқисса намозшом палласи улар Қумқўрғон яқинидаги Жалойир деган жойнинг бир томонидаги тўқайликка етди. Шоҳсайид айтди: «Навкарлар буёғи оз қолди. Насиб бўлса эрта кечга бориб Қанғижарда бўламиз. Барчамиз ҳоридик. Бу кеча шу ерда тунаймиз. Бу тўқайда ҳар нени кутиш мумкин. Шунинг учун бешовинг ўнг томонда, бешовинг сўл томонда аравадан олисроқда ётинглар, ахир силар номаҳрамсизлар», — деди. Йўлда чарчаган эмасми, Сарвигул боласини қучоқлаб тарракдай қотди. Кечанинг бемаҳаллида Шоҳсайидхоннинг кўнгли бузилди. Қараса, Сарвигул ухлаб қолган. Шайтоннинг гапига кириб секин ўрнидан турди ва аста Сарвигулнинг қўйнига кирди. Сарвигул сесканиб уйғонди. Қараса,

Шоҳсайиднинг феъли бузуқ. Қаршилиқ қилди, тимдалашди, ёқалашди. Шоҳсайид ҳам бўш келмай дуч келган жоғидан ушлаб Сарвиғулга ёпишаверди. Сарвиғул бақирайин деса навқарлардан уялди. Бақирмайин деса иш чатоқ. Тапур-тупурдан ухлаб ётган бола уйғонди. Чинқириб йиғлаб юборди. Шошиб қолган Шоҳсайид боланинг бўғзига пичоқ тортиб юборди. Шу пайт Сарвиғул жон ҳолатда суғурилиб ўзини тўқайга урди. Шоҳсайид ўзини ўнгга тўқайга урди ва Сарвиғул қочиб кетганини, боласини сўйганини билдириб, уларни гувоҳ қилиб, эрталаб Ҳисорга қайтди. Ашурхонга келиб ёлгон-яшиқ гап тўқиб, тўқайда йўқотдик, ичимдагини топ кашмири экан. Бошдаёқ рўйхушлиқ бермай тўғри қилган экансиз. Боласини бўғизлаб қочиб қолди, навқарлар гувоҳ даштда учраган эди, даштда йўқотди,—деди. Буни эшитиб Сафархон кўп хафа бўлди. Лекин сира ишонгиси келмади. Отасининг ёнига бориб, Сарвиғул отамнинг оти Азим савтоғар, онам Зарриной, акасини Алимбек дегувчи эди. Уйимиз Шеробод беклигидаги Қанғижар овулида деганди. Менга рухсат беринг, бир излаб келайин деди. Ашурхон айтди:

— Айтмовдимми болам кўп сарсон бўласан деб. Айтганим келди. Начора боргин болам, излагин деди. Сафархон отасига қараб Сира кўнглим ишонмаяпти ота, иложи бўлса Шоҳсайид вазирни менга ҳамроҳ қилинг деб шу сўзларни айтаётган экан:

Батант-баланд қояда қушлар ўтирар,
Яхши сойиб қушни дамса келтирар.
Сўзларимга қулоқ солинг отажон,
Рад айламанг сизга айтган арзим бор.

Ишонмайман вазирингиз сўзига,
Сарвиғулни топширганди: ўзига.
Қочипига сираям ишонмайман,
Оёқ қўймас ўз ёрининг юзига.

(Йўқчилик жўмарднинг кўзин ўяма,
Яхшиликка босилган оёқ тояма.
Вазир гапин ёлгон билдим отажон,
Ўз онаси боласини сўяма.

Ўйлаб турсам юракларим жўшайди,
Сўякларим жиг-жигидан шовшайди.
Сўз сўрасам ерга қараб тикилар,
Шоҳсайидда бир гап борга ўхшайди.

Рухсат беринг Қанғижарга борайин,
Сарвиғулни ўзим излаб кўрайин.
Кимдан жабр ўтганини билтайин,
Кўзма кўз бўп унинг гапин олайин.

Сизга айтдим юракдаги аламди,
Кўзларимдан тўкиб селоб жоламди.
Шайтон хаёл ҳар томонга об қочар,
Сабаб надир бўғизлайди боламди.

Арслон йўлбарс ололмайдн йўлимди,
Номардларга худо берсин ўлимди.
Нораста гўдакнинг айби нимадир,
Бориб аниқлайин ўша зolimди.

Сафархон бу сўзларни айтди. Ашурхон Шоҳсайид вазирни ва беш-олти навкарларни қўшиб, ўғлини жўнатишга розичилик билдирди. Сафархон ва навкарлар Шеробод беклиги қайдасан деб йўлга тушишди. Шоҳсайид ҳам сир бой бермай улар Силан бирга жўнади:

Метарасига сув олиб,
Чақмоғига қув олиб.
Йўлга тушди навкарлар,
Ашурхондан дуо олиб.

Сўйлаб алвон тил билан
Кўнгли хушдир эл билан.
Гала навкар жўнади,
Хизир солган йўл билан.

Куйса юрак ёнади,
Совуқ сувга қонади.
Минг хаёл минг ўй билан,
Қанғижарга жўнади.

Кетди номус орим деб,
Худога айтай зорим деб,
Сафархон ғамгин боради,
Қайда Сарви ёрим деб.

Очилган гуллар сўлдима
Кун қиёмат бўлдима,
Боласи ўлган Сарвигул,
Дала даштда ўлдима.

Қилар ишини билайин,
Топиб гапини олайин,
Гуноҳкор бўлса Шоҳсайид,
Танадан бошин юлайин.

Ҳайданг дейишиб боради,
Ёмонга ўлим чоради,
Қаватида етти навкар,
Отларга қамчи уради.

Бир ёнида Шоҳсайид,
Индамай кетиб боради,
Ошкор бўлса сирим деб,
Нафасин ютиб боради.

Не гуноҳлар қилдим деб,
Саргайиб гулдек сўлдим деб,
Ранги оқарган Шоҳсайид,
Армон билан ўлдим деб.

Қанча-қанча қирлардан,
Қиялаб ўтди навкарлар.
Баланд-баланд зовлардан,
Соялаб ўтди навкарлар.

Неча-неча йўл юрди,
Кеча-кундуз йўл юрди.
Гоҳи оч, гоҳида тўқ,
Гоҳи сувсиз чўл юрди.

Гапириб ёлгон ростидан,
Азроил жоннинг қастидан,
Қанча сой, қанча қир ошиб,
Келди Қанғижар устидан.

Неча кундуз, неча кеча йўл юриб, Сафархон бошлиқ навкарлар Қанғижарга етиб келишди. Сўроқлаб овулнинг четидаги Азим савдогарнинг уйини топди. Ҳисор беклигидан меҳмонлар келишибди деган хабар овулга ёйилди. Изма-из элнинг гапга етар одамлари савдогарникига меҳмонга келаберишди. Обрўли меҳмонларга ҳамсуҳбат бўлсин деб Шеробод беги Туроб иноқ ҳам таклиф этилди. Яхши гурунг беради деб мулло Жўрани ҳам чақиртирди. Азим савдогар топганини ўртага ташлаб меҳмонларни иззат-икром билан сийлай берди. Суҳбат қизиганидан қизийберсин, энди гапни Сарвиғулойимдан эшитинг:

... Сарвиғул тўқайдан чиқиб боши оққан томонга девонасифат бир кўйда кетаверди. Бораи деса манзили йўқ, гаплашай деса бир ҳамдард суҳбатдоши йўқ. Буёғи боласидан, ёридан, элу-юртию, ота-онасидан айрилганига ичи куйиб, бўтадай бўзлаб, чўлу-биёбонда зор-зор йиғлаб тентираб кетаверди.

Югрук эдим оёғимдан тойрилдим,
Учқур эдим қанотларим қайрилди.
Муштипарман нима келар қўлимдан,
Бекзоджондай дилбандимдан айрилдим.

Ҳйнаб ўсган Қанғижардай жой қолди,
Ҳисор элда гулчотирган уй қолди.
Тақдирим шул экан менинг дунёда,
Болам ўлиб сийнамда сут чайқалди.

Аввал айрилдим ота-энамдан,
Сўнгра айрилдим гулдай боламдан.
Улар бўлдим ҳай аттанга аламдан,
Адашдимда юрадиган йўлимдан.

Йиғлаяпти зулфаклари найдаин,
Қўз ёшлари оқар сокин сойдаин.
Изгин тортиб йиғлаб борар Сарвигул,
Қўзичоғи энди ўлган қўйдаин.

Йиғлай-йиғлай хумор кўзлар сузилди,
Айрилиқдан юрак бағри эзилди.
Вой болам деб бўзлаб борар Сарвигул,
Жигарлари қумдай бўлиб эзилди.

Юра-юра суяклари сил бўлди,
Кўздан ёши оқа-оқа кўл бўлди.
Тинка мадори қуриб охири.
Дўстаман бўб охир ерга йиқилди.

Сарвигул ярим беҳуш бўлиб, кўзига ёши келиб, юраги жўшиб, сийнасида сути тошиб, ақлу-ҳушидан адашиб анча ётди. Бир маҳал кўзини очса тонг отибди. Яна йўлида давом этди. Юра-юра туш вақти бўлганда Сарвигул сойга энкайди. Ҳар ерда Жингил гуж-гуж бўлиб ўсган, лойқа сув жилга бўлиб оқаяпти. У сувдан кафтига олиб хўплади. Шундан сўнг юраги оза бошлади. Шу пайт яқин орадан «Ҳе энангди» деган овоз эшитилди. Сарвигул шошиб жингил панасига ўтди. Бир кўнгли айтди, шу одамнинг олдига чиқсаммиқан? Ҳе, мен шўрпешона кимга учрасам оқибат панд едим, нима бўлсаям индамай тураин деди. Ҳалиги одам эшакдан тушиб хэла чўпни эшак тўқимига қистириб, кийимларини ечиб, ўзини сувга ташлади. Пайтдан фойдаланган Сарвигул унинг кийимларини олиб қочди. Ҳийла ерга боргач, ҳалиги кийимларни кийиб олди. Саллани бошига ўраб жулдур бир «овсар» қиёфасига кирди. Нафасини ростлаб олгач, Бойсунтоғ томонга қараб кета берди. Бора-бора Оқбет тепалик қаршисидан чиқди. Сояда нафасини ростлагач

юқори кўтарилди. Шундай қараса бир полвоисфат чўпоннинг қаршисидан чиқиб қолди. Чўпон ерга ёнбошлаб, оёғини узатиб ётар эди. Кўзи илиниб-илинмай сал-пал хуррак отар эди. Таёғи ёнбошига ботар эди. Ҳар замонда кўзини хиёл очиб қўяр эди. Чўпон ногаҳон қаршисида пайдо бўлган овсар қиёфасидаги жулдур кийимли кишига кўзи тушиб, жойидан сакраб турди. Ё пака парвардигор бу ерларда инсон зоти бўлмас эди, бу ким бўтқиқини, ёки тушиммикин деб баданини чимчилаб-чимчилаб кўрди. Ўзи экан. Овсарни писанд қил ай юзини тескари бурди. Сарвигул аста бориб унинг қаршисига чўкди. Овозини сал ўзгартириб салом берди. Чўпон илла алиқ олган киши бўлиб бош ирғади. Сарвигул ўзини ўнглаб, овозини бир парда баланд олиб дўриллаб сўз бошлади:

Манов товнинг бошин чалган туманма,
Яхшиларга даври билан давронма,
Чўпон бобо сўзларимга қулоқ сонг,
Элу халқу—ул қизингиз омонма.

Овсар чўпон дейишади отимни,
Асли ўзбек дейди менинг зотимни,
Ҳисоб элда чўпон эдим бобожон,
Қўллар боқдим билмадим роҳатимни.

Серсув, серўт эди бизнинг жойимиз,
Бир касатдан ўлиб кетди бойимиз,
На отам бор на онам бор етимман,
Таловда қолди сурув қўйимиз.

Бой ўлган сўнг меросхўрлар келишди,
Сурувларни бўлиб-бўлиб олишди.
Қувғин қилди беришмади ҳақимди,
Мен шўрликни хуб савалаб уришди.

Омон бўлсин чўпон бобо жонингиз,
Сиҳат бўлсин бобо сизнинг танингиз,
Роса очдим кетди тандан мадорим,
Берарга борми менга нонингиз.

Ризқингизни парвардигор мўл берсин,
Чўпон ота келиб сизга қўл берсин.
Бир тишлам нонни мендан аяманг,
Қариганда худо сизга ул берсин.

Овсар бу сўзларни айтгандан сўнг, чўпон ўрнидан турди. «Ҳей овсар, гапнинг дангалини айтсам Далангбий деган чўпон мен бўламан», — деди. — Сўзимга кирсанг очингдан ўлмайсан. Устингни бутлайман, қорнингни тўқлайман. Ҳеч нарсага зориқтирмайман. Мен билан бўлсанг хор бўлмайсан, қиладиган ишинг қудуқдан сув тортиб, кунда оир марта охурларни сувга тўлдирасан. Яхши хизмат қилсанг яхши-яхши ҳақ ейсан, айрон ичиб, қўй гўштию нон ейсан. Дангасалик қилсанг балки, заранг таёқдан тўрт-бештани нақ ейсан. Менинг хизматимни қилсанг, сира хор қилмайман, — деди. Овсар рози бўлди. Далангбий мард экан, айтганини қилди. Сарвигул кундузи қудуқдан сув тортиди, кечалари сурувнинг бир четида ётди. Орадан беш-олти вақт ўтди. Сарвигул Далангбий билан гурунглашиб Қанғижарнинг йўлини билиб олди.

Кунларнинг бирида Далангбий қўйни сувга ҳайдаб келса, охурда сув йўқ. «Ҳа энағар овсар» ухлаб қолибдида, ушлаб олиб бир терисини ошлаб қўяйин, оч бқинига тўрт-беш муштлаб қўяйин. Қайданам булса топайин, юмшоқ жойига бир-икки тепайин деб эшакдан тушмай қудуқ томон энкайиб кела-кела шу сўзларни кўнглидан ўтказди:

Оллоҳ ҳушин олдимикин,
Чарчаб ўхлаб қолдимикин,
Ё қочиб йўқолдимикин,
Қайларга кетди овсаркал.

Иши тушса дум бўлади,
Кали қурғур шум бўлади,
Қорни тўйгач гум бўлади,
Қайларга кетди овсар кал.

Бошга ўраб салласини,
Яшириб кал калласини,
Қолдириб ишнинг чаласини,
Қайларга кетди овсар кал.

Ушласам ўзим биламан,
Бўйнидан чиғириққа иламан.
Иштонсиз қиб энағарни,
Устидан роса куламан.

Далангбий шу хаёллар билан қудуқ бошига келди. Қараса овсар ҳеч жойда кўринмайди. Ўзим сув тортайин деб яқин борса, чиғириққа мунчоқ илинган.

— Вой баччагарей, бу овсар қурғур занаца эканда, белгисини ташлаб кетибди. Далангбий бўлмай мен ўлай. Шунинг ҳам маънисини билмабман. Ҳа, айтгандай, у мендан ёмонлик кўргани

йўқ-ку. Талмовсираб Қанғижарни сўрагандай бўлувди. Азим савдогарнинг отини тутувди. Гапнинг тагига етмасам бўлмайди, — деб эшакни калта узанги қилиб миниб, қўйларини ўришлатиб юбордида овсарнинг изидан тушди.

Қаранга қаранг ҳолига,
Миниб эшакнинг белига,
Бу сирнинг орти не бўлар,
Тушди Қанғижар йўлига.

Излаб ортидай борай деб,
Тутиб олиб хуб урай деб,
Аниқ заифа бўлса агар,
Хусни жамолин бир кўрай деб.

Эшагини Далангбий,
Хиналаб кетиб боради,
Эниш-эниш жойлардан,
Еналаб кетиб боради.

Қувиб етиб ушласам деб,
Хумордан чиқиб муштласам деб,
Чинданам заифа бўлса агар,
Юрак сирини билсам деб.

Турли-турли хаёл билан,
Йўл юриб баланд паст билан,
Айни намозшом палласи,
Борди Қанғижар устидан.

Далангбий Қанғижар овулининг четидаги Азим савдогарнинг саройи устидан бориб қолди. Алимбек келинг-келинг қилиб, уни меҳмонлар турган хонага киритди. Далангбий қараса суҳбат авжида, ҳаммаси казо-казо одамлар, ўзининг юришидан ўзи уялиб четроққа чўкди. Мулло Жўра қизиқ гурунғ берар эди. Қараса, «овсар» ҳам шу ерда чой ташиб кириб, чиқиб юрибди. Сир бой бермай ўтираберди. Гурунғ айни авжига чиққанда мулло Жўра овсарни гапга солди:

—Овсаржон сен ҳам бир нима айтиб меҳмонларнинг кўнглини овласангчи, —деди.

Овсар қўлидаги қўмғонни ерга қўйиб, қўл қовуштириб:

✓ —Соз билан айтайинми, сўз билан, —деди.

Мулло Жўра кулди:

—Гапингнинг тузи йўқ кал. Қўлингда созинг бўлмаса, ниманг билан айтасан. Овсар қўлини кўксига қўйиб:

—Созим мана бу ерда муллам, —деди.

Кўпчилик мулло Жўра бир гапни билади, овсар яхши гурунғ берса керак, деб қулоқ солиб ўтиришди. Овсар четроққа ўтириб олиб ҳикоясини бошлади:

Эл мақолини беклар аввал айтмайди,
Айтгандан сўнг ҳеч вақтда қайтмайди,
Қиёматни тилга олган чини дўстлар,
Бир-бирига ҳеч хиёнат этмайди.

Мулло Жўра ҳар сўзда хўш десангиз,
Икки қўлим бу дунёда бўли десангиз,
Қўзлаганингиз ҳар доим тўш десангиз,
Яхшини ёмонга ҳа қўш десангиз.

Карвонда тортгани лўкча нор экан,
Нор устига юклагани зар экан.
Муллам тингланг Шеробод беклигида,
Қанғижарда бир савдогар бор экан.

Ни т қипти бир кун Миср элини,
Эргаштирмади бўпти ёлғиз улини,
Қиёматлик дўстим дея ишониб,
Дўстига топширибди молу-қолини.

Азиз дебди остонага бош урибди,
Ёмонлардан ўз сирин яширибди,
Омонатга қилмайин хиёнат деб,
Қиз ва ёрин дўстига топширибди.

Насиб бўлса олти ой сўнг келай деб,
Тиллаю зар бериб кўнглинг олай деб,
Қизимни қиз, хотинимни чеча де,
Қиёматлик сенинг дўстинг бўлай деб.

Мулло экан савдогарнинг дўсти ҳам,
Ишонганчун эмас экан асло ҳам,
Дўст қизини зўрламоқчи бўлибди,
Худо урган номард экан мулло ҳам...

— Қўй нарига бундай тузи йўқ гапингнинг, — дея мулло Жўра жоїидан бир қўзғалиб олибди. — Ўзи оvsар кал бўлса, давра кўрмаган бетамизнинг гапи ҳам тузсиз бўлади-да дебди мулло.

Сарвигулнинг акаси Алимбек муллони жеркиди:

— Нима қиласиз, индаманг, билганини гапирсин. Айтавер оvsаржон!

Оvsар яна ҳикоясини бошлабди:

... Дўстга берган ваъдасини,
Шум мулло унутибди.
Пайтин топиб дўстин қизин,
Билагидан тутибди.

Қурғур мулло ёмон ният бошлабди,
Зўрламоқ сўи қиз кўзини ёшлабди.
Қиз ҳам экан ўз қалбига мустаҳкам,
Қув муллони хуб силкилаб ташлабди.

Муллонинг шум ниятин пайқаган,
Қиз ҳам анча ёқалашиб ҳорибди,
Ҳеч чорасин топмай қолиб охири,
Қумғон билан уди боштин ёрибди...

—Ҳеі биродарлар, —дебди мулло Жўра. —Бу овсарнинг ўзи киму, сўзи ким. Бемаврид гапнинг кимга кераги бор. Бошқа гапдан гаплашайлик.

—Индаманг охиригача эшитайлик. —деди Алимбек. —Овсарнинг ҳикояси қизиқ экан. Буям гапириб кўнглини бўшатиб олсин. —давом эт овсаржон!

Сарвигул давом этибди:

...Мулло қичти ўз дўстига хиёнат,
Айбин ёпмоқ учун ўйлаб кўч ниёт.
Савдогарнинг қайтганини эшитиб,
Олдига чиқибди қурғур касофат.

!! онини қурғур мулло сотибди,
Бир манзилда кавон йўлин кутибди.
Учрашган сўнг савдогар дўсти билан,
Ёлғон яшиқ кўн тухматни айтибди.

Дўстининг бул гапларидан,
Савдогар даргазаб бўпти.
Сарвигулни ўлтиргин деб,
Алимбекни жўнатибди.

Савдогарнинг ўгли уйга кетибди,
Синглисини қаватига олибди,
Отам йўлда касая бўлиб қолди деб,
Ўз синглисини ўлдирмоқчи бўлибди.

Гап шу ерга келганда Алимбек бир нимани сезгандай бўлибди. Мулло Жўрага бир қараб олибдида, гапиравер овсаржон:—дебди.

...Ака синглил бир соҳилка етибди,
Синглим шунда тура-тўр деб айтибди.
Ўлдирмоққа кўзи қиймай акаси,
Синглисини чўлга ташлаб кетибди.

Ора чўлда бечора қиз адашган,
Бир кун бир тўп навкарларга дуч келган,
Подшоҳнинг ўғли экан бирови,
Қизни кўриб дилда севги ниш урган.

Қизни олиб шаҳзодаю навкарлар,
Етишибди Ҳисор деган бир юртга,
Яхши кўриб уйланибди шаҳзода,
Бир ҳафталик тўй берибди эл-юртга....

Овсарнинг ҳикоясини эшитиб Сафархон ҳам бироз ўйланиб қолибди ва «Э. овсар ҳикоянгни давом эт, жуда қизиқ экан»,—дебди:

...Ойлар эмас йил ўтибди орадан,
Қиз бир ўғил кўрибди шаҳзодадан.
Қиз қалбини гўё туман тутибди,
Айрилиқ азоби қийнаб танасин.
Соғинибди эл-юрт, ота-энасин.
Дил дардини ўз ёрига айтибди,
Ийглай-ийглай шул кеча тонг отибди.
Ёри бўлиб қиз ҳолидан хабардор,
Юрак бағри эзилибди хуб абгор.
Ота-энасини кўриб келсин деб,
Майли ўн-ўн беш кун юриб келсин деб,
Подшодан олибди оқ дуони,
Отларга қўшиб фййтун аравани.
Хизматига буюриб навкарларни,
Ҳар бирига бериб зап тулпорларни,
Барчасининг кўнглини хуш қилибди,
Вазирни ҳаммасига бош қилибди,
Фа.тун аравага ёрини миндирибди,
Ўғлини ҳам ёр қўлига берибди.
Хуллас шуйтиб йўлга тушиб навкарлар,
Йўл тортибди неча шом, тун саҳарлар.
Қурисин йўллар кўп узоқ экан,
Шум вазирнинг кўнгли ҳам бузуқ экан.
Юра-юра бир тўқайга етибди,
Кеч бўлди деб шул кеч бунда ётибди.
Шайтон миниб номард вазир бўйнига,
Ярим тунда кирибди қиз қўйнига.
Ёқаллашиб қизни хуб толдирибди,
Уйғонган боласини бўғизлаб ўлдирибди...

Овсарнинг ҳикояси шу ерга келганда вазир Шоҳсайидхон ўрнидан туриб гулдиради.

—Калнинг бу гапи бўлмайди. Кўп қайғули экан. Вақт кеч бўлди ётамиз,—дебди. Алимбек вазирнинг елкасидан босибди: «Ўзингизга олманг тақсир, буни кўҳна дунё дейдилар. Қанча шоҳу-гадо келиб кетмаган бунга». Айтавер овсаржон, айтавер, тўхтама!

Сарвигул яна давом этибди:

...Бир амаллаб қиз ўрнидан турибди,
Қоронғуда ўзин тўқайга урибди.
Бечоранинг пешонаси шўр экан,
Бу дунёда кўрар куни бор экан.

Сарсон бўлиб тоғу-тошни кезибди,
Ҳушдан кетиб жондан умид узибди.
Паноҳ бер деб ёлворибди Раҳмонга,
Охири дуч келибди бир чўпонга.

Чўпон унинг оч қорнини тўқлабди,
Авайлабди беш-олти кун сақлабди,
Хуллас, чўпон ора кириб жонига,
Омон-эсон етибди Ватанига...

Шундай деб овсар ташқари чиқиб кийимларини алмаштириб кирибди. Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлабди. Гапнинг тагига етган Шеробод беги амрини баён қилиб, буларни дорга тортишга буюрибди. Сафархон узр сўраб, барчасини Ҳисорга олиб кетишни айтибди. Алимбек бир чеккада анграйиб тошдай қотиб турган Далангбийнинг олдига сарупо қўйибди. Азим савдогар ўрнидан туриб, Сафархонни қучоқлаб кўришиб, қизи Сарвигулдан кечирим сўраб, зиёфатни қайтадан бошлабди. Мулло Жўра билан Шоҳсайидхонни банди қилиб, тонг отгунча отхонага қамаб қўйишни буюрибди. Шу кеча Алимбек қилди ғайратти, Далангбий ҳам қилаверди хизматти, дастурхонга келтираверди нону-новотти, неча-неча қўйни сўяберди қовурдоқ, тандиргўштга меҳмонлар тўяверди. Сарвигул отаси, онаси, акаси билан қилди гурунгди. Эрталаб тонг отди. Ҳаммаси ўрнидан туриб қайтадан суҳбат қуриб, хурсандчилик қилишди. Азим савдогар меҳмонларнинг барчасига сарупо келтирди. Туроб иноқнинг амри билан мулло Жўра бекликка олиб кетилиб, дорга тортилдиган бўлди. Шоҳсайидхонни эса Ҳисорга обориб қилмишига яраша жазолайдиган бўлишди.

Шу куни Азим савдогарнинг уйида катта тўй бўлди. Сафархон севган ёри Сарвигул билан қайтадан топишди. Узоқ-яқиндан меҳмонлар чақирилди. Шу тўйга Боборайим бахши ҳам чақирилди. Бахши ҳам дўмбирасини қўлига олиб, дўстликни, севги вафони, чин садоқатни куйга солиб, кечгача қўшиқ, дoston айтиб берди.

Айтишларича, ўшандан буён Шеробод беклиги билан Ҳисор беклиги ўртасида борди-келди, қуда-андачилик қилинар экан.

Эшитганлар муродига етсин!



АВАЗХОН ОТА ЮРТИДА

Қадим ўтган замонда, элу юрти омонда, бундан анча тўманда, Жайхун (илан Сайхун дарёлари оралиғидаги гуллаган Сир чаман-ла, кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда, тўрт тарафи бўстон бўлган, номи тилларда дoston бўлган, қизлари юққа томоқ, бодом қовоқ бўлган, йигитлари шер юракли бўлган, кўлларида сузган балиқлар, тоғларида сайраган чил, какликлар, таърифи етти иқлимга кетган, номига бахшилар ўнлаб дoston битган, ҳар бир дostonини менман деган чечан бахши ҳам ўн кеча-кундуз айтган, юрти омон-омон бўлган, Гўрўғли султон хон бўлган, саксон сардобали, тўқсон тўпхонали Чамбил деган катта қўрғони бор эди. Чамбил қандай жой эди? Мақтаса мақтагидай жой эди. Элу халқи бой эди, Сошлаганлари қирқ кеча-кундузлик тўй эди. Ешлалари хизматда, қарилари иззатда эди, эли чорвадор эди, ҳар кунни бозор эди. Ҳар ердан келганлар Чамбилликларнинг молига харидор эди. Хуллас, ким нима деб мақтаса айтганича бор эди. Бир тэмони Лайлимкон, асли чорвага макон, ҳар жилга сойи юз сурув кўйга бўлган қишқўтон. Жойлови эса тақир, чўлу қўҳитанг. Чамбил элида ўша даврларда бўлган экан хуб ажойиб замон, мерганлари учуб юрган қуш кўзидан урар экан, эринмаса улоқлари тўртта туғиб берар экан. Заргарлари қирларидан дуру гавҳар терар экан. Саксон яшар кампирлари писта, бодом чақар экан. Тўқсондан ошган чоллари тоғда сурув боқар экан, чашмаларининг суви тескарига оқар экан, олти ойлик жўжаси пишган тухум туғар экан. Келинларининг ҳар кўкраги беш гўдакни боқар экан. Алқисса Чамбил таърифининг атоғи йўқ жой экан. Бунда Гўрўғлибек даврини сураётган экан, доврўғи ҳар элга кетган экан, ёши ҳам эликдан ошган эди, гайрати ҳам жайхўндай тошган эди. Бирон нарсадан хафа бўлса дамига зогора пишган эди. Ўзи кўп давлатли эди, елкадор савлатли эди, бироқ кўп адолатли эди. Ҳурмати бор учун ўтган-кетганлар уни тавоб қилиб ўтар эди, арзи борлар эса яхши жавоб олиб кетар эди. Жудаям меҳмондўст эди.

Гўрўғлибекнинг қирқ йигити бор эди. Қирқини қирқ мамлакатдан олиб келган эди. Ҳасанхонни Ваянгандал, Авазхонни Гуржистондан, ва ҳоказо ҳар бирини ҳар мамлакатдан келтирганди. Гўрўғли султон бошқаларга қараганда Авазхонни кўпроқ суяр эди. Чунки уни етти ешида ота-онасининг бағрини доғлатиб, зор қақшатиб йиғлатиб олиб келган эди-да. Ого Юнус пари еқасидан солиб этагидан чиқариб олиб фарзандликка қабул қилганди. Авазхон ҳам жуда қорувли қўрқмас эди. Шунинг учун Гўрўғли султон уни галаботирга бош қилиб тайинлаган эди. Чунки у ёш бўлсада, от миниш, кўпкари чолиш, найзабозлик, қиличбозлик сирларини, мусурмонлик одобларини пухта ўрганган тамизли йигитча эди...

Авазхон Гуржистондан келганига етти йил бўлди. Еши ҳам ўн тўртга тўлди. Қуларнинг бирида йигитлари билан ов овлаб юриб, ҳорла, чарчаб чамбилга келиб отларни таблага боғлаб, олдига емишини тайлаб, сағриларини қашлаб сийлаб, овлаган овларини ҳам жойлаб меҳмонхонага киришиб дам ола бошлайди. Ботирларнинг ҳар бири ҳар жойдан сўйлай берди. Кўпларининг кўзи уйқуга кетди. Ухлагандари ўриллашиб хурракни тортди. Айримлари одоб сақлаб Авазхондан рухсат сўраб аста-секин уларига қайтди. Тун ҳам алламаҳалга етди. Авазхонни ҳам уйқу элитди. Кечаси саҳар саҳар вақтига етганда бир туш кўрди. Тушида болалиқда ўйнаб ўсган, ўзи эма-эс билган Гуржистондай элати, Булдуққас-собдайин отаси, оқ сут берган энаси Гулойим ва синглиси Болойимни кўрди. Улар билан ҳийла суҳбат қурди. Гулойим энаси Авазхон фарзандим, суйганим, жигар бандим, асалим ҳам наввот қандим деб бағрига босганида, онажон! деб бақариб юборди ва ўзининг овозидан ўзи қўрқиб сачраб уйғониб кетди. Кўзини очиб қараса туши экан. Нима бўлсаям ота-онаси эсига тушиб кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, кўзидан селоб ёши тизилиб уйқуси очилиб кетди.

Авазхоннинг йиғлаб турганини билиб уйғонган ёнидаги йигитлар нима гаплигини сўраб унга тасалли бера бошладилар. Шунда Авазхон кўрган тушини баён қилиб, ота-онасини, ватанини соғинганини билдириб, йигитларга қарата шундай деб турган жойи экан:

Ун тўрт ёшда сарғайган бир тарзим бора,
Яратганга жон беришга қарзим бор.
Чамбил элда баринг бирдай ботирлар,
Қулоқ сонглар айтадиган арзим бор.

Ҳайрон қолинг яратганининг ишига,
Яшин тушар баланд тоғнинг тошига.
Юрак дардим сизга айтай ботирлар,
Ота-онам кирди менинг тушимга.

Яхши ният яратгандан тилашиб.
Оқ кзини қизил қонга бўлашиб.
Ота-онам кирди менинг тушимга,
Авазхон деб юрган экан йиғлашиб.

Ким чидайди юрак бағрин ҳоврига,
Ҳар ким қувонади юрган даврига.
Мен тушимда Гуржистонга борибман,
Ота-онам босган эмиш боврига.

Юрагимни жоним болам сўтма деб,
Ўн тўрт кунлик ойдаё бўлиб ботма деб.
Онажоним йиғлар мени қучоқлаб,
Чамбил элга яна қайтиб кетма деб.

Юрагимда армонларим қатма-қат,
Бийрон тилга гап келади кетма-кет.
Эмчақдошим кеча кирди тушимга,
Ботирларим берингизлар маслаҳат.

Ўлмасам элда давр сураин,
Хон отамдан Долғиротни сўраин.
Ботирларим кўришгунча хайр энди,
Гуржистонда ота-онам кўраин.

Ботирларим, менинг ҳолим билингиз,
Чин дўстликка аҳду вафо қилингиз.
Гуржистонни қўмсаб қолди юрагим.
Кетар бўлсам дуода бўб турингиз.

Авазхон қирқ йигитга бу сўзларни айтиб, хайрлашиб, юрак-бағри эзилиб, кўздан ёши шашқатор бўб тизилиб, кўнгли алланечук бўлиб бузилиб, дўстларидан изн сўраб Гўрўғлибек отасининг ўрдаси томон юрди. Хаёлида отамнинг олдига борайин ҳурматини қилайин кўрган тушимни баён айлаб долғиротини сўраин. Агар бек отам гиротни берса Гуржистонга миниб борайин. Бермаса тақдиримдан кўраин, Пиёда бўлсам бориб ота-онамни, синглимни кўраин деб ўрдага келганини ҳам сезмай қолди. Тонг саҳарда Авазхоннинг гамгин ҳолда олдига келганини кўриб Гўрўғли султон ҳайрон бўлди. Авазхонга юзланиб, нима гаплигини сўради. Шунда Авазхон одобу икром билан таъзим қилиб, қўл қовуштириб бошини қуйи солиб отасига салом берди. Сўнгра мақсадини баён қилиб отасидан назаркарда гиротни сўраб турган жойи экан:

Кўплаб сафар қилдинг лайли бўз билан,
Фарзандим деб боқдинг нону туз билан,
Бошим эгиб келдим ота қошинга
Дардларимни айтай бир-бир сўз билан.

Ёқам ҳўлдир кўздан оққан ёшима,
Сира-сира келолмайман ҳушима.
Кеча ётиб саҳар вақти туш кўрдим,
Ота-энам кирди менинг тушима.

Сўзлайберсам дилим тўлиб боради,
Эслайберсам рангим сўлиб боради.
Ота-энам кирди кеча тушима,
Бу туш таъбири қандай бўлади?

Арзим айтиб йиғлай сизга доду-дод,
Ширин жоним бу танамда омонат.
Уйнаб-ўсган юртим кирди тушима,
Мен шўрликка бўлди гўё қиёмат.

Султон ота сиздан менинг қарзим кўп,
Аmmo бу кун айтадиган арзим кўп.
Ота-энам, синглим кирди тушима,
Бажармоққа ҳали элда фарзим кўп.

Оҳ, бек ота дунё экан омонат,
Ота-эна фарзанд учун ғанимат.
Бўз тарлонни бу кун сиздан сўрайман,
Ота-энам бориб қилай зиёрат.

Билмам балки ота-онам ўлгандир,
Эгачимга кун қиёмат бўлгандир.
Руҳи келиб кирдимкан тушима,
Худойим шу кунни бошга солгандир.

Ўйлайберсам суякларим қақшайди,
Томирларим эшилгандай шовшайди.
Бўз тарлонни ота сиздан сўрайин,
Гуржистонда бир гап борга ўхшайди.

Авазхон Гўрўғлига бу сўзларни айтгач султоннинг ҳам кўзларида ёш қалқиди. Ёшим бир жойга борганда бефарзандлигим билинди-да, ҳа, аттанга ўзинг туғмай ул бўлмас, сотиб олмай қул бўлмас, минг парвариш қилсанг ҳам чақир тижан гул бўлмас, бировнинг тўли барибир сенга тўл бўлмас экан деб ичида худди Авазхондан айрилиб қоладигандай бўлди. Нима бўлгандаям ёшлигидан олиб келиб тарбиялаб, фарзандликка қабул қилганини ўйлаб

кўзимнинг нури деганман. Белимнинг қуввати деганман. Сўзинг ўлмасин болам. Долғирот сендан садога деб жойидан ирғиб туриб, нордай қаддини кўтариб, Авазхонни юпатиб, бағрига босиб болам сендан аяйдиган молим борми, сенинг бир гапингни икки дейишга ҳаддим сизмайди деб кўзига ёш олиб Авазхонга қараб икки оғиз сўз айтиб трган экан.

Майдон бўлса от ҳайдагин тўлага,
Сағрисига тегмасин айил, тўго,
Жасадингдан қибл.гоҳинг айлансин,
Тарлон қушим болам сендан садога.

Душман кўрсач туриб наъра урайин,
Ўлмасам элда даврон сураини.
Долғиротим минг бор сендан айлансин,
Чилтон берган молим сенга берайин.

Сездим болам саҳар туриб йиғлабсан,
Меҳр кўри гулдай бағринг доғлабсан.
Ғиротимни болам сенга бераман,
Гуржистон кетмоққа ўзинг чоғлабсан.

Маъли болам Гуржистонга бориб кел,
Ота-энанг, эмчақдошинг кўриб кел,
Назарқарда отим бўлсин йўлдошинг,
Элинг билан созу суҳбат кўриб кел.

Айтганларим билсанг сенга насиҳат,
Долғиротга бўлгин дотл эҳтиёт.
Омон Ғориб омон кетгин жон болам,
Сенга а тар сўзим шудир ниҳоят.

Гўрўғлибек бу сўзларни айтди. Энди нима бўлсаям Авазхонни хушу ҳушвақт, иззат-икром, совға-саломлар билан оқ дуо бериб жўнатайин деб Чамбилнинг гапга етар одамларини, мулло-эшонларини чақиртириш учун чор тарафга чопар юборади. Долғиротни сафарга ҳозирлаш учун отнинг сайиси Соқибулбулни излатди. Соқибулбулни деди тортди, Соқибобо лаббайлаб етди. Ҳов! Пешингга қолсанг биламан, омбирлаб гўшингни юламан. Лошигни дорга иламан. Айтганларимни қиласан, гапимга қулоқ соласан, ишни чала қилсанг, тайин ўласан. Авазхоним сафар талаб айлади, сен унинг айтганида бўласан, ғиротни сафарга ҳозирлайсан, — деди.

Соқибобо ўзича ўйлади, — Гўрўғлибекининг бугун авзойи бузуққа ўхшайди. Бўлмаса бундай демас эди. Нима бўлсаям чопқиллаб хизматини қилайин. Бекнинг гапини эшитгач Соқибобо чопиб кетаяпти, чопганда товони уччасига тийиб кетаяпти, товон теккан

жойини ўйиб кетаяпти, ўйилган жойи туз тиққандай куйиб кетаяпти. Қаранг, Соқибободай мардди, Гўрўғлига қилайин деб хизматни. алқисса чопқиллаб таблада бойловли турган ғиротнинг қошига етди. Кексалиги билинди шекилли, бирров қаҳри келди, илондай заҳри келди. Мўйловини бураб, оёғини ерга тираб Ғиркўкка қараб, ҳе жамоллоғур, жайнағур, қозонда гўшинг қайнағур, сен ўлмадинг мен қутулмадим., Бекликдан бирор жойга юриш бўлса мен шўрлига кун туғади. Доим хизматда бўламан. Охири хизматда ўламан. Сағона қолғур, энди яна бир узоқ сафарларга кетадиганга ўхшайсан. Бек бовонинг дами баланд, —деб отнинг баданини қашлай берди. Ғирст қулоқларини диккайтириб бир ер тепинди-да, Соқибулбулнинг белидан моҳнам тишлаб сермаб отди. Соқибобо анча жойга отилиб кетди. Шунда жо'ндан зўрға турган Соқибобо сағона қолғур ҳайвон бўлсаям одамдай билгир. Не бўлсаям, бир эркалайин, ёлини тарайин, силаб-сийпайин,— деди. Алқисса желагининг чангини қоқиб, авайлаб ғиротнинг қошига келди-да, овозини бир парда баланд олиб таърифлаб, шул сўзларни айтиб турган экан:

Бек оғанинг ёмон кунда ҳолисан.
Яхшилардан тилаб олган молисан.
Сарка ёлли ўзинг марднинг ҳолисан,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Сени минган беклар қилди хурушди,
Элим деди ор талашиб сурушди.
Душманларман неча кунлаб урушди,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Тажангда оқизиб Райҳон ўзини,
Зор йиғлатиб, ёш тўлдириб кўзини.
Ор учун об қочдинг Зайдин қизини,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Хон Гўрўғли энанг, билан эмчақдош.
Энди бўлгин Авазхонга сен йўлдош.
Олис сафарларда бўлгин сен сирдош,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Тош табланга шамчироқлар ёқайин,
Ёллариингга туғдоналар тақайин.
Хизмат қилиб сенга ўзим ёқайин,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Киприкларинг чўзиқ-чўзиқ тулпорсан,
Икки кўзинг сузик-сузик тулпорсан,
Тўрт оёғинг қоққан қозиқ тулпорсан,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Туёғинг метиндан, суяғинг тошдан,
Чуҳ деса ошасан товаю тошдан,
Камчилигинг йўқдир йўрға юришдан,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Тулпор бўлиб туғилгансан онадан,
Қирқ чилтонлар ўтказгандир санодан,
Сени минган озод бўлган гунодан,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Қаҳрлансанг душман кўзин ёшлайсан,
Баҳор келса Асқар тоғда ўтлайсан,
Қувсанг агар лочин қушни ушлайсан,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Уқрансанг гар тош юраклар эзилар,
Босган жойинг ўрадайн қазилар,
Иргиб чопсанг қанотларинг ёзилар,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Сен билгинда Авазжоннинг ўйини,
Сийлаб юргин Чамбил элнинг бойини,
Бориб кўргин Гўржистондай жойини,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Энди эшит, Соқибулбул зорини,
Ҳар элатдан олгансан эл орини,
Излаб топгин Авазжоннинг шаҳрини,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Яхшилардан сени султон тилаган,
Манглайингдан қирқ чилтонлар силаган,
Товушингдан қоя, зовлар қулаган,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Гуржистонга эсон бориб, омон қайт,
Авазжонни йўлларда қил эҳтиёт,
Тушмасин бошингга ҳеч ерда кулфат,
Моҳма, дейман кокилингдан айланай.

Соқибулбул бу сўзларни айтиб ғиротни қиздай қилиб эркалай берди. Жонивор ҳам бошини сарак-сарак қилиб Соқининг қўлига ойқалайберди. Кўринг, Соқибек ғиротни ювиб-тараб сафарга тайёрлайберди..

Чопарлар ҳар томондан меҳмонларни айтишди. Созандаю, гўяндалар, чавъандозу полвонлар йигилишиб Чамбил ўрдасига Авазхонни кузатгали келаберишди. Ошпазлар ошни дамлайберди. Қассоблар қўйни сўяберди. Бир томонда ўйин-кулги, бир томонда кексалар суҳбат қуриб, бахшилар терма дoston айтаберди. Гўрўгли султон аркнинг устидан зап мамлакатнинг зўрлари, бообрў кишилари билан суҳбат қуриб, Авазхонни Гуржистонга кузатиш чораларини кўраберди. Чамбилнинг сулув қиз-жувонлари турли хил пишириқлар пиширишиб дастурхонга ташлайбердилар. Бир зумда гўёни бир сайл бўлиб қолди. Шу куни ўйин-кулги билан ўтди. Авазхон ҳам жўралари билан тонг отгунча суҳбат қуришди. Эрта-лаб сўфилар авон айтгандан сўнг барчалари бомдод намозини ўқишиб, ўрдага аркнинг ёнида жам бўлишди. Гўрўглибекнинг амри билан Соқибулбул ғиротни эгарлаш учун таблага борди. Жониворнинг сағрисини слаб таърифлаб, эгарлай бошлади.

Отим ғирот молим ғирот,
Сени минган топар мурод.
Қўлтиғингда қуш қанот,
Чамбилда ўзинг бир давлат,
Кел кланга бўйининг узат.
Эр йигитлар элга қилар эрликни.
Душманларга ўтказди зўрликни.
Ҳам бўлганлар юртда қилар бирликни,
От белнга қўяберди Соқижон,
Майин ипакдан бўлган терликни.
Чўпонлар чўлда боқир жонликни.
Ўзга юртга борган тортар хўрликни.
Боз устига қўяберди Соқижон,
Тоз нукрадан бўлган белликни.
Ҳойловинг бўлганди шибарли сўрик,
Турушинг тарлондир холларинг тўриқ.
Унлнг устидан қўйди Соқижон,
Зардан сайқалланган жаҳилдирик,
Муллолар ўқир зеру-забарди,
Устолар ишлатар теша-табарди.

От белига бисмиллоҳ деб қўйдику,
 Карсони нуқра софи олтин эгарди,
 Яхши одам элда кўрар сайилди,
 Мард кишининг ишига ҳамма қўйилди,
 Ярашиққа қўйберди Соқибек,
 Туя жунидан тайёрланган айилди.
 Чопганида ўзали осмонда қушдан,
 Сира ками йўқдир йўрға юришқан,
 От думига илаберди Соқибек,
 Ун саккиз гуффаали олтин қуюшқон.
 Бисмиллоҳ деб боз устида ташлади,
 Ийлани пишитилган чигатоё пуштон.
 Аччиқланса девлар билан суришган,
 Майдон бўлса юз ботирга урушган,
 Душман кўрсанг баланг тогдан ошир деб,
 Упкаснни мешдай қилиб шишир деб.
 Ёшириб ташлади эгар устидан,
 Узангани икки ёққа ташлади.
 Қиш ёзнинг ораси бир ой саврди (Р)
 Ёмон одам элда қилар говурди.
 Ошириб ташлади эгар устидан,
 Чочоғи зумраддан заррин довурди.
 Ўз шидан Соқибулбул қувонди,
 Сафарга шайлади ғирот ҳайвонни.
 Икки қўллаб солди отнинг бошига,
 Тиллодан ишланган олтин жуғанди.
 Бек Соқиб ғиротни қизда безатди,
 Эркалатди ширин сўзман сизлади,
 Етаклаб чиқарди ғирни табладан,
 Арк томонга қадамни тезлади.

Соқибулбул ғиротни етаклаб арkning ёнига келди ва тилла гулмихга яхшилаб бойлади. Энди гапни Гўрўғлибекдан эшитинг. Гўрўғли барча амалдорлари, дўстлари, галаботирлари билан Авазхонни ёнига олиб ўтириб эди, арк олдида долғиротни кўрди. Шунда Гўрўғли жойидан туриб меҳмонларни ташқарига чорлади. Хизматкорлар Авазхоннинг сафар анжомларини ҳозир қилдилар. Гуруғлибек ғиротнинг ёнига келиб ёлини силаб, ғирот билан бирга бўлган дамларини эслаб, кўзига ёш олиб, юрганда қанотим ўзимнинг хоназотим, яхши-ёмон кунларимда бирга бўлган ғиротим, ихлос билан оёқ қўяр елканга, етти ёшдан олиб келган фарзан-

дим. Сени миниб сафар қилмоқ бўлибди. Авазхондай асал билан наввотим. Омон бориб, омон олиб келгайсан чилтон қўшган омонатим, деб отга қараб шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Гап келади хон Гўрўғли тилига,
Тангрим қарашгандир юрса ҳолига,
Шу сўзларни айтаберди Гўрўғли,
Беш ярим газ долғиротдай молига.

Эшит, Гирнўк бек Гўрўғли сўзини,
Бирга кўрдик Райҳон араб дўзини,
Ор талашиб олиб келдик қизини,
Емон кунда йўлдош бўлган ғиротим.

Йигитликда дарёдек тўлдим тошдим,
Қанча-қанча баланд тоғлардан ошдим,
Кўҳи Қофда неча марта адашдим,
Кеча-кундуз сирдош бўлган ғиротим.

Қуҳи Қофда кўрдик девнинг зўрини,
Қийратиб ўлдирдик нечовларини,
Чамбилга келтирдик Юнус парини,
Гўрўғлига қўлдош бўлган ғиротим.

Яхшилардан олдим яхши илмни,
Хўжаи Ҳизр доим очди йўлимни,
Эрамбоғдан олдим Мисқол гулимни,
Оғир дамда ҳолдош бўлган ғиротим.

Бу сўзларни айтай сенга дил билан,
Булбулнинг завқи келар гул билан,
Гуржистонга бориб келгин жонивор,
Авазхондай зар кокилли ул билан.

Душмандан сиримни ҳар дам яширдим,
Дўстни кўрсам бош эгиб қўл қовширдим,
Авазхонни олиб бор ота юртига,
Бор ғиротим сени Ҳаққа топширтим.

Гўрўғлибек бу сўзларни айтди. Ҳайвон бўлсаям одамнинг гапини тушунадиган назаркарда ғирот эгасига сўйганиб тараққас бойлаб учадиган қушдай икки қулоғи қамишдай, қовоқлари қўшиғишда бўлиб, бошини баланд кўтариб, гижинглаб ер тепиниб, гоҳ баланд, гоҳ паст бўлаберди. Шунда Гўрўғли султон югандан ушлаб отни етаклаб Авазхоннинг олдига келди. Отни Соқибулбулнинг қўлига тутқазиб эгарнинг қошига қурол-яроғларини илди. Сўнгра, жами йигилганлар Авазхонга оқ фотиҳа беришди. Шундан сўнгра Гўрўғлибек қиблага қараб қўлларини баланд кўтариб фарзандига оқ йўл тилаб, шу сўзларни айтиб турган экан:

Танда жоним болам сенга садоға,
Ботир бўлсанг отинг ҳайда тўдаға,
Ота-онанг соғ-саломат кўриб кел,
Қўзим сени топширдим мен худоға.

Сўзлаганда сўзлар келар байтма-байт,
Йилда келар элимизга икки ҳайит,
Энди кетар бўлдинг Гуржистонингга,
Мадад берсин Чамбилда Эшони шайит.

Евлар билан саваш қилдим қалъам деб,
Сени сўйдим жоним дилим болам деб,
Боргин қўзим сени ҳаққа топширдим,
Бу дуойим қабул айла нолам деб.

Белингга бойлагин зардан пўтангни,
Яхшилар ўнглисин қилган хатонгни,
Соғ-саломат кўриб келгин Авазжон,
Қиблагоҳинг Булдурқассоб отангни.

Ҳар жойда омонли қилсин танангни,
Оллоҳим кечирсин қилган гунонгни,
Яхшилардан ўргангансан санонгни,
Бориб кўргин ўз элингда онангни.

Маҳкамроқ боғлагин белингни,
Унутма Чамбилдек элингни,
Авазжон оқ дуо берайин,
Кўриб кел эгачинг, синглингни.

Қайтиб келсанг Чамбил элига,
Қирқ кеча-кундуз тўй берайин,
Қирқ йигитнинг ичида жон болам,
Суқсурдай бўйингни мен кўрайин.

Кўпларнинг дуоси кўл бўлур,
Йиғласам ёқам хўб хўл бўлур.
Ой бориб омон қайт Авазжон,
Менинг дуойим шул бўлур.

Авазминан обод элларима.
Унга садқа топган молларим-а.
Қўл очиб дуо беринглар-а,
Ўзбек ҳам туркман элларим-а.

Юракдан чиқади нолалар,
Сарбонлар туясин ҳалалар,
Авазим сафарга отланди,
Дуо беринг сиз муллалар.

Авазир менинг ҳам нишоним,
Шул эрур ҳам шараф, ҳам шоним.
Бек Аваз Гуржистон бормоқда,
Дуо беринг Оловхон эшоним.

Бу сўзларни Гўрўғли султон айтди. Юрагини хўп қайнатди. Болам омон бўл деб боврига босди, Авазхондай шунқор фарзандни. Шундан сўнг барчалари дуо қилишди. Бир томондан Юнус пари ва Мисқол пари ҳам етиб келиб Авазхонни қучоқлаб ўпиб, соғ-саломат бориб кел, деб нон тишлатиб олишди. Йиғилганлар Авазбек билан хўшлашиб тарқалишди. Гўрўғлибек иримминан Авазнинг қўлтиғидан тутиб кўтарди. Аваз отга минди. Худонинг фармонига кўнди, кипригига ёшлар инди, ўпкаси тошди. Ўйнаб-ўсган даласидан, Чамбилдайин қалъасидан чиқиб кетаётганини ўйлаб, кўнгли бузилди. Шунда Гўрўғлибек Юнус пари, Мисқол пари ёнма-ён Соқубулбул от жиловидан етаклаб қўрғондан чиқишди. Хон Гўрўғли отнинг ёнига келиб Авазминан ёлғиз қолиб икки оғиз насихат қилиб турган жойи шул экан:

Тўқсон кирса баланд тоғни босар қор,
Яхшиларга пирлар бўлар мадақор,
Қулоқ солгин Авазжоним сўзимга,
Бир майдонга сенга айтар гапим бор.

Бугун миндинг тўлпорингнинг белига,
Бошин бургин Қизилқумнинг чўлига,
Асло тушма душманларнинг қўлига,
Шул жойларда эҳтиёт бўлгин Авазжон!

Бир хил девлар фолчи бўлиб боқади,
Бир хиллари кўз туморин тақади,
Бир хиллари чивин бўлиб чақади.
Шул жойларда эҳтиёт бўлгин Авазжон!

Шайтонлари миниб олар бўйнингга,
Зиёndoшлар эргашади кийнингга,
Бир хиллари саҳар кирар қўйнингга,
Шул жойларда эҳтиёт бўлгин Авазжон!

Арчаларин боши қўкка еткидай,
Қароқчиси одам кўрса тутгидай,
Ҳар камарда ўн сурув қўй ётгидай,
Шул жойларда эҳтиёт бўлгин Авазжон!

Янтоғига лайлак уя қўйгидай,
Пистасига туя осиб сўйгидай,
Одамхўрлар одам кўрса сўйгидай,
Шул жойларда эҳтиёт бўлгин Авазжон!

Шу сўзларни айтиб Гўрўғли султон юзига фотиҳа тортди. Авазхон энди отига қамчи чотди. Қамчи отга симдай ботди, ҳоё ҳуй деб Авазхон Гуржистонга қараб йўл тортди:

Гаплар келмай тилига,
Шамшир тақиб белига,
Авазхон энди йўл тортди,
Гуржистоннинг элига,
Кўкдаги ойдай тўлиб,
Бир гапириб ўн кулиб,
Йўлга тушди бек Аваз,
Элу халқдан дуо олиб.
Ой нечага нечага,
Ойлар ёруғ кечага.
Худойим паноҳ берсин,
Ўт тўрт ёшли баччага,
Қия-қия жойлардан,
Қиялаб ўтиб боради.
Катта-катта сойлардан,
Соялаб ўтиб боради.
Тошлоқ-тошлоқ жойларни,
Ташлаб ўтиб боради,
Ҳалқа-ҳалқа жойлардан,
Ҳатлаб ўтиб боради.
Тонг шамоли ёронлар,
Ғирқўк ёлин тарайди.
Тоғдан учган турналар,
Чўлга бориб қўнади.

Энам дейди Авазбек,
Изгин тортиб йиғлайди.
Долғиротнинг шамолига,
Гумбурлаб тошлар нурайди.

Дурбин тортиб бек Аваз,
Аскар тоғни кўради.
Саврда ёғса жоласи.
Усар тоғнинг лоласи.
От устида йиғлаб борар,
Булдур қассоб боласи.
Юраклар хона-хонам деб,
Куйиб ёнди танам деб.
Йиғлаб борар Авазхон,
Худодан бўлган ситам деб,
Гулойим шўрлик онам деб.
Кўпдир элда хатом деб,
Ёш тўкади кўзидан,
Булдурқассоб отам деб.
Оқизиб селоб ёшини,
Учириб бошидан ҳушини,
Эслаб борар бек Аваз,
Болойим эмчакдошини,
Узанги ола қайишдан,
Ғайрат келди туш-тушдан,
Сувлиқ тишлаб долғирот,
Чопқиллаб борар энишдан.
Аваз отга қамчи тортди,
Урган қамчи симдай ботди.
Беш ярим газ ғирини,
Ўоялардан иргитди.
Хумор кўзи сузилди,
Юрак бағри эзилди,
Ғирот босган ҳар бир тош,
Ундай бўлиб эзилди.
Қаранг Авазнинг ишига,
Савдо тушган бошига,
Қамчи уриб боради,
Тарлон бўзнинг тўшига,
Қистаб ҳайдаб боради,
Асқар тоғнинг даштига,
Ой нечалар, нечалар,

Ойлар ёруғ кечалар.
Қирқ кунлик йўлда қолди,
Чамбил деган кўчалар,
От шамолига синаверди,
Баланд-баланд арчалар,
Кўм-кўк осмон остида,
Азроил жонинг қасдида,
Мардлар сиринг панд бермас,
Чин ҳақиқий дўстига.
Қирқ кун роса йўл юриб,
Аваз чиқди дўстларим-а,
Асқар тоғнинг устига.

Ана шунда Авазхон Асқар тоғнинг бошига етди. Ҳўлаб қараса, йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, сувсиз аро чўл юрибди. Тоғ ҳавосига кўксини очиб кўзидан уйқуси қочиб, белидан камарини ечиб, юганни бўш ташлаб долғиротнинг ихтиёрини ўзига ташлаб, аста-секин бир шибарли жойга етди. Узоқ йўл юриб ҳориган эмасми? Бироз дам олайин деб отдан тушди. Фиротнинг белини бўшатиб шибарга қўйиб юборди. Ҳзи эса бўлоқ бўйидаги катта арча остига келиб яроқларини ерга қўйиб, икки қўлини боши остига олиб осмонга қараб чалқанча ётиб дам олишга тутинди. Авазхон даммини олаверсин энди гапни Чамбилдан эшитинг.

Авазнинг кетганига роппа-роса қирқ кеча-кундуз бўлди. Ого Юнус пари кечаси ўрдада Гўрўғли султон билан қилди суҳбатди. кеча ҳам алламаҳалга етди. Кўзларини уйқу элитди, ётган ерида иккови ҳам уйқуга кетди. Эрталаб тонг отди. Ого Юнус пари жойидан турди, у ёқ бу ёғини тузатди, қошига ўсма. кўзига сурма тортиди, минг жилва, минг ноз билан Гўрўғлига шундай сўз қотди:

—Эй тўрам, юракда кўлдир ярам. Бизларни қилмади яратган эгам сарам сизни кўрсак Мисқолминан иккимиз оламинг ором, қирқ кун бурун Чамбилдан чиқиб кетган эди Авазхондай бек болам. Авазим ҳали ёш эди, ёш бўлсаям бир элатга бош эди. Лекин Гуржистонга кетаётиб баландга кетдимиз, пастга кетдимиз, йўлларда адаштимиз, ё бир девнинг қўлига тушдимиз, ҳар қалай кўнглим ғамли бўлиб юрибман. Султоним рухсат берсангиз Мисқолминан Авазини ортидан борсак, қаёққа кетганини билсак, бир фасл суҳбат қурсак, эсонлигини билиб қайтиб келсак. Юнус парининг бу гаплари Гўрўғлихонга маъқул тушди. Майли Мисқолга хабар бер, икковинг бирга бўлиб боринглар. кўзимнинг нури, қалбимнинг кўри, асал билан навогим, белимдаги қувватимни кўриб келинглари деди.

Гўрўғлидан рухсат олган икки пари кўк каптар либосини кийишиб, қиқирлашиб кулишиб, ҳайё-ҳуй деб осмон фалакка кўтарилиб учиб кетишди.

Лаблари қотиб таққа таққа,
Сигинишиб қодир Ҳаққа.
Каптармисол парилар,
Кўтарилди фалакка.

Баъзан кўнгли гаш бўлиб,
Аваз деб кўзи ёш бўлиб,
Учиб борар парилар,
Мисоли учқур қуш бўлиб,

Қанот қоқиб шовуллаб,
Қулоқлари гувиллаб,
Учиб борар парилар,
Шамолдайин гувиллаб,

Зулфларин шамол тарашиб,
Бир-бирин ҳолин сўрашиб;
Бораётир икки пари.
Бир-бирини қувлашиб,
Кун кетидан кун ўтди,
Тун кетидан тун ўтди,
Учиб-учиб икки пари,
Охир бир мавзилга етди.
Англаб бир-бирин сўзини,
Хуморлатиб кўзини,
Излаб-излаб топишди,
Долғиротнинг изини,
Бор ҳунарин бошлади,
Бир-бирин қўлин ушлади,
Авазбекнинг изин олиб,
Қуюлиб ерга ташлади.

Икки пари ерга қунишиб, бир думалашиб инсон қиёфасига кирди. У ёқ бу ёққа аланглашиб қарашиб арча тагида дам олиб ётган Авазхонни кўришди. Шунда улар Авазхонни уйғотиб юбормайлик деб аста-секин ёнига кела бошлашди. Ана шунда фаросатда одамдан зиёд долғирот бир шарпани сезгандай қулоқларини тик қилиб, ер тепиниб бир кишнаб юборди. Унинг овози қаттиқ уйқуда ётган Авазнинг қулоғига етди. Ирғиб ўрнидан турди. Қараса, икки пари эналари келяпти. Аваз ҳайрон бўлиб чопқиллаб уларнинг қошига келди. Кўришиб-сўрашгач, не сабабдан келганини, Чамбил беқлигида нима гаплагини сўрай бошлади. Шунда тинчлик эканини билгач, эналарига қараб сизлар маслаҳат қилдиларингми, Аваз ёш бола деб, онажонлар ростини айтингизлар не сабабдан келдиларингиз. Бирор гап билан Гўрўғли отам сизларни юборган бўлса, керак деб париларга қараб шу сўзларни айтиб турган экан:

Барчани яратган қудратли жаббор,
Яхши гаплар яхшиликка ҳал бўлар,
Не сабабдан келдингизлар бу жойга,
Онажонлар сизга айтар арзим бор.

Чавандозлар тўйдан ёрлиқ айирган,
Чўпонлар жайловда қўйин қайирган.
Бу келишнинг сабаби недир оналар,
Иккингишни аниқ отам юборган.

Обод бўлсин така ёвмит элат деб,
Қўлингиздан кетмасинда давлат деб,
Қиблагоҳим афсусланиб қолдими,
Армон билан кетдимикан ғирот деб.

Келдингизми Аваз ҳолин билай деб,
Алдаб-сўлдаб содда кўнглин олай деб,
Юрагида бўлса агар бирор гап,
Бир амаллаб ғиротни олиб қолай деб.

Кетар бўлдим Гуржистондай элима,
Ота-онам қувонар кўрса бўйима,
Чин сўз билан жавоб беринг оналар,
Ўйлаб кўрсам шу гап келар ўйима.

Еганларинг асал бўлар, бол бўлар,
Чечанни сўйлатган бийрон тил бўлар.
Долғиротни олиб кетинг иккингиз,
Авазхонман айтар гапим шул бўлар.

Қийғир қушлар ўтиради қояда,
Тўти қушлар таранади уяда.
Ота-онам кўрмоқ бўлди қарорим,
Тоғу-тошда майли борай пиёда.

Алқисса, Авазхон бу сўзларни айтдида, димоғи куйиб жойидан иргиб турдида, нармон қараб аразлаб кетаберди. Шунда ого Юнус ва Мисқол пари ҳайрон бўлишиб, бизку Авазни кўргани, ҳол-аҳвол сўрагали, аҳволини билиб Гўрўғлига хабар бергани келган эдик, буёғи қандай бўлди дейишиб, келганларига пушаймон бўлишиб, Авазхонга қараб, ҳой жони дилим, искасам гулим Авазхон улим бу ёққа қара, аввал биздан икки оғиз гап сўра. Бизлар сенинг ёшлигингни ўйлаб, йўлда қандай бораётган экан деб меҳрибонлик қилиб келган эдик. Қолаверса, Гўрўғлибек қиблагоҳингнинг фармони шундай, сен шайтоннинг гапига кирма, биздай энгаларингни сира хафа қилма дейишиб, парилар югуриб Авазхоннинг

ортдан етишди. Юракда борини айтишиб, манглайдан силашиб, унга оқ фотиҳа беришди. Авазхон ҳам кўнгли ёришиб, оналаридан рози бўлди. Айтган гаплари учун кечирим сўради. Икки паридан онаси билан хўшлашиб, гиротнинг белига минди, худонинг фармонига кўнди. Гуржистоннинг йўлини тутди, ғам-андухҳни унутди. Юнус ва Мисқол парилар ҳам Авазга оқ йўл тилаб, худога ёлвориб, омонатимизни омон сақла дейишиб, ой бориб омон қайтгин Авазхон деб, икки оғиз шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Аё қўзим айтган гапни англаб ол,
Ёшлик қилма юрар йўлинг танлаб ол.
Йўлда жуда ҳушёр бўлгин Авазим,
Айтган гапга фикр қилиб қулоқ сол.
Йўлларингда ўрдак қўнар кўллар бор,
Бир жойларда бийдай чуқур жойлар бор,
Қистаб борсанг олти ойлик йўли бор,
Юрар йўлинг билиб юргин Авазхон.

Мастонлар бор ўта айёр сеҳргар,
Йўлда чиқар Улдон Гулдон фирибгар,
Хизматида уч юз олтмиш ҳйлағар,
Сен улардан ҳушёр бўлгин Авазхон.

Форларида Оломонлар ётади,
Ўтган қайтганларни унда кутади.
Ушлагани ямламайин ютади.
Аваз болам шул жойларда ҳушёр бўл.

Кескир ханжар ярашади белиннга,
Қирқ чилтонлар мадад бўлсин ҳолиннга,
Эсон бориб эсон келгин элиннга,
Чамбилиннга эсон келгин Авазхон.

Кеча юрмай йўлга тушгин ҳар саҳар,
Фарзандим юзингдан кетмасин оҳор,
Олдингдан чиқади кўплаб аждаҳор,
Шул жойлардан эҳтиёт бўлгин Авазим.

Юрагингдан чиқар қайғу аламди,
Гуржистон жўнғатайлик сендай боламди,
Ой бориб омон қайтиб келгин жон ботам,
Келиб обод қилгин Чамбил қалъангди.

Яхшининг егани асаб бол бўлур,
Яхши ният яхшиликка ҳал бўлур,
Борин болам ота-онинг кўриб кел,
Айтар сўзим болам сенга шул бўлур.

Ана шунда ого Юнус ва Мисқол пари бу сўзларни айтди. Жуда хушчақчақлик билан Авазхонни Гуржистонга жўнатди. Ширинширин сўзлар айтиб юзига фотиҳа тортиди. Авазхон ҳам кўзидан ёши шашқатор тизилиб, юрак боғри эзилиб, оналарининг гапидан кўнгли ёзилиб, от жilовини йўлга бурди. Авазхон кетаверсин, гапни Гуржистондан эшитинг. Гуржистон мамлакати жуда обод эди. Подшоҳини Хунхоршоҳ дер эди. Жуда фаросатли эди. Гуржистон қалъасининг қирқ дарвозаси бор эди. Ҳар бирида қирқтадан дарвозабон қоровуллик қилар эди. Улар ўз ўринларида яхши туриб подшоликдан ҳақини олар эди. Агар бирор жойдан ўғри каззоб шаҳарга кирмоқчи бўлса шу дарвозабонларнинг қўлида ўлар эди. Биров ярим адашган, жой тополмаганлар бўлса меҳмон қилар эди. Қоровуллар яхшилигидан яхши, ёмонни гапи авзойидан билар эди. Магарда бирови ножўя иш қилиб, қўйса бир-бири устидан қулар эди.

Авазхоннинг отасини Булдурқассоб дер эди. Ўзи жуда доно, ақли расо зўр эди. Катта қассоб эди. Қилар ишини яхши билар эди, семиз буқаларни, қўйларни сўйиб, жиг-жигидан қонжиғага илар эди. Доимо подшолиқнинг хизматида бўлар эди. Юрт фаровон бўлганидан яхши ҳаёт кечирар эди. Ана шу даврларда Оломон полвон деган бир бефаросат зўр чиққан эди. Қалласи қападай, тенаси тепадай, бурни қойқининг қинидай, оғзи бўрининг инидай, оёқлари омондай, ҳар мушти қулоғочдай эди. Қулоғи супрадай. Ўзи ҳарчанд зўр бўлсаям, назари очдай эди. Кўнига тўқсон тўққинининг гўштини ҳомлай ктар эди. Бир ухласа олти ойлаб ухлаб ётар эди. Бозор учарга келганларнинг ул-булини тортиб отар эди. Печовни зор қақшатиб, Ёнғлатар эди. Доимо пана-пана жойда бозорга мол ҳайдаганини кутар эди. Носди каппалаб отар эди. Ифлослигидан ияги носга ботар эди. Ўзи мечкайлигидан унча-мунча овқатга тўймас эди. Ушлаганини қўймас эди. Ўзи кўп дилзор эди. Ҳамма ундан безор эди. Унинг устидан арз қилиб Хунхорпошшога келганининг соноғи бўлмағи қолади. Улар ё Оломон яшасини шу юртда, ё бизлар яшайлик деб подшога мурожаат қилишди. Хунхоршоҳ фуқароларнинг арзини тўғри деб топиб, Оломонни чақиртириб, сенга бир яхшиллик қилайин сен бу шаҳарда оч-яланғоч, қорнинг нонга тўймай, сарсон бўлиб юрма, мен сенга подшоликдан бир амал берайин. Асқартоғнинг бир томонида қирқ дара сўй бор, унинг қирқ чорраҳаси бор. Ундай қирқ мамлакатга йўл кетади. Сен ўша жойга бориб қоровуллик қиласан, адашганга йўл кўрсатасан, кимки эвазига нени берса шунини оласан, бировга ёмонлик қилмайсан деб, фармон берди. Бу сўзларни эшитиб, Оломоннинг вақти хуш димоғи чоғ бўлди. Шоша-пиша фармонни муҳрла-

тиво олдино ортга қайтди. Оломоннинг Қақажон деган хотини бор эди. Ёилган кийими тор эди. Ўзи эридан ҳам багтар эди. Қошига ҳар куни қора ранг қўяр эди. Қуриб кетгўрнинг қорни қирқ товоқ ошга илла тўяр эди. Оломонни ўн тўрт ёшдан бўён сўяр эди. Ундан бошқасини уриб манглайини ўяр эди.

Оломон полвои хотинини олиб Асқар тоғнинг бандаргоҳига бориб, ўзи сойнинг бошроғида, хотини ёнбошроғида ов-овлаб ётаберди. Қўлига тушганнинг шўрини қуритаберди. Ушлаганини аямай отаберди. Яна ким келар экан деб ухламасдан кутаверди. Ҳар овқатдан сўнг носни тоқалаб отаберди. Хунхоршоҳдан минг-минг рози бўлишиб, бир-бири билан кўнгил хушлашиб, у ер бу ерини ушлашиб, ҳазиллашиб, муштлашиб, гоҳ ўтириб, гоҳ ёнбошлашиб вақтларини ўтказаберди. Энди гапни Авазбекдан эшитинг.

Авазхон йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб эрта билан намоз вақти бўлганда Оломон полвоининг устидан келиб қолди. Шундай қараса бир нарса чалқанча ухлаб ётибди, хурракни қарқарлатиб, торта-япти. Ларзасига тоғнинг қоялари нураб кетаяпти. Унинг ухлаганига уч ой бўлган эди, ярим уиқуни олган эди. Уйқусининг ширин жонига келган эди. Авазбек ҳайрон бўлиб отини тўхтатиб: Гўрўғли отам а тган эдики, девлар баҳайбат бўлади деб, мабода шу энағар отам айтган девлардан бири бўлмаса деб роса томоша қилди. Остидаги кўп ғазони кўрган тулпори ҳам писанд қилмагандай оёқлари билан ер тирнаб тураверди. Шунда Аваз айтди: Бу баччағарнинг олдидан индамай ўтиб кетсам бўлмас, бир уйғотиб йўл сўрайчи, нима деркин. Яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейда да деб бир шовқин солди. Оломон турмади. Ўдига келиб чақирди. индамади. Илон тилли қиличинини қўлига олиб қорнидан туртди. қиличининг учи анча-мунча ботди. Бир амаллаб уни уйғотди. Оломон кўзини очиб қараса, бир ёш бачча, тили ғалча, ғайрати-кача ўзи ҳам бир аждаҳорча, жасади қумурсқагача, оти чигирткача унга қараб турибди. Оломон кўриб кўзини ола-була қилди. Аваз сесканмади ҳам. Шунда Оломон: ҳой бачча менга қара нега уйқумни чала қилдинг, жувонмарг аввал отингни бер бир хомла-ини, ютайин кейин гаплашамиз дея Авазга қараб бир сўз деб тургани:

Оломонман бу жойларда ётаман,
Ўтган кетганларини бунда кутаман.
Қайдан келиб, қайси элга борасан,
Отингни бер тириклайин ютаман.

Билмаганинг бугун сенга билдирай,
Ўзингни заранг сиққа илдирай,
Аниқ билгин қутулмайсан қўлимдан,
Сен шўрликни бу жойларда ўлдирай.

Ҳал қилайин бугун сенинг ишингни,
Оқизайин кўздан селоб ёшингни,
Учратдинг Оломондай хишингни,
Чайнамасдан ютаё энди гўшингни.

Ширин-ширин гаплар келар тилимга,
Тўққиз арқон белбоғ бўлмас белимга,
Калиманг қайтариб кўзинг юм бачча,
Энди қутулмайсан менинг қўлимдан.

Бир тутам қилайин кундуз кечангни,
Тириклай ютганман неча-нечангни,
Гўштингдан бир тўйиб хурсанд қилайин,
Қақажондай гулрухсор, чечангни.

Оломон бу сўзларни айтди. Авазхон эшитди. Икки қулоғи чип-па битди. Аччиғи чиқиб ханжарини қўлига маҳкам тутди. Бу гаплар жонидан ўтди. Баданида турган туклари кийимларини тешиб ўтди. Шунда Авазхон айтди: Мен Чамбил элидан бўламан. Азроил бўлиб сендайларнинг жонини оламан. Отим Аваз, Гўрўғлининг ўғлиман, деб газабланиб бир сўз айтиб турган экан:

Айтиан сўзга қулоқ солгин пойма-пой,
Гўрўғлидир менга надар қиблагаҳ,
Чамбил юрти менга манзил, жой,
Аваздайин номдор ўзим бўламан.

Ўз элимда ўйнаб-ўсган танам бор,
Мусурмонман тилда айтар саном бор,
Нарилардан Юнус, Мисқол энам бор,
Мени билсанг шу зўрлардан бўламан.
Қирқ йигитим ҳар бири бир аждаҳор,
Ҳар бири минг сендай девга баробар,
Отим Аваз Гуржистонда ишим бор,
Билар бўлсанг арслонлардан бўламан.
Орқада қолди-ку Чамбилдай элатим,
Остимда минганим тулпорим гиротим,
Қўлимда ярқираш шамшир пўлатим,
Билсанг-чи мен шундайин зўр бўламан.

Сен бадбахт ҳам гуноҳқорсан тилингдан,
Ҳолнинг билгин ҳеч иш келмас қўлингдан,
Қаҳрлансам қилич солай белингдан,
Тур йўқолгин энди қочгин йўлимдан.
Аввал бошдан ўяманда кўзингни,
Ғажирларга ем қилайин ўзингни,
Ялингсангда мен олмайман сўзингни,
Мени билсанг Чамбил элдан бўламан.

Шунда Авазхон бу сўзларни айтгандан сўнг Оломоннинг қаҳри келди. Илондай заҳри келди. Ҳар кўзи пиёладай бўлди. Икки кўзи қонга тўлди. Ҳар урти унли қопдай, тумшуги келисондай бўлиб ўзига-ўзи. Кўнгли тўлиб жойидан илла туриб бир ён қараб ўн одим юриб, икки болоғини тиззадан туриб, итдай қутуриб, оғзини очиб эснаб, керишиб, юзлари бўришиб Авазга яқин келди. Шунда Оломон а тди ўзбекнинг боласи кўп дўқ-пўписа қилади дегувчи эди. Айтганлари тўғри эканда, бу баччагар менинг жасадимни кўриб, шайтонлаб, краги ёрилиб ўлиб ҳам қолмади. У шундай деб Авазхонга қараб кулаберди. Аваз сездики, Оломон уришмоқчи Оломон а тди. Қани ҳой бачча ҳунарингни бошла, Авазхон айтди Йўқ сен бошла деди. Оломон айтди: Мен бошлагудек бўлсам, қўлимга тўқсон ботмон гурзимни олсам, баланд кўтариб бошингга урсам, гурзининг остидан сени тополмай қолсам қандай бўлар экан. Аваз айтди: менинг кўринмай қолганим билан ишинг бўлмасин, қани сен бошла деди. Оломон бошласам бошлаганим шу бўлсин деб тўқсон ботмон гурзини кўтариб Авазхоннинг бошига урмоқчи бўлиб яқинлашаверди. Қаранг, Авазхонни шунда тўққиз қават иўлатдан бўлган қалқонини бошига ёпишиб, қирқ чилтонларга сиғиниб, худога ёлвориб, азиз-авлиёларни эсга олиб тураберди. Оломон гурзини рост кўтариб, Авазнинг бошига урди. Гурзи тариқдай титилиб кетди. Улган шундай ўлар эканда, деб Оломон бундай қараса, Авазхон тангри берган муродни, тик қилиб тоғдай қоматни, бисмиллоҳ деб минди гиротни. Томоша айланг Аваз мардни тулпорни қистаб тоғ чўққисига чиқиб кетди. Отнинг жиловини тортди. Гиротни тўхтатди. Отдан тушиб белини қайта тортди. Тўга-тўгага етди. Қўлига кескир исфиҳонни олиб, минди гиротни. Лочин қушдек тикка нишабдан ташлатди. Оломоннинг олдига етди.

Қилич билан унинг бўғидан чилиб ўтди. Қилич унинг бўйин томирига ботди. Қолган томирлариниям салгина ялаб ўтди. Оломон ўқиғанича орқага нураб кетди. Танаси қолди типирлаб, калласи кетди дингирдаб, оғзида тили бораяпти: Ҳо энағара яхшироқ танимнинг ўзингли деб шибирдаб. Алқисса; Аваз Оломонни тинчитиб, булоқ сувига кез-қўлини ювиб, кўнгли тўлиб Гуржистон томон от ўйнатиб кетаверди. Шунда тўққиз чақирим нариёқда бир нарса ётибди. Яқинроқ соғиб қараса Оломоннинг хотини Қақажон олдимга ким кетар экан деб овини кутиб ётар эди. Авазхон айтди бу ҳам Оломондай би маҳтуқ экан. Унис эркаги эди. Буниси урғочига ўхшайди. Кўкраклари хўржиндай осплиб ётибди. деб ўйлади. Келе, буни зоминига қолмай. Ухлаб ётган экан, деб от қуйруғига қамчи чотди, урган қамчи симдай ботди. Долғиротни Қақажоннинг

устидан иргитди. Тулпор жонивор ҳам айтганидай сакраб кетди, шу чопганча баланд қирнинг устига чиқиб кетди. Бир шибарга етди. Қаддини ростлаб қўлига дурбинини олиб кўзига тутди. Қарага, ярқиллаб катта бир шаҳар кўзига кўриниб кетди. Она юрти Гуржистон эканлигини юраги сезгандай бўлди. Кўнгли бузилди. Болалиги ўсган юртини кўриб тоғу-тошларини, боғу-роғларини, минору-чинорларини томоша қилиб, кўзини ёшлаб, манглайига муштлаб, отига миниб, ғиротга тезроқ юргин она юртим кўринди, деб ёлвориб кетаётган жойи экан:

Зафарондай сарғайган бир тарзим бор,
Азроилга якка жондан қарзим бор.
Чилтон берган назарқарда ғиротим,
Қулоқ солгин сенга айтар арзим бор.

Осмонда бегубордир ойларим,
Ўз элимда ўсган эди бўйларим.
Қанот чиқар, учгин энди ғиротим,
Ярқиллаб кўринди ўсган жойларим.

Кўринмоқда жилга-жилга сойлар ҳам,
Кўринмоқда ўйингоҳдай жойлар ҳам.
Кўзимга кўринди сурув қўйлар ҳам,
Гуржистонга келдик молим ғиротим.

Асқар тоғнинг боши баланд қирмикан?
Айрилган шўр бир кўрмоққа зорликкан?
Кокилингдан айланайин ғиротим,
Гуржистонда ота-онам бормикан?

Очилган гулларим бу кун сўлдимми?
Мен шўрлига кун қиёмат бўлдимми?
Бугун юриб эрта тонгда борайин,
Күни тўлиб онажоним ўлдимми?

Ирғиб чопгин Гуржистонга борайин,
Она юртим ўз кўзимла кўрайин,
Бир муддатга ғайрат қилгин ғиротим,
Элу-халқим соғ-саломат кўрайин.

Танда жон ҳам билсанг бир кун омонат,
Омонатга ўзи қилар хиёнат.
Мен қилайин кокилингдан зиёрат,
Гуржистонга мени еткир саломат

Оҳ деганда зирқирайди бу бошим,
Додимга қулоқ сол тулпорим, қушим.
Бебарор бўлмасин ҳар жойда ишим,
Омонмикан, Болойим эмчақдошим.

Тангрим, эгам қарашганда ҳолима,
Қуръоннинг каломи бордир тилима.
Авазим келар деб қараб йўлима,
Ота-онам чиқармикан олдиما.

Алқисса, Авазхон долғиротга бу сўзларни айтди, мамиз бериб,
ялиниб-ёлворди. Сўзлари ғиротнинг қулогига етди. Ана қаранг,
жонивор тараққас бойлаб Гуржистонни кўзлаб йўлнинг тўтасини
излаб, морхўр кийингдай ҳақкалаб сапчиб, ерни қарсиллатиб тегиб
қушдай бўлиб учиб жўнади.

Олар пона-понади,
Ҳолини билган донанди,
Ана қаранг Авазхон,
Обрў бер деб жўнади.

Тоғнинг бўлар лоласи,
Саврда ёғар жоласи,
От устида боради,
Гўрўғлининг боласи.

Эгнида бор шотири,
Элида бордир хотири.
Ҳай-ҳай дейди боради,
Чамбил элнинг ботири.

Қаранг энди ғиротди,
Сувлигин чайнаяпти.
Авазхондай тўрасин,
Хурсанд қилди сийлади

Тоғу-тошни гурсиллатди,
Неча сойни ирғиб ўтди,
Учиб кетиб боради,
Оппоқ кўпикка ботди.

Юрган йўлин туман тутди,
Юришлари жондан ўтди.
Орадан икки кун ўтиб,
Қаранг бир манзилга етди.

Ўнгу чапга қараётир,
Отга мамиз бераётир.
Дурбин билан Авазхон,
Гуржистонни кўраётир.

Отга қилди шиддатди,
Кўтариб рост қиб қоматди.
Остидаги тулпорини,
Минг алвонда ўйнатди.

Жонивор ғирот хезлади,
Осмон бўйлаб тезлади.
Шовуллаган шамолига,
Дарёлар тошдай музлади.

Кўзидаги киприклари,
Уста тиккан сўзандай.
Елларининг шовуллаши,
Мулло айтган азондай.

Тезроқ элга борсам деб,
Ота-онами кўрсам деб.
Аваз йиғлаб боради,
Юртда тезроқ бўлсам деб.

Тўғалари шарқиллаб,
Қулоқлари селкиллаб,
Баланд-баланд қирлардан,
Учиб ўтар диркиллаб

Тоғу тошнинг гусурлаши,
Мингта тулпор чопгандай,
Тўёқдан учган тошлари,
Налахмондан отгандай.

Ўз кўнглини хушлади,
Сувлиғин маҳкам тишлади.
Гуржистон эл устидан,
Шовуллаб ерга ташлади.

Баланд тоғнинг бастидан,
Азроил жоннинг қасдидан,
Олти ой йўл юриб Авазхон,
Келди Гуржистон устидан.

Алқисса, олти оқлик азоб-уқубатлардан сўнг Авазхон Гуржистон элига кириб келди. Қирқ дарвозанинг бири чармгарли чап кўчадан дарвозага яқин келиб қолди. Шу дарвозада Бекназар исмли киши қоровул эди. У ишига пухта эди. Кўп нарсани кўрган эди, қоровулда сергак турган эди, ҳеч ким киролмасин деб қарсиллатиб қирқта қулфни урган эди. Бекназар саҳар вақти бўлди озроқ ухлайин деб ётган эди, кўзи уйқуга кетган эди, хуриллатиб хурракни тортган эди. Авазхон ўзига-ўзи айтди. Мен қоровулни чақирсам, у ундай деса, мен бундай десам маъқул бўлмас, яхшиси бир иш қилайин деб гиротга қараб жонивор шу қалъадан ҳатлаб ўт деб мамиз қилди. Чу жонивор деб гиротни сапчитди. От қалъадан ирғиб ўтди. Соғ-саломат ичкари кирганига шукроналар айтиб, Аваз оҳиста-оҳиста шаҳар оралаб кетди. Шу кунни якшанба бўлганидан эрталабдан одамлар бозор учарга кетишмоқда эди. Аваз уларнинг ичига кириб кетди. Тонг роса отиб қолди. Одамлар изи билан кетавериб мундоқ қараса бозорга кириб қолибди. Аваз ёш эмасми, қаёққа юришини билмай ҳайрон бўлиб анграйиб туриб қолди. Отининг баландлиги беш ярим газ, ўзининг баландлиги беш ярим газ, бошқалардан фарқланиб туриб эди, кўзи ўнг томонга тушди. Ғала-ғовур одамлар орасидаги новча кишига кўзи тушди. Истараси Авазга иссиқ кўринган бу одам янги сўйилган семиз буқанинг гўштини мича-мича қилиб илиб ташлаган. Харидорларнинг оз олганига озроқ, кўп олганига кўпроқ қилиб гўшт тортиб берар эди. Одамлар унга раҳмат айтар эди. Аваз нимагадир бошқача бўлиб кетди. Юраги титриқиб, анграйиб қолди. Уни шу алфозда қўйинг, гапни Авазнинг онаси Гулолим ва синглиси Болойимдан эшитинг. Авазни Гўрўглибек ота-онасини, синглисини зор қақшатиб, Қўнғирбой бўлиб олиб кетгандан буён Гулолим йиғлаб Аваз болам қайда экан деб йўлига кўз тикиб ўтирар эди. Йиғламоқдан ранглари сўлиб, сочлари оқариб қолган эди. Узоқ-яқиндан келганлардан боласини сўроқлар эди. Гулолим шу кеча бир туш кўрди. Тушида Авазхон боласи, искаса гулу лоласи, Гуржистон элининг сариси, юртига қайтиб келганмиш. Гулолим Авазни кўриб вой болам деб бағрига босган ҳамони уйқуси сачраб уйғониб кетди. Қараса туши экан, юрак дарди баттар бўлиб, Болойим қизини уйғотиб кўрган тушини баён қилиб турган экан:

Ҳайрон қолдим бу дунёнинг ишига,
Давлат қуши саҳар қўнди бошим,
Кўрган тушим Болойимжон жўрагин,
Аваз аканг кеча кирди тушим.

Авазжоним Гуржистонга келганмиш,
Мендай шўрлик фарзандини кўрганмиш.

Кўрган тушим яхши дегин қизимжон,
Ҳизр бобом бошин снлаб турганмиш.

Обод қилай муна ўсган қалъамди,
Худойим эшитсин юрак ноламди.
Болойимжон яхши дегин тушимди,
Мен кўрибман Авазжондай боламди.

Қарчиғайнинг бўлар экан чегаси,
Яхши тўннинг ипак бўлар ёқаси,
Кўрган тушим яхши дегин қизимжон,
Келганга ўхшайди юртнинг эгаси.

Болойимжон энди жойдан турайик,
Кўрган тушим яхшиликка жўрайик,
Бу тушимни ёмон дема қизимжон,
Гуржистонни бир оралаб кўрайлик.

Чечанни сўйлатган алвон тил бўлар,
Булбулнинг севгани боғда гул бўлар,
Яхши туш ҳам мен шўрликка жол бўлар,
Тушимнинг боиси билсанг шул бўлар.

Ана шунда Болойим энасининг бу сўзларини эшитиб, димоғи чоғ бўлиб, кўнгли оқ бўлиб, энасининг тушини яхшиликка жўраб, ағаси Авазхонни кўргандай бўлиб, ҳар ёнга қараб юраги дўкиллаб, дунёда бир кўриққан ёмон, бир севинган ёмон. Юраги қишидан чиққудай бўлиб, севинганидан кўзини ёшлаб, ана-бола иккаласи кўрган туш таъбирини яхши дегишиб, бир-бирининг манглайдан снлашиб, худодан заъад тилашиб, гоҳ кулишиб, гоҳо йиғлашиб, Гуржистон шаҳридаги катта бозор томон келишсаберди. Бозорга бораётган борми, бозордан қелаётган борми тиклаб-тиклаб жовдиршиб қарашиб кетаверди. Шунда Гулолим Авазхон ўглини кўрадигандай, олдидан чиқиб қоладигандай, юраги бир нарсани сезгандай бўлаверди. Қизи Болойимга қараб тезроқ юргин деб қистайберди. Улар атрофга олазарақ қаралиб, бозорнинг ўртасига келиб қолганини билмай қолишди. Қарашса, бир от турибди. Унинг одами ҳам бу ернинг одамларига сингишмай турибди. Ана шунда Гулолим йиғитга разм солиб қаради. Аваз боласи етти ёшда қўлидан кетган эди. Орадан етти йил ўтибди. Шу йиғитга қараб меҳри жўшиб кетди. Кўзи сузилиб, юраги эзилиб, йўё оёғи ердан узилиб, оғи кетиб қолди. Ёнига Болойимни члқириб: Қизимжон яхшилаб қара шу йиғит аканг Авазхонга менгзайма. деб шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Ҳилайберсам юракларим жўшайди,
Устиховим жиг-жигидан қақшайди.
Шу йигитга тиклаб қара Болойим,
Шул мусофир Авазхонга ўхшайди.

Ўз элимда бўлсин донм хотирим,
Қайтадан тўлгандай кўздаги нурим,
Разм солиб сен қарагин Болойим,
Шул мусофир аниқ Аваз ботирим.

Парвардигор бизга мадад берибди,
Биз шўрликни ўнг кўзида кўрибди,
Ҳаялламай тезроқ юриб борайлик,
Кетган аканг юртга қайтиб келибди.

Ҳеч банданинг куймасинда хонаси,
Бефарзанд бўб қақшамасин танаси.
Шу мусофир Аваз болам бўлса деб,
Ирғиб жўнадику шўрли энаси.

Кеча саҳар кирган эди тушима,
Ҳамма қойил яратганининг ишига,
Болам дейди бораётир зор қақшаб,
Аста борди Авазхоннинг қошига.

Алқисса, Авазхоннинг энаси, синглиси иккаласи бир бўлиб ҳалиги йигитнинг ёнига яқин келди ва унга яхшилаб разм солди. Қараса кўзлари кўзига, қошлари қошига, юзлари юзига, қомати Булдурқассоб отасининг қоматига ўхшаб турибди. Гулойим айтди: Бу дунёда одам бир-бирига ўхшайдида. Мен боламнинг доғида юрибман, шунинг учун кўринган мусофир унга ўхшаб кетаётган бўлса. Шу йигит Авазхон бўлсаку яхши магар бошқа бўлса изза бўлмайин, кўзган тенам баттар куймасин, деб бироз туриб қолди.

Авазхон бозорнинг талатўплигини **роса томоша қилди. Ҳолироқ** жойга чиқиб бироз ҳордиқ қилайин, сўнгра бирор кимсадан отам Булдурқассобни суриштирайин деб отни етаклаб ортга бурилди. Қараса ранглари сўлгин, сочлари тўзиган, кўзлари жовдираган бир муштипар аёл ва унинг ёнида ночор алфоздаги бир қиз унга қараб турибди. Шунда Аваз айтди: Ҳар ерда ҳам булардай ночор кимсалар бўлади. Улар бозорга чиқишиб, ўтган кетгандан ул-бул тилашади. Бу иккаласи она-бола бўлса керак. Камбағалчиликка дучор бўлибдида, деб ўйлади. Берайин дека бу ернинг пули тангаси бошқа. Келе, бир яхши сўз айтиб кўнглини кўтарайин. Ночордан ҳол сўраш савобку деб аёл ва қизнинг ёнига келдида шундай деди:

— Ассалому алайкум, холажон. Мен бир мусофирман. Бирор келга меҳмон қабул қиладиганлар борми бу шаҳарда деб сўради. Шу пайт аёлниг юзлари ёришди. Димоғига бир ис урилди. У боласи Авазни исидан таниди. Бироқ негадир иккиланиб туриб аввал сўраб кўрайчи, қаердан келибди деб болам сени Авазжонга ўхшатдим деб турган жойи экан:

Юрагимда минг бир икки алама,
Кўзимдан тукилган селдай жолама.
Ҳасатгинанг ўхшайдику айланай,
Етти иил аввал кетган болама,
Минган отинг ярашибди танангга,
Елгон айтма мендай шўрли энангга!
Аваз бўлсанг ростин айтгин мусофир,
Эгалик қил кўзим ўсган қалъангга,
Шундай бўлди Гулойимнинг нолиши,
Юракни ўртади йигит хониши,
От жиловин ушлаб йиғлар Гулойим,
Авазжонга етиб борди товуши.
Эна деди хумор кўзин ёшлади,
Эна деди қадди бўйин бўшлади,
Энасини энди таниб бек Аваз,
Оёғин остига ўзин ташлади.
Яшин тушар баланд тоғнинг бағрига,
Ўлмаган яшайди элда даврига
Фарзандини қучоқлайди Гулойим,
Искаб-искаб босаётир бағрига,
Бефарзанднинг кўрган куни қалайди,
Яратгандан фарзанд бер деб тилайди.
Ўпкасини босолмайди бек Аваз,
Онасини тавоб қилиб йиғлайди,
Ҳаётда бўлмасин менинг гуном деб,
Сизни десам сарғаяди тенам деб,
Гулойимни етти марта айланди,
Авазин дардида куйган энам деб.
Болойим ҳам йиғлар кўнгли бузилиб,
Акасин қучоқлар боври эзилиб,
Оғажоним дейди унга осилиб,
Кўздан ёши оқаяпти тизилиб,
Кўз ёшига жиққа ҳўл қиб ёқасин,
Қучоқлайди ҳеч қўймайди оғасин.
Кетган кўзинг келди берман кел дейди,
Чақиради Булдуққасоб отасин.

Савдо тушди Гулойимнинг бошига,
Ҳамма ҳайрон Болойимнинг ишига.
Чопиб чиқди кўчага Булдурқассоб,
Ҳайрон бўлиб Гулойимнинг товушига.
Савр вақти жола ёғар хатолаб,
Баҳорда гуллар ўсар сеталаб.
Товуш бериб бўзлаётир бек Аваз,
Қиблагоҳим қайдасиз деб оталаб.
Ота дейди йиғлаётир доду-дод,
Отасин кўриб эгилди қомат,
Гир айланиб тавоб қилди падарин,
Бош уриб айланиб қилди зиёрат.

Алқисса, бозорнинг қоқ ўртасида Авазхон отаси, онаси, синглиси, оғайниларию ҳамюртлари билан топишиб, кўришиб, севинганидан гоҳ йиғлади, гоҳ кулди. Шундан сўнг барчаси бир бўлиб уйига келишди. Долғиротни яхшилаб жойлаб, олдига емишини ташлаб, уни ҳам одамдай сийлаб, сағрисини эркалаб сийпалади. Ўзлари эса қилди суҳбатти, Булдурқассоб қилди зиёфатти ўртага тўкиб ташлади майиз билан новвотти. Шу кеча гурунг билан тонг отди. Буларни шу ерда қўйиликда гапни Хунхоршоҳнинг одамларидан эшитайлик. Хоннинг ағоқчилари Авазнинг келганини билишиб, Аваз Чамбилдан келибдими, демак, бизнинг сирларимизни билиб, ўнгу чапни ўрганиб бориб, Гўрўғлига айтади, дейишиб маслаҳатлашишди. Бу гапларни подшога айтишга келишишди. Улар Авазнинг келганини билдиришиб, хат қилишиб подшоликка боришди. Қўл қовуштириб бўлган воқеани Хунхорподшога маълум қилишди. Авазнинг Чамбилдан келиши яхшиликка эмас дейишиб, ушбу сўзларни айтиб туришган жойи экан:

Баланд тоғнинг бошлари ҳуччи-ҳучи,
Ҳуччиларда ўтиради кал жўрчи.
Бир гап билан айбламанг подшоҳим,
Биз бўламиз элда юрган хабарчи.

Етти йиллар Чамбилдадир қалъаси,
Бу кун Гуржистонда унинг ноласи.
Бу сўзларни ҳазил билманг подшоҳим,
Элга кепти Булдурқассоб боласи.

Остида ўйнайди ғирдайин оти,
Белига ярашган кескир пўлати.
Минг душманга тенгдур унинг қуввати,
Аниқ кўрдик Булдурқассоб фарзанти.

Ўзи ёш Авазнинг йўқдир хонаси,
Чамбилдадир ўйнаб-ўсган хонаси.
Бозор ичра кўрдик бизлар жам бўлиб,
Ёнида йиғларди ота-онаси.

Бемаҳалда ой қиблага ботмасин,
Хабар қилиб биздан айб ўтмасин,
Сўзимизга қулоқ солинг подшоҳим,
Гуржистон сирини билиб кетмасин.

Авазхонни бунда олиб келтирсак,
Ҳазиллашиб яхши гапман кулдирсак,
Биз хизматкор англаб олинг султоним,
Долғиротни топ таблага солдирсак.

Бунда кўрсак Авазхоннинг ўзини,
Англаб билсак кўнгилдаги сўзини.
Гуржистонда қолар бўлса Авазбек,
Искаб суйсин шу элатнинг қизини.

Чақиртирсак юртнинг барча бойини,
Ўтказайлик бек Авазнинг тўйини.
Фармон беринг бизга одил султоним,
Ўлжа қилсак Гўрўғлининг тойини.

Юракдадур Гўрўғлининг билгани,
Долғиротсиз нор билаги толгани.
Авазботир эди унинг қаноти,
Бек Авазсиз Гўрўғлининг ўлгани.

Чечанни сўйлатган бийрон тил бўлар,
Тулпорни ҳоритган бузуқ йўл бўлар.
Хабар олиб келдик бугун олдингга,
Эй султоним айтган гаплар шул бўлар.

Хунхоршоҳ айғоқчиларидан бу сўзларни эшитиб, кўнгли тўлиб,
тахтидан, беш қадам юриб берироқ келиб, мийиғидан кулиб айғоқ-
чилар кўнглига қўл солиб, боринглар: Авазни мунда олиб келинг-
лар сизларга фармон шул деб бир сўз айтиб турган экан:

Бул кун менинг фармонимда бўлинглар,
Амир қилсам сўзга қулоқ солинглар,
Бедовларнинг сайланмасин мининглар,
Бек Авазни бунда олиб келинглар.

Гуржистонда қилар ишинг биласан,
Айтгани қилмасанг баринг ўласан,
Тезда бориб опкелинглар Авазни,
Хизмат учун мендан инъом оласан.

Баринг англа бу айтилган сўзларни,
Чақиртиринг зап лапарчи қизларни,
Нозман чалсин чанқовуздай созларни,
Мунчоқдай тизишсин ширин сўзларни.

Гуржистоннинг чор тарафин боғ қилинг,
Барча келганларнинг қорнин тўқ қилинг,
Хаялламай келтиринглар Авазни,
Базм қилиб димоғини чоғ қилинг.

Семиз-семиз қўйларни кўп сўйдиринг,
Бор таомни дастурхонга қўйдиринг,
Базму жамшид айланг то тонг отгунча,
Авазхонни мусалласдан тўйдиринг.

Олиб кенглар Авазбекни кўрайлик,
Гўрўғлидан икки оғиз сўрайлик,
Гуржистонда қолмоқ бўлса нияти,
Саркардалик вазифасин берайлик.

Минг лашкарга бунда ўзи бош бўлсин,
Ўйнаб-кулсин доим вақти хуш бўлсин.
Ижоблаб берайин Гули парини,
Чорбоғи бўстони оппоқ тўш бўлсин.

Бу сўзларни эшитиб тўққиз хизматкор таъзим қила кетди, ияги тиззаларига етди. Қилайлик дейишиб хизматни, Авазни олиб келайлик дейишиб аркони давлатга олди билан кирган эди, орқаси билан чиқиб кетди. Шунда тўққиз нафар тулпорни эгар афзаллаб минаяпти, юраги ўтдай ёнаяпти. Авазни олиб келсак, кўп инъом оламиз дейишиб, Булдурқассобникига қараб ҳай-ҳайлашиб жўнаяпти.

Ҳайдагандан ҳайдаётир,
Оти жилдам ўтаётир,
Орқада қолган саккизи,
Тулпорга қамчи чотаётир.

Олдин борар жолдор тўри:
Ўзи тулпорларнинг зўри.
Оти олдин жилдам кетди.
Кенг кўчалар чангиб кетди.

Орқада қолған қистаб отни,
Бир-биридан ўтаяпти.
Қилайлик дебон хизматни,
Кўрайлик деб Аваз мардни.

Киш-кишлашиб бедов отни,
Чошга-чошга бўлганида,
Булдурқассобникига етди.

Айғоқчиларнинг барчаси гапни бир қилиб отларидан тушишиб: салом бериб Аваз билан у ёқ бу ёқдан гаплашишиб, чақчақлашиб, Хунхорподшо юборганини, Авазни подшоликка меҳмонга чақираётганини айтишиб, алдашиб, аврашиб роса суҳбатлашишди. Бу сўзларни Булдурқассоб, Гулойим ва Болойим ҳам эшитишди. Булдурқассобнинг кўнгли гаш бўлиб, Авазга борма дейин деса айғоқчилар тўққизта. Пима қиларини билмай тўраверди. Авазхон аитди. Эи отажоним ва онажоним подшодикдан одам келипти бормаслик беҳурматлик бўлади, мени чорлашибдими, борайин, Хунхоршоҳни кўрайин, не мақсади борлигини билайин, кўп қўймаса бир кеча меҳмон бўлайин, яхши гурунг қилайин, эрта чошгоҳда яна олдиларингизда бўлайин деди. Ота-онаси ноилож рози бўлгач, Хунхоршоҳнинг ўрдаси томон от чоптиришиб кетишди. Авазнинг келганини билган Хунхоршоҳ ичидан севиниб ясама тавозе билан жилмайиб кулиб пештоқдан беш-олти қадам пастлаб Авазга пешвоз чиқди. Бир зум унинг қадди-қоматига разм солиб, асл паҳлавон шундай бўлади-да, деб кўнглидан ўтказиб қўйди. Подшо Аваз билан кўришгач, саройга таклиф қилди. Хизматкорларга буюриб барча сарой амалдорларини чақиртирди. Барчалари жам бўлишгач, меҳмоннинг ҳурмати дейишиб, базму жамшидни бошлаб юборишди. Саройнинг мана-мен деган қирқ гўзали хизмат қилиб тилла косаларда асл шароб ва мусалласларни келтираверишди:

Томоша айланг қирқ гўзалнинг ишига,
Заррин дўпни ярашибди бошига.
Бири қўйиб бири келар жилмайиб,
Алпқоматли бек Авазнинг қошига.

Сиҳат қилсин ҳар инсоннинг танини,
Омонатда сақласин ширин жонини.
Олтин патносларда олиб келишди,
Бурсилдоқ ширмойи кулча нонини.

Қизлар Авазнинг кўнглин хушлади,
Ноз неъматни бисёр қилиб ташлади.
Минг нозу карашма билан ойимлар,
Бек Авазни тановулга бошлади.

Алқисса. шұл кеча то тонга қадар саройда катта зиёфат бўлди. Қирқ гўзал қиз Авазнинг хизматида бўлди. Бари бирдай, паридай, ҳурдай, тишлари дурдай, баданларининг оппоқлиги тўқсонда ёққан қордаё, ҳаммаси ўрмоннинг қушидай, тўшлари калтарнинг тўшидай бўлишиб хизматни адо этаверишди. Нима бўлсаям меҳмоннинг кўнглини овлайик дейишиб, чопачоп, югуриб, елаберишди, шарбатхонага ариқлари ўн бориб келганда, семизлари беш бориб келаверишди. Қирқ қизнинг ичида Хипча ойим деган бир қиз бор эди. Отасини Поёнбой дегувчи эди. Қулочи ёзиқ эди, кўзлари сузук эди. Ўзи бошқа қизларга қараганда биров тузук эди. Жувонмаргнинг бармоғи тўла тилло узук эди. Ранги-рўйи оқ эди, димоғи ҳам чоғ эди. Киприкли қошдор эди. ўзи анча гўштидор эди. Ҳар қандай йигит бир кўрса хушдор эди.

Хипча ойим тилло жомни қўлига олиб, бели буралиб, бир гапириб, ўн кулиб Авазхонга юсагули бўлиб хизмат қилаберди. Авазга қараб йиғилганларни ўзига қаратиб олинг аллаёр, аллаёр деб алёр айтиб турган жойи экан:

Менинг отимдир Хипча,
Ҳам сулув, ҳам ойимча,
Ўзим кирдим ўн учга,
Бслим қилдан ингичка.
Авазбек қулоқ солгин,
Хизмат қилай ўлгунча.
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Бодом қовоқ, кўзим сузук,
Баданим оқ, белим нозик,
Ўн бармоқта ўнта узук,
Шароб ичиб қилинг қизиқ,
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Икки зулфим ирғалиб,
Кўзга тушар сирғалиб.
Қирқта қизнинг ичида,
Билсангиз ўзим голиб.
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Қиё соқинг кўз билан,
Кўнглим олинг сўз билан.
Шароб суздим ноз билан.

Мен бул кеча сиз билан,
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Зар қочилим толим-толим,
Лаб устида тимкил хотим.
Бахш этайин бу кеч сизга.
Лаџимдаги асат болим,
Олинг аллаёр, аллаёр;
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Қўнглингизни очинг энди,
Белингизни ечинг энди.
Толхимчадаї қўлгишамдан.
Гулгун шароб ичинг энди.
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Сиз бир тараф биз бир тараф,
Ўлан бошланг бизга қараб.
Қўзим сузай сочим тараб,
Ўнг қўлимда гулгун шароб.
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Белим борар майишиб,
Дилим борар қуйишиб,
Май узатган нозик қўлим,
Бораётирку уюшиб.
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Авзхон сизни суяйин,
Таним бағишлаб тияйин.
Мендан бошқага қарасангиз,
Бодом қовоғим уяйин.
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.
Нимкосани ушлайберинг,
Лабларимдан тишлайберинг.
Шароб ичиб сархуш бўлиб,
Менинг қўнглим
хушлайберинг.
Олинг аллаёр, аллаёр,
Ичинг аллаёр, аллаёр.

Ана шунда Хипчаойим май узатиб алёр айтиб Авазхонни сар-
хуш қилаберди. Дам-бадам косани шаробга тўлдириб ўзатаберди.
жувонмарг Авазхон ҳам атрофдаги амалдорлар билан роса майхўр-
лик қилишиб, ширакайф бўлиб, Хипчаойимга сал-сал ҳазиллаша
бошлади. Буни кўрган Хунхоршоҳ айтди. Ана энди гаплашишнинг
хонаси келди. Бир гап олайинчи баччагаар нималар деркин деб
томоғини қоғиб, Авазхонга ҳадикминан боқиб, мурутини бураб,
кўп ганни тусмоллаб ўйлаб, каллага не-не сўзларни жойлаб,
алвон-алвон сўйлаб, тўтидай бўйлаб, секин Авазга қараб бир сўз
деб тургани экан:

Хунхоршоҳман ўз элимни сўрайман,
Кўзим очиб Аваз сенга қарайман.
Айланайин Чамбил элнинг ботири,
Икки оғиз сўзни сендан сўрайман.

Кескир ханжар жорқилласа белингда,
Душманларинг бошин эгар йўлингда.
Авазжоним бир оғиз гап сўрайин,
Ғиротминан қолсангчи ўз элингда.

Асли ўзинг Гуржистоннинг фарзанди,
Ғирот эрса Гурўғлининг қаноти,
Бўйгинангдан Хунхорпошшо садоға,
Нима дейсан олиб қолсак ғиротди.

Гулиойни хотинликка берайин,
Боз устига катта амал берайин.
Маслаҳатим рад қилмагин Авазжон,
Гуржистоннинг учдан бирин берайин.

Қизларнинг сарасин искаб суй майли,
Кимхобнинг зўрини таглаб кий майли.
Ғиротминан мунда қолгин жон болам,
Саройимдан берай сенга уй майли.

Бошингга кийдирайин тилло тожимни,
Майли десанг берайин бож-хирожимни.
Гуржистонда қолсанг агар Авазжон,
Тақдим этай сенга боғу-роғимни.

Алвон-алвон суйлат Аваз тилингни,
Тиллокамар маҳнам қилсин белингни.
Бор дунём сенга бўлсин Авазбек,
Эғалик қил Гуржистондай элингни.

Хунхоршоҳ бу сўзларни айтиб Авазнинг қўйнига қўл солиб кўрмоқчи бўлди. Аваз бу сўзларни эшитиб қаҳри келди. Илондай қаҳри келди. Узини хиёл ўнглаб олди. Ҳар кўзи шокосадай бўлди. Ўлданида устан туклари кийимини тешгудай бўлди. Айниқса, ғиротни сўрагани ботиб кетди. Бу зиёфатнинг сабаби бор эканда деб ачиққанди. Кайфи тарқаб кетди, фикри чақнаб кетди. Ҳали сен мени авраб турисанми деган гап кўнглидан ўтди. Шунда ўзини билдириб билдирмай Хунхоршоҳга қараб бир суз айтиб турган экан:

Эшит Хунхор бунда сира қолмайман,
Бу гапинга асло қулоқ солмайман.
Могу дунёнг сийлов бўлсин ўзинга,
Долғиротни сира сенга бермайман.

Хунхоршоҳ кўп тотдим нон, тузингни,
Косагул қиб ўйнатдим Хипча қизингни.
Ғиротимнинг бир ёлига олмайман,
Гуржистондай номи кетган дўзингни.

Тийиброқ сўйлатгин қизил тилингни,
Сен подшоҳ билгин яхши ҳолингни.
Долғиротнинг тезагига олмайман,
Юртингдаги сурув-сурув молингни.

Гапирганда сўзлар келар тилима,
Кескир шамшир қувват бўлар белима.
Олишмайман Гуржистондай дўзингни,
Уйнаб-ўсган юртим Чамбил элима.

Авазбекман айтганимдан қайтмайман,
Эр йигитман элим орин сотмайман.
Маили мени минг азобда қийнагин,
Барибир Чамбил сирин сенга айтмайман.

Шу сўзларни бек Аваз айтди. Хунхоршоҳ деди: Бу жувонмарг барибир менинг гапимга кирмайдиганга ўхшади, яхшилик билан иш қилиб бўлмас экан. Энди буни зўрлик билан ҳал қилиш керак, деб жаллод! — деди. Тўқсон туққиз жаллод ҳозир бўлди.

Хунхоршоҳ жаллодларга қараб Авазни банди қилишни, зиндонга ташлашни, ҳар кунига бир қултум сув, бир бурда нон беришни буюрди. Жаллодлар бирдан Авазнинг қўлини ортага қайириб боғлаб, сошига қамчи билан беш-олтита ташлаб, кечанинг ярмида зиндонга ҳайдаб жўнади. Аваздан хавотир бўлиб ўтирган Булдурқасоб хотини Гулолим, қизи Болойим билан подшолик саройининг яқинига келиб туришган эди. Қарашса, Авазни кўп жаллод олдига солиб ҳайдаб келишяпти. Шунда Булдурқасоб Гулолим ва Болойим жаллодларга қараб ёлвориб турган жойи экан:

Яратгандан шү ситамлар нақмиди?
Мард йигитга кўнгилларда кекмиди?
Урманлар жаллодлар Аваз қўзимни,
Уларингда болаларинг йўқмиди?

Баҳорла кўқарар чўлнинг сетаси,
Эр кишининг ҳеч бўлмасин хатоси.
Жаллодларга бағрин эзиб ёлворар,
Бек Авазнинг Булдурқассоб отаси.

Тоғ қорин эритаб баҳор жотаси,
Найсонда очилар қирнинг лоласи.
Боламни урма деб юзин юлади,
Бек Авазнинг Гулойимдай энаси.

Етти йилки юрагим ляхта қондир,
Авазимни эслаб рангим сомондир.
Боламни урманлар золим жаллодлар,
Сизларни ҳам мендай она туққандир.

Ҳар инсоннинг бўлсин экан сирдоши.
Беҳуда тўкмасин ҳеч ким кўз ёши.
Оғамни урманлар дея зорланар,
Аваз бекнинг Болойим эмчақдоши.
Қаранг энди жаллодларнинг ишига,
Раҳм қилмас кўздан оққан ёшига.
Қамчи чотиб борар фармон шундай деб,
Авазхоннинг елкасию бошига.

Юраклар хона-хонаси,
Кўйиблар ёнди танаси,
Болам деб йиғлаб қолаберди,
Авазнинг ота-онаси.

Юрак ҳам боври эзилиб,
Кўзида ёши тизилиб.
Акажон дейди Болойим,
Кўнгиллари бузилиб.

Жаллодлар сира қарамайди,
Дардинг не деб сўрамайди.
Саҳар-саҳар бўлганда,
Зиндоннинг гирдин ўрайди.

Ғанимлиқ ишин бошлайди,
Қалнини қўрқув ғашлайди.
Бек Авазни шўм жаллодлар,
Зиндонга иргитиб ташлайди.

Жаллодлар тор зиндонга Авазхонни ташлаб, қилган ишларидан кўнглини хушлаб тўқсон тўққизи бир-бирини олдинга бошлаб, подшоликдан инъом оламин деб оёғи олти, қўли етти бўлишиб, ич-ичидан кулишиб сарой томон равона бўлишди. Энди гапни назаркарда гиротдан эшитинг. Хунхоршоҳнинг фармони билан гиротни ҳам олиб бориб тўққиз эшикдан киритиб, ички таблага қамашди. Бўйнига гўл солиб, оёқларига кишан уришди. Катта-катта қозиқларни тўёқларига қоқишди. У ёқ бу ёққа қаролмайди-ган, бир қадам ҳам юролмайдиган қилиб ташлашди. Қаранг Ҳақ Эгамнинг ишига бир фикр келгандир бошига, кўзларин булаб селоб ёшига, чилтон берган назаркарда от эмасми, эгасининг банди бўлганини билиб, бор кучини йиғиб бир чиранган эди, занжирлар узилиб, қозиқлар синиб бўйнидаги гўл шарақлаб отилиб кетди. Қулоқларини тикка қилиб, ёлларини ҳурпайтириб бир сакраган эди, табланинг томини кўтариб, лочин қушдай учуб табладан чиқиб кетди. Жонивор у ёқ бу ёққа қараб жовдираб, эгасини излаб, бўйнини чўзиб ис ололмай, тўёғидан қон изиб, кўзларидан ёш сизиб, бўйнида гўлнинг синиғи тўшини тирнаб шаҳардан ташқари чиқди. Алқисса, долгирот шавардан чиқиб олгач, орқасига қараб бир-икки кишнади-да, аввал келган йўли билан Чамбит томон иргишлаб кетиб бораётган жойи экан:

Эр йигитлар минар бедов саралаб,
Баҳор вақти ёмғир ёғар буралаб.
Чамбилнинг йўлини олди жонивор,
Кетаяпти тоғу-тошни оралаб.

Қия-қия жойлардан қиялаб кетиб боради,
Йўлбарс юрмас жойлардан йўртиб кетиб боради.
Сиртлон юрмас жойлардан сакраб кетиб боради,
Чамбил юртин жонивор излаб кетиб боради.

Бўйнида гўл парчаси тўши борар қийилиб,
Тўёғидан оққан қон ерга борар қуйилиб.
Босган жойи тулпорнинг ўрадаини ўйилиб,
Кетиб борар жонивор қанотлари ёйилиб:

Эр йигитнинг элда бўлмас армони,
Подшолар берар экан фармонни.
Терга ботиб кишнаб борар жонивор,
Ортада қолди Гуржистоннинг ўрмони.

Ғанимнинг ғанимга бўлган қасдлари,
Мардликдан нишона гапнинг ростлари.

Ўмган ташлаб бораётир жонивор,
Қолди ортда тоғнинг баланд пастлари.

Баҳор келса боғда гуллар очилар,
Гул шохига қўниб сайрар булбуллар.
Қўзида ёш кишнаб борар тулпор от,
Ортда қолди Авазбекдай зўравор.

Қаранг энди яратганнинг ишига,
Яшин тушар баланд тоғнинг тошига.
Аваздан айрилган гиркўк жонивор,
Йўл ўнглади Полопоннинг даштига.

Ҳақнинг фармонига ҳамма қўнади,
Ғарибнинг ҳолини ғариб билади,
Қанот ёзиб учиб борар гир тулпор.
Тонг шамол ёл қуйруғин силади.

Қолиб кетди Асқардайн тоғлари,
Қолиб кетди қузғун қўнмас зовлари,
Осмон бетда учиб борар жонивор,
Ортда қолди музлаб ётган новлари.

Қун тегмаган ўрмонлардан жонивор,
Қушдай ўтиб учиб борар ҳаволаб.
Баланд-баланд чўққилардан бўз тулпор,
Булут сувин ичиб борар ҳаволаб.

Тезроқ борсам дейди Чамбил элига,
Хон Гўрўгли чиқса агар йўлига.
Эгарлаб афзаллаб минса белига,
Авазбекни олиб келса элига.

Кеча-кундуз учаберди жонивор,
Сув ўрнига булут кечди жонивор.
Саҳар-саҳар вақти эди гир тулпор,
Полопоннинг бошига тушди жонивор.

Бирдан ўзин нафасини ростлади,
Кўзларини одам каби ёшлади.
Тоғ устида оччи-оччи кишнади,
Кишнаб-кишнаб Чамбил томон пастлади.

Ана шундаг' қилиб ғиркўк Чамбилга томон бораверсин. Гапни Гўрўглибекдан эшитинг. Гўрўглихон қўлига обдастани олиб таҳоратга чоғланиб турувди кўзи тоғ томонга тушди. Қараса, яшин тушгандай, юлдуз учгандай, пода кўчгандай чанг кўтарилган. Елкасидан желагини олиб, қўлини манглайига соябоң қилиб тиклаб-тиклаб қарайберди. Шу пайт қулоғига ғиротнинг кишнаган овози келди. Гўрўгли турган ерида серрайиб, музлагандай қотиб қолди. Соқибулбулни чақириб дурбинини келтиришни буюрди. Дурбинни кўзига қўйиб қараса, тўшида ғулнинг парчаси умганини тилган. тўёқларидан қон сизган долғирот чопиб келаяпти. Устида ҳеч ким йўқ. Хон Гўрўгли бу ҳолни кўриб кўзини ёшлаб, манглайига муштлаб, ғамгин бўлиб, қўлқаси тўлиб, ого Юнус ва Мисқол париларни ёнига чақириб тоғ томонга ишора қилиб, Бек Авазга бир гап бўлганга ўхшайди, долғирот ёлғиз келаяпти, деб шу сўзларни айтаётган экан:

Эгасиз келаяпти-ку ғиротим,
От устида кўринмайди фарзандим.
Бу не ҳол бўлди қаранг парилар,
Ғирот келаяпти Аваз кўринмас.

Гуржистонда болам банди бўлдимми?
Ешлик қилиб ёв қўлига қолдимми?
Мен шўрлиги кун қиёмат бўлдимми?
Ғирот келаяпти Аваз кўринмас.

Энди худо олсин менинг жонимни,
Бефарзандлик зирқиратди танимни.
От устида кўрмайшман жонимни,
Ғирот келаяпти Аваз кўринмас.

Гуржистон борганин душман билдимми?
Ҳийла билан уни қўлга олдимми?
Елғизгинам Гуржистонда қолдимми?
Ғирот келаяпти Аваз кўринмас.

Оломонлар қасд қилдимми жонига,
Долғиротим ботган қизил қонига,
Эгар афзал овуб қопти ёнига,
Ғирот келаяпти Аваз кўринмас.

Парилар қолмади танда мадорим,
Фарзандсизман йўқдир энди барорим.
Гуржистонга бориш бўлди қарорим,
Ғирот келаяпти Аваз кўринмас.

Ана шунда ўмгани, оёқлари қип-қизил қонга ботиб Чамбилнинг қалъасига долғирот кириб келди. Ўрдани етти марта айланиб сўнгра Гўрўғлибекнинг ёнига келиб искалаб тумшуғи билан турта бошлади. Гўрўғлибек кўзида ёш билан безабон жониворнинг бўйнидан қучоқлади. Соқибулбулни чақириб турли хил гиёҳлардан малҳам тайёрлаб ғиротнинг яраларига тортишини буюрди. Соқибобо ҳам айтганини қилиб тулпорни тоштаблага киргазиб ювиб-тараб олдига емиш ташлаб, қиздай қилиб сийлайберди.

Хон Гўрўғлининг қаҳри келиб, илондай захри келиб. қирқ йигитни ёнига чақириб, бўлган ҳолни баён қилиб, Гуржистонга бориш ниятини маълум қилиб, Хунхор подшодан ўч олиш учун барчаларини тайёргарлик кўришга чорлаб, шу сўзларни айтаётган жойи экан:

Эр йигитлар, шер йигитлар,
Чамбил элда нор йигитлар,
Бари бирдай зўр йигитлар,
Иўл тортинг Хунхор элига.
Ҳаялламай тез бўлинглар,
Сўзларга қулоқ солинглар,
Тезда фармонда бўлинглар,
От солинг Хунхор элига.
Гўрўғли ҳолни ўйланглар,
Ғазоли кундир сийланглар,
Кескир қилч бойланглар,
От қўйинг Хунхор элига.
Душманининг қонин ичгани,
Бафан тўнини бичгани,
Хунхорнинг бошин кесгани,
Иўл тортинг Хунхор элига,
Асад, Шодмон келгин мунда.
Авазжон бандику уйда,
Тоқатим қолмади танда,
От солинг Хунхор элига.
Чамбилда кўнгиш тўқларим,
Юракда йўқдир кекларим,
Қирқ ботирим ҳам беқларим,
От қўйинг Хунхор элига.
Олиб эс ақду ҳушини,
Кесинглар Хунхор бошини,
Қузғунлар есин гўштини,
Иўл тортинг Хунхор элига.

Душмандан ғолиб келгали,
Савдолар солиб келгали,
Авазни олиб келгали.
От қўйинг Хунхор элига.

Гўрўғли бу сўзларни айтгандан сўнг гала ботирлар воқеадан хабардор бўлишиб, ғазаблари тошиб, ғайратлари жўшиб барчалари сафар анжомлариши ҳозирлашиб, кескир қиличларини белларига бойлашиб, тулпорларнинг зўрларидан сайлашиб урушга тайёргарлик кўраберишди. Гўрўғлихон ҳам долғиротни эгар афзаллаб тилла камарини белига бойлаб, кескир исфиҳонни унга илиб, бисмиллоҳ деб ғирнинг белига минди. Шунда йиғилган жамики мулло эшонлардан, пирлардан дуо олиб, қирқ чилтонларга, авлиёю анбиёларга сиғиниб, бир ёнда Асад, Шодмон, бир ёнда Ҳасан кўлбор барча ботирлар отларига миनावеришди. Алқисса, Гўрўғлихон Юнус пари ва Мисқол парига қараб эсон-омон келгунимча Чамбилнинг увол-савобини сенларга топширдим, деб шу сўзларни айтиб турган жойи:

Ҳар ерда қўлласин эшон пирларим,
Қайда бўлсам кетмас номусман, орим,
Чамбил элга эҳтиёт бўл бўйингдан,
Ого Юнус ҳамда Мисқол ёрларим.

Долғиротни Асқар тоғдан оширай,
Гуржистонда душманамни шоширай,
Келгунимча эҳтиёт бўл Чамбилга,
Элу халқим бугун сенга топширай.

Обод бўлсин, ўйнаб-ўсган кирди кор,
Сафарда қўлласин бизни Чорнёр,
Чамбилни сизларга топширдим бугун,
Хизматингда бўлиб турсин Бердиёр.

Бемаҳал оқмасин кўздан ёш энди,
Эсон бўлса келар кўрар бош энди,
Омон келсам яна кўнглим хуш энди,
То кўргунча элу халқим хўш энди.

Шунда икки пари икки ёндан келиб ғирнинг жиловидан ушлаб, Гўрўғлининг кўнглини хушлаб айтди. Эй тўрам, зулфимиз тарам-тарам, иккимиз ҳам то ўлгунча сизга қарам. Сиз эсон-омон кетаверинг, Авазхон боламизни соғ-омон олиб келинг, унгача биз Чамбилни осойишта сақлаб турамыз. Сира ғам еманг, дейишиб тургани экан:

Остингда минганинг тулпор гир бўлсин,
Қўллайдиган Оловхондай пир бўлсин,
Гуржистонда Аважоним бор бўлсин,
Гўдак эди, катта қилдим қўл билан,
Болам дедим кам қилмадим дил билан,
Омонатим омон қилсин худойим,
Эсон келсин, ўйнаб ўссин эл билан.
Гуржистоннинг ҳар ёнидан киринглар,
Аважоним соғлигини билинглар,
Хунхорнинг лошини дорга илинглар,
Авазимни Чамбил олиб келинглар.

Юнус пари Гўрўғлихонга ҳамда қирқ йигитга бу сўзларни айтди. Шундан сўнг барчалари хўшлашиб, фотиҳани юзларига тортиди. Гўрўғлибек қирқ йигитга бош бўлиб, Гуржистонни излаб Чамбилнинг қалъасидан чиқиб, жўнаб кетаётган жойи экан:

Ҳой-ҳой деди. ҳой деди,
Гўрўғлини бои деди.
Ирғиб чопар Кўлборбек,
Менман пойга қўй деди.
Ҳой-ҳонлаб беклар жўнади,
Бек Гўрўғли бир ёнда,
Ҳасан Кўлбор бир ёнда,
Қирқта ботир ҳар ёнда,
Орта қолган армонда,
Жўнади беклар жўнади,
Жўнади зўрлар жўнади,
Гуржистонга борсам деб,
Авазимни кўрсам деб,
Олдимдан чиқса Хунхорни,
Липпамга олиб урсам деб,
Жўнади Кўлбор жўнади,
Жўнади беклар жўнади.
Бек Гўрўғли шердай бўб,
Гала ботир бирдай бўб,
Кўлбор борар нордай бўб,
Жўнади беклар жўнади.
Жўнади зўрлар жўнади.
Баримиз бирга бўлсак деб,
Гуржистонга борсак деб,

Хунхоршоҳни ўлдириб,
Бож хирожин олсак деб,
Жўнади беклар жўнади.
Жўнади шерлар жўнади.
Бораётир ҳай-ҳайлашиб,
Ботирлари йўл талашиб,
Гуржистоннинг йўлини излаб,
Кетди тоғлардан ошиб,
Жўнади бекалар жўнади.
Жўнади хонлар жўнади.

Гўрўглибек қирқ кеча-кундуз йўл юриб, охири Гуржистон мамлакатига етди. Шунда Гўрўгли йигитларига айтди: Бу юришда шаҳарга кириб борсак подшонинг одамлари бизни кўрса душман оостирио келаяпти деб ўиламасин. Шунинг учун бир маслаҳат бор. Мен шу шаҳарни яхши биламан. Шаҳарга кириш учун қирқ томонда қирқта дарвозаси бор. Барчамиз мисоли қаландар оўлиб, ҳар қайсимиз ҳар дарвозадан якка-якка кирайлик деди. Шундан сўнг бу гапларни эшитган қирқ йигит мисли қаландар қиёфасига кирди. Отларини хориш қилиб, ўзларининг кийгани жанда, юриштириши шарманда ҳолда ҳаммаси ҳар дарвозадан шаҳарга киришди. Дарвозабонлар ҳам буларга эътибор қилишмади. Булар шаҳарга кираверишсин. Энди гапни Хунхоршоҳдан эшитинг у ўйлади Авазнинг зиндонда ётганига олти ойдан ўтаяпти. Ғиротнинг қочиб кетганига ҳам шунча вақт бўлди. Ғирот Чамбилга борган бўлса, бир балони бошлаб келади деб ҳар-ҳар жойга қоровул қўйиб ташлаган эди. Хунхоршоҳ кўп ўйлай-ўйлай охири бутун амалдору, айғоқчиларини чақириб, Авазни зиндондан чиқариб дорга илишни ва хабарини келтиришни буюрди. Тўқсон тўққиз мирғазаб ҳозир оўлди. Кўзлари қонга тўлди. Худди ердан тилло топган қулдай оўлди. Қайқиришиб, оқаиришиб фармонни жон диллари билан эшитишди. Авазнинг дорга осилишидан ул-бул нарсали бўлиб қоламиз дейишиб, юринг борайлик дейишиб, зиндоннинг тепасига етишди. Авазни зиндондан чиқариб олишиб, олдига солишиб, тўрткилашиб, шаҳар майдонидаги дорнинг олдига олиб келишди. Ҳарчилар шаҳар кўчаларига киришиб, бозорма-бозор юришиб, «Булдурқассобнинг боласи Аваз бугун дорга осилади» деб жар солишди. Бу хабарни эшитган етти яшардан етмиш яшаргача Авазга раҳми келишиб, дор қўйилган майдонга томон оқиб келаверишди. Авазнинг ота-онаси, синглиси ҳам кўзларида ёши билан одамлар орасида турар эди. Алқисса, Гўрўгли султон ҳамда қирқ ботир мисли қаландар бўлишиб, Оломоннинг орасида туришиб, воқеани кузатишди. Ҳаллодлар Авазни дор тагига олиб келишди.

Шунда ундан охирги гапингни айтиб қол, дея сўрашди. Авазхон айтди эй жаллодлар менинг кўзимни ечинглар, ёруғ дунёни бир кўрайин деди. Мен мусулмонман ўлимим олдидан икки ракат намоз ўқиб олайин, кейин худога жонимни берайин деди. Шунда жаллодларнинг униси ул деди, буниси бул деди, жаллодларнинг бошлиғи бор эди, отини Шердон дер эди. Шердон айтди. Кўзини ечинглар, дунёни кўрса кўрсин, мусулмон бўлса мусулмонлигини қилсин деди. Авазнинг кўзини ечдилар. У қибла томон юзини ўгириб икки ракат намозини ўқиди ва ҳар томонга аланглай бошлади. Қараса, оломоннинг орасида Гўрўғлихон бошлиқ қирқ йигитлар, ота-онаси, синглиси ғамгин бўлиб туришарди. Уларни кўрган Авазхоннинг юраги тоғдай бўлиб, ўзи шердай бўлиб, билагини кучга тўлиб, жаллодларга қараб энди ўлганинг бўлсин жаллодлар, деб шу сўзларни айтиб турган экан:

Гўрўғлихон отам кепти минг шукр,
Ҳасан Кўлбор бобом кепти минг шукр.
Қирқта бирдай шерим кепти минг шукр,
Калимангни қайтар энди жаллодлар.
Бек отамнинг ўзи кепти бош бўлиб,
Долгироти қарчиғайдай қуш бўлиб,
Мени тирик кўриб вақти хуш бўлиб,
Калимангни қайтар энди жаллодлар.
Шул ўтирган Чамбилнинг Ҳасан Кўлбори,
Бошингни мажақлар калтак салбори,
Бобомга борибди Аваз хабари,
Калимангни қайтар энди жаллодлар.
Ҳу тикилган Асадбекман бек Шодмон,
Найзасини салбори ўн олти ботмон.
Душман қутулмайди булардан омон,
Калимангни қайтар энди жаллодлар.
Анов йиғлаб турган бобом бек Холдор,
Ғазоли кун минган тулпори жолдор.
Бир шаҳар эгаси ўзику тождор,
Калимангни қайтар энди жаллодлар.
Қрахон ҳам Чамбил элда бир аждар.
Тикилса солади душманга заҳар.
Аччиғи қишдағи тармадай заҳар,
Калимангни қайтар энди жаллодлар.
Аланглаб қараган ботир бек Юсуф,
Девларни йиғлатган қўлтиққа қисиб,
Қўлтиқда қолган девлар қон қусиб,
Калимангни қайтар энди жаллодлар.

Авазхон жаллодларга шу сўзларни айтгач, жаллодлар бошлиғининг қаҳри келди. Ҳов берман қаранглар бунини кўп гапиртириб энангларга эр қиласанларми, ҳаялламай тезда дорга тортинглар, деб фармонни берди. Шунда Авазнинг бўйнига арқонни солиб, энди дорга тортамыз, деб турганди Гўрўғлибек энди ишни биздан кўринглар, деб қўлига илон тилли қиличини олиб одамлар тўдасини ёриб, Авазнинг қошига етди. Арқонни қилич билан кесиб юборди ва Авазнинг қўлидан ушлаб бир силкиб орқасига миндириб олди. Шунда отминан душманни оралаб, уриб-савалаб келаверди. Долғирот ҳам олдидан келганини ўмгани билан уриб, орқадан келганини туёғиминан тепиб бораверди. Қирқ йигит ҳар томондан от қўйишди. Ҳасан Кўлбор калтаги билан душманни савалай кетди. Гўрўғли султон ботирлари билан қилди курашди. Душман билан анча уришди. Ниҳоят, Авазни олиб шаҳардан ташқарига овлоқ жойга етишди. Ҳаммалари отларини совитишиб, бир-бирлари билан аҳволлашиб, Авазхонни қучоқлашиб кўришиб дамладини олишди. Бу воқеадан хабар топган Хунхоршоҳ дарғазаб бўлиб, ўзининг аскарларига Гўрўғлининг устига от қўйишга фармон берди. Мури малахдай аскарлар отли, пиёда бўлишиб, қийқиришиб қўлига илашган нарасини олишиб, Гўрўғлининг устига бостириб бораверишди. Бундан хабар топган Гўрўғли султон ҳам галаботирларни атрофига йиғиб, энди ўзларини бир кўрсатинглар, душманнинг бағрини доғлайсанлар, оёқ-қўлларини боғлайсанлар, деб шу сўзларни айтиб турган жойи:

Ҳар алвонда сўйлар менинг тилларим,
Ғазоли кун толмасинда қўлларим.
Қўшни кўрган бўридай бўп ташланглар,
Гала ботир баринг менинг улларим.

Қўллагайдир Оловхондай пиримиз,
Кетмасин ҳеч номус ила оримиз.
Ҳамманг бирдан чор тарафлан от сочинг,
Шу урушда ўчмасин оҳаримиз.

А*ёрлик қил унда қараб турманглар,
Ўрталикка душман отин солманглар.
Баринг жовлик от солинглар бекларим,
Армон билан бу майдонда ўлманглар.

Ҳасан Кўлбор калтагинни ушлагин,
Ёмон одатларинг энди бошлагин.
Вақти келди сен ҳам пича ишлагин,
Душманнинг бошига калтак ташлагин.

Ҳасан чопсон қочганини қўймайсан,
Ялинганин икки кўзин ўймайсан,
Етганингнинг калласига муштлаб ўт,
Зўрин ўлди, қўрқоғини сўймайсан.

Қаранг, Гўрўғлидай мардди.
Юзига дуони тортди.
Ботирлари валламаатди,
Отлар белин маҳкам тортди.

Тоғлар бошин чолди туман.
Ботир ўлса жуда ёмон.
Жўнади душманлар томон,
Қочган қутилиши гумон.

Ботирга ҳамма қойилди.
Элида қолсин сайиди.
Душман устига ботирлар,
Лочин қушдайин қўйилди.

Гўрўғлининг ғайратидан,
Жайҳун тошгандай бўлди.
Галаботир ҳайбатидан,
Яшин тушгандай бўлди.

Душманлар ҳам келаберди.
Туман тушгандай бўлди.
Милтиқ ўти шатур-шутур,
Жала қўйгандай бўлди.

Душман кўпдир ботирларқ оз,
От чопишар ҳар тарафга.
Қиличлар қиндан чиқди,
Овози чиқди фалакка.

Янги тургандай ўриндан.
Душман қолмайди қирғиндан.
Ўн минг ўн минг от қўйишди,
Девордай қиррабурундан.

Келаётир баланд пасдан,
Душман кўпдир чубу хасдан.
Яна ўн минг жўнайверди,
Мохов билан гала песдан.

Яна ўн минг келаверди,
Ўта айёр маразидан.

Яна ўн минг жўнади,
Билак турган хўрозидан.

Бир-бир босиб келаверди,
Жуда каллалисидан,
Етишдилар чопқиллашиб,
Дастор соллалисидан.

Икки томон аралашди,
Ўлик-ўликка қалашди.
Нечовлар шаштидан тушди.
Ботири дарёдай тошди.

Бир томонда Гўрўғли,
Чопиб кетиб боради.
Бир томонда Кулборбек,
Чолиб кетиб боради.

Аччиғланиб Кўлборбек,
Калтак сермаб қолади.
Ҳар сермаган калтаги,
Душман бошин юлади.

Кўринг Холдорбек ишини,
Тишига қўйиб тишини.
Майдалаб кетиб боради,
Қонхўр душманнинг бошини.

Бир ёндан Асад Шодмон,
Гала ботир ҳар ёндан.
Ўзиб-кесиб боради,
Душман бошини тандан.

Гўрўғли қилиб ғайратди,
Қилади отга шиддатди.
Қўлйда кескир шамшири,
Душман бошин қийратди.

Пилта милтиқ қасур-қусур,
Отилди майдон ичида.
Оғзи катта оғир тўплар,
Тортилди майдон ичида.

Тош кўрмаган даралар,
Тош ўрнига бош кўрди,
Сув кўрмаган даралар,
Сув ўрнига қон кўрди.

Тоғдан учган ғажирлар.
Сой-сой тўла лош кўрди.
Қочолмаган душманлар
Анча-мунча иш кўрди.

Узангилар қарсиллади,
Қамчи зарби тарсиллади.
Тўплар, отилар майдонда,
Овозлари гурсиллади.

Авазхон минди жийронди,
Кўрган одам ҳайронди.
Аралашди ўртага,
Юраги оловдай ёнди.

Кўринг Авазнинг ишини,
Учириб бошдан ҳушини.
Қиличдан бир-бир ўтказар,
Золим душманнынг бошини.

Кун кетидан кун ўтди,
Тун кетидан тун ўтди.
Авазхондай шер ўглон,
Нечовнинг шўрин қуритди.

Душман қочди жонлаб,
Нечови қочди паналаб.
Ярадор бўлган нечови,
Инглаб борар эналаб.

Гўрўғли бош ботирлар.
Зўрлигини билдирди.
Манман деган зўрларин,
Узангига илдирди.

Ҳар ёндан бошлаб юришди,
Душманга қилиб хурушди.
Гўрўғли бошлиқ йигитлар,
Бир неча ўн кун уришди.

Душманнынг ақлин шоширди,
Тақдирин ҳаққа топширди.
Зўрлигини ўтказиб,
Охир душманни қочирди.

Алқисса, Гўрўғлибек бош бўлиб, қилган ишларидан вақти хуш бўлиб, уруш тугаганда кун ҳам туш бўлиб, Хунхоршоҳнинг золим аскарларини енгиб, минглаб зўрларини асир олиб, олдига солиб, банди қилиб ҳайдаб бораверди. Бу гаплар Хунхоршоҳнинг қулоғига етди. Аскарлари енгилганини эшитиб, унинг кўнгли бузилиб, боври эзилиб, ҳайрон бўлиб, кўзи қонга тўлиб, зарб билан жойидан туриб, ўзини дуч келган томонга уриб, аттанг деб сонига муштлаб, лабини қонатиб тишлаб, барча сарой аҳлини тўплаб, энди нима қиламиз деб маслаҳат қила бошлади. Саройда Доно вазир дегувчи бор эди. Ўзи анча доно бомаъни одам эди. Доно вазир айтди: Эй шоҳим менда бир фикр бор, айт десангиз айтайин деди. Рухсат берилгач, Доно вазир бироз ўйланиб турдида, шундай деди. Шоҳим мана аскарларимиз енгилди. Гўрўғли энди зўр чиқди. Юртимизни вайрон қилади. Барчамизни банди қилиб Чамбилга ҳайдаб кетади. Шунинг учун эгилган бошни қилич кесмас, деганларидек ундан узр сўрасак. Пушаймонлик билдирсак, Гўрўғлини мард деб эшитганмиз. Доно вазирнинг маслаҳати шундай бўлди. Барчалари унинг гапини маъқуллашди. Шундай қилиб Хунхоршоҳ бошчилигида сарой аҳли Гўрўғлига пешвоз чиқишиб, қўлларини қовуштириб таъзим қилиб тураверишди. Гўрўғлибек ва галаботирлар шаҳарга кириб келишди. Таслим бўлганларга зиён заҳмат бермай, Хунхоршоҳга рўбарў бўлди. Хунхоршоҳ боши ерга текгунча таъзим қилиб, товба қилди ва ботирларни аркони давлатига меҳмонликка таклиф этди.

Зафарондай сўлган менинг тарзим бор,
Яратгандан чивиндай жон қарзим бор.
Бек Гўрўғли қулоқ солинг сўзимга,
Гуноҳқорман сизга айтар сўзим бор.

Ўз элимда давру-даврон сураман,
Кўзим очиқ кенг дунёни кўраман.
Оғир гуноҳ ўтди султон бизлардан,
Бир қошиқ қонимди сиздан сўрайман.

Тулпор миниб майдон аро еласиз,
Қасд қилган ғанимни ўтга соласиз.
Ҳарна биздан ўтди султон кечиринг,
Нима бўлса энди сизлар биласиз.

Таслим бўлиб эгиб келдим бошимни,
Дўст бўлинглар енглар нону-тузимни.
Шайтон менинг ақлу ҳушим олибди,
Эй ботирлар кесмангизлар бошимни.

Ўлгунимча хизматларинг қилайин,
Ҳарна бўлса хизматларингда бўлайин.
Бисмиллоҳ деб бугун кирай динингга,
Нима десаларинг шуни қилайин.

Мен енгилдим тақдиримдан кўрайин,
Раҳм этсангиз давру-даврон сурайин.
Бир қошиқ қонимдан кечинг Гўрўғли,
Аркони давлатимни сизга берайин.

Хунхоршоҳдан бу сўзларни эшитгандан сўнг Гўрўғлибек айтди.
Майли мен сенларни озод айлайман. Лекин айтадиган шартларим
бор. Ана шу шартларга иқрор бўлсаларинг омон қоласанлар, бўл-
маса бошларинг гаровда, молларинг таловда, —деди.

Гўрўғли дер билсанг менинг отимни,
Ўзбек, туркман дейди асли зотимни.
Чортоғли Чамбил дер элатимни,
Хунхоршоҳ эшитгин айтган шартимни.

Подшолар кияр бошга тожини,
Мусулмонлар бориб қилар ҳажини.
Фармоним шул энг аввало Хунхоршоҳ,
Чамбилга тўлайсан элнинг божини.

Ҳар ким ҳам яшасин ўсган элида,
Шамшир ярашади ботир белига.
Эшитгин кейинги шартим шул бўлар,
Элинг билан кирасан менинг динимга.

Ўз юртингда сен ҳам хонсан тўрасан,
Нима бўлса тақдирингдан кўрасан.
Бир йилда бир марта Чамбилга бориб,
Гуржистоннинг ҳисобини берасан.

Яхши гаплар яхшиликка ҳал бўлар,
Тилинг ширин бўлса душман эл бўлар.
Сўнги шартим адолатли хон бўлгин,
Гўрўғлиман айтар гапим шул бўлар.

Бу сўзларни эшитиб, Хунхоршоҳ ўзини қўярга жой тополмай,
жони омон қолганига шукр қилиб, чопқиллаб бориб Гўрўғлининг
оёғига бошини урди. Уни кўриб бутун хизматкорларию вазирлари
ҳам тавозе билан югургилашиб ботирларнинг отлари жинловини
ушлайверишди. Омон-омон бўлганидан суюнган подшоликнинг ош-

пазлари ош дамлайберди. Қассоблари мол сўйиб гўшт тайёрлай-верди. Гўрўглихон ботирларга бош бўлиб ёнига бек Авазни олиб саройга кириб келишди. Хунхоршоҳ Гўрўғлини тахтга ўтиришга чорлади. Гўрўғлихон тахтга чиқиб ўтириб, Гуржистонда қирқ кеча-кундузлик тўйга фармон берди. Шундай қилиб бўладиган тўйнинг овозаси ҳар томонга кетди. Чопарлар турли мамлакатларга боришиб, чавандозу, полвонларни, бахшилару, менман деган ошхўр, гўштхўр мечкайларни тўйга таклиф қилаверди. Бу тўйнинг овозаси Чамбил элига ҳам бориб етди. Гўрўғлихоннинг таклифи билан Соқибулбул ҳам дўмбирасини хўржинга солиб тури жолдорни миниб, Гуржистонга қараб йўлга тушди. Хуллас, ҳар мамлакатдан ҳунари бор киши борки, оғиб келаверишди. Гўрўғлининг фармони билан Авазбекнинг ота-онаси, синглиси ҳам саройга чақиртирилиб, яхши иззат-икромда меҳмон бўлишди. Хуллас, тўй бошланиб кетди. Эрталаб саройга кириб келган Соқибулбулни кўриб Гўрўғлининг кўнгли жўш бўлиб кетди. Чамбилдаги аҳволни сўраб-суриштиргач ёнидан жой кўрсатди. дастурхон турли хил таомлар билан тўлдирилди.

Ана шу вақтлари айни баҳор эди. Шаҳарнинг бир чети катта ҳавор эди. Катта майдонга оппоқ уйлар тикилиб, уларга меҳмонлар жойлашганди. Тўй қизигандан қизиётир. Бир ёнда Ҳасан Қўлбор бошқа юртлардан келган ошхўрлар билан баҳс-лашаётир. барча унга қойил бўлишаётир. Бир томонда Соқибобо Чамбилнинг галаботирию, меҳмонларга ўтгандан-кетгандан, ўрдан-қирдан, Оловхондай пирдан, Гўрўғлидай зўрдан, Наридан беридан Чамбилдаги Юнус ва Мисқолдай паридан. Ўзбек-туркманнинг ўрлигидан, галаботирнинг зўрлигидан дostonни бошлаб юборди. Юракдаги барини харжлаб юборди. Ҳасан чопсон эса Гиротни миниб кўпқари чопаетир. Қўйилган катта-кичик зотларни ҳалоллаб айираётир. Бир томонда кураш бошланиб, Гуржистоннинг Тойлоқ полвони майдонда айланаяпти. Тойлоқ полвон тойлоқ эди, тишлари сўйлоқ эди. Қирқ ёшга кирган эсада бўйдоқ эди. Кураш бўлса ўтар эди, ушлаганин осмонга койтоқдайин қилиб отар эди. Оломон полвондан ўн баробар баттар эди. Аччиги чиқса тўққиз тўхлининг гўштини ютар эди. Бир балони баттар эди.

Майдонда тенги топилавермагач, баковуллар Тойлоқ полвонга ким чиқади деб чақиравердилар, шу майдонда Гўрўғли султон ва Хунхоршоҳ ҳам томоша қилиб ўтириб эди. Хунхоршоҳнинг яккаю ягона Гули деган қизи бор эди. Гулиойнинг ёши ҳам ўн тўртга кирган эди. Жамоли ойдаи эди, бадани мойдай эди. Борган жойи мисоли тўйдаи эди. Юовошлиги қўйдаи эди. Аччигланса асов тойдай

эди. Оқ томоқ, хипча бел, товони танга пулдай эди. Кўзлари ловуллаган нурдай эди. Ҳар чеккасига зулфини қирқтадан саксонга қилиб ўрар эди. Енида қирқин қизи борар эди. Жувонмаргни ҳар кунига икки марта ювинтириб, эркалаб суяр эди. Уч юз олтмиш олти кўйлаги бўлиб кунига бир кўйлак кияр эди. Хуллас, ой деганда юзи, кун деганда кўзи, йигитларга ёқадиган сўзи, тилладан ҳовузи, чанқовуздан сози, бир озгина бор эди қургурнинг нози.

Шунда Хунхоршоҳ кимда-ким Тойлоқ полвонга чиқса Гулиой қизимни никоҳлаб бераман деб эълон қилди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, жамоли ойдаи, ўзи минг қўйли бойдай, ғайрати дарёдай тошган, ёши ўн тўртдан ошган Авазбек сакраб майдонга тушиб кетди.

Курашмоққа алп полвонлар сайланди,
Желак кийиб беллар маҳкам бойланди,
Обрў бер деб икки полвон даврани,
Бири олдин, бири кейин айлапти.

Тойлоқ учради полвон зўрига,
Гўё дуч келгандай бўлиб бўрига.
Гурсиллатиб ер тепиниб айланар,
Иккови ҳам сигинади пирига.

Авазбек ҳам ўз кўнглини хушлади,
Бор кучини шу майдонда харшлади.
Ё пирим деб бир сакраб бек Аваз,
Тойлоқнинг биллагидан маҳкам ушлади.

Тойлоқ тушди энди зўрнинг қўлига,
Тушунмайди бундай зўрнинг феълига.
Бек Аваз судраб тортиб боради,
Чил солади шўр Тайлоқнинг белига.

Курашиш ҳам анча-мунча иш бўлди,
Тойлоқнинг икки кўзин ёш олди.
Эрта билан бошлангандику кураш,
Қаранг, ана-мана демай туш бўлди.

Тангрим гангитмасин йигит бошини,
Яхши деб жўрасин кўрган тушини.
Икки полвон тиним билмай олишти,
Тушдан ўтиб қариблашдику пешини.

Шўр Тойлоқнинг нор биллагин толдирди,
Қизил юзин зафарондай сўлдирди,
Ўнг оёқдан туя чил қиб Авазхон,
Дўстаман қип майдон ичра қолдирди.

Қаранг энди Авазхондайин мартти,
Худодан тилади куч мадатти.
Икки қўлман маҳкам қисиб белидан,
Тоғдай Тойлоқни ерга ағнатди.

Авазбек Тойлоқ полвонни йиқитгандан сўнг томошабинлар унга ҳамду санолар айтишиб, унга узоқ умр тилашди.

Хуллас, Чамбилнинг полвоню чавандозига, бахшисию ошхўрию, гўштхўрига ҳамма-ҳамма қойил бўлишди. Ғолибларга Гўрўғли ва Хунхоршоҳ ўтирган пештахт олдига олиб боришди. Олдиларига дастурхон ёйишиб нозу-неъматларни кўпайтириб ташлашди. Шу кеча зиёфат билан ўтди. Эрта билан тонг отди кун ҳам чошгоҳ ҳолига етди. Шунда Гўрўғли султон айтди.

Эй қирқ йигитларим, шер йигитларим, Чамбилимда зўр йигитларим. Ёмон кунда эл бахтига бор йигитларим, Ўзбек-туркман юртида номус билан ор йигитларим мана сафаримиз ҳам қариб қолди. Чамбилга қайтиш вақти етди, деб йигитларга қарата шундай деди:

Бек Гўрўғли дейди менинг ўзимди,
Чилтонлар берган лайли бўзимди.
Ботирларим яқин келингэй қошимга,
Эшитинглар айтаётган сўзимди.

Яхшиларнинг иззатига етамиз,
Ёмонларни ермаң яксон этамиз.
Сафар тараддудин кўринг йигитлар,
Саҳар туриб Чамбил элга кетамиз.

Бугун ғолиб мард йигитлар қўлимиз,
Ёнимизда Аваз полвон улимиз,
Тангрим ўзи ёрлақасин бизларни,
Доим очиқ бўлсин юрар йўлимиз.

Эр йигитнинг нор билаги толмасин,
Бизлар бунда элга душман келмасин.
Чамбил элда бир фалокат бўлмасин.
Юнус, Мисқол унда йиглаб турмасин.

Фарзандим ёнимда, йўқдир армоним,
Сизлар билан бордир белда дармоним.
Ботирларим энди элга жўнайлик,
Чамбилга кетамиз шулдир фармоним.

Шундай қилиб Гўрўғлихон ёнида Соқибулбул билан тонг отгунча гурунглашиб ётди. Хунхоршоҳ ҳам қанча туяга, қанча бияга бойлик тўплаб ортмоққа ҳозирлаб қўйди. Авазбек эса отаси-онаси ва синглиси билан то тонг отгунча суҳбатлашиб, ота-онасининг дуосини олиб ётди. Эрталаб тонг отди. Гўрўғлихон уалойиқни тўплаб, Хунхоршоҳни яна тахтига ўтқазиб, халққа меҳрибон, адолатли, юртпарвар бўлишини тайинлади. Хунхоршоҳ ўз қизи Гулиойни Авазбекка хотинликка беришни, шу билан қуда-андачиликни йўлга қўйишни сўради. Гўрўғлибек бунга рози бўлди. Алқисса Гулиойни Авазбекка ижоблаб бериб, Чамбилга жўна-жўна бошланди. Хунхоршоҳ саройдан то шаҳар ташқарисигача гилам тўшатди. Икки томонда бутун ҳалойиқ қўл қовуштириб турди. Авазбек ёнига Гулипарини олиб, гилам устидан йўлга тушди. Орқадан ботирлар ҳам отланишди. Карнай-сурнай чалишиб, ноғоралар қоқилиб, шаҳардан ташқаридаги катта майдонга чиқишди. Шунда Гўрўғлибек йиғилганлар даврасида Хунхоршоҳга қараб шу сўзларни айтди.

Улуғ дедим остонага бош урдим,
Ёмонларга сир айтмадим яширдим.
Сўзларимни ҳазил билма Хунхоршоҳ,
Гуржистонни боз ўзингга топширдим.

Ўз элингда давру-даврон сурасан,
Агар ўлсанг тақдирингдан кўрасан.
Мен айтайин сен эшитгин Хунхоршоҳ,
Закотингни менга бериб турасан.

Бошга кийган подшоликнинг тожини,
Элингни бошла яхшиликнинг йўлига,
Бу сўзимни фикр қилиб, англаб ол,
Чамбилга юбориб тур элинг божини.

Бундан буён сенинг билан қудаман,
Авазимнинг жасадига фидоман.
Ўз элингда дуода бўл Хунхоршоҳ,
Қизингни келин қил олиб кетаман.

Сен менга тобесан, ҳолингни билгин,
Булдурқассобнинг иззатин қилгин,
Гулойимди, Болойимди ҳурмат қил,
Молу дунё бериб кўнглини олгин.

Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, Хунхоршоҳ ҳам қизи Гулиойдан айрилаётганидан кўзига ёш олиб, бир сўз деди-

Гуржи элда Хунхор дерлар ўзимди,
Озми-кўпми тотдингизлар тузимди.
Гапларингга мен розиман Гўрўғли,
Фарзандликка қабул қилгин қизимди.

Элга-эл қўшилса билгин ободдур,
Элдан-эл айрилса билгин кулфатдир.
Гулиойимни мен сизларга топширдим,
Келин бўлиб кўрсин унда роҳатди.

Юракда бўлмасин қайғу армонинг,
Бир умр кетмасин белдан дармонинг.
Ўлгунимча мен қилайин хизматинг,
Тумор бўлсин менга айтган фармонинг.

Авазжоним сен ҳам бўлгин саломат,
Гули қизим мендан сенга омонат.
Дуо қилай қўша қаринг бир умр,
Эсон бўнглаб бўлинглар соғ-саломат.

Хунхоршоҳ бу сўзларни айтгандан сўнг бир четда турган хотини Турнакўз ойим ўртага чиқиб ёлғиз қизи Гулиойини бағрига босиб, юз-кўзларидаг ўпиб, омон бўлгин жон болам, борган жойдан бахтингни топ, деб икки калима сўз айтди:

Айрилиқдан гангимасин бош энди,
Сен кетган сўнг икки кўзда ёш энди.
Борган жойдан бахтингни топ жон қизим,
Кўришгунча Гулижоним хўш энди.

Қайда бўлсанг эсон бўлгин ёлғизим,
Мунғайиб қоларман бунда мен ўзим.
Аваз билан бахтли бўлгин жон қизим,
Кўришгунча жоним болам хўш энди.

Адрас, кимхоб бўлсин сенинг кийганинг,
Аваз тўра бўлсин болам суйганинг,
Чамбил элнинг шунқоридир тийганинг,
Кўришгунча жоним қизим хўш энди.

Худойим кечирсин болам гунагди,
Ғам юки эгмасин гулдай танангди,
Чамбилда омон бўл жоним Гулиой,
Эслаб юргин оқ сут берган энангди.

Хушчақчақ юр кўрма ғаму ситамни,
Пирлар ўнглисин доим хатонгни.
Отанинг дуоси ўқдир жон болам,
Унутмагин Хунхоршоҳдай отангни.

Кетар бўлдинг маҳкам боғла белингни,
Хизр бобо очсин сенинг йўлингни,
Туғилиб ўсганинг Гуржистон эли,
Қизим унутмагин Гуржи элингни.

Ана шўйтиб Турнакўз ойим Гулюйни қучоқлаб, юзларидан яна қайта-қайта ўпди. Гулюй ҳам зор-зор йиғлаб, бўтадай бўзлаб бағрини тузлаб муштипарда нима қилишини билмай ота-онасининг оёғига бошини уриб, тавоб қилиб, хайр энди ота-онам, хайр халқим, хайр Гуржистоннинг даштлари, тоғу-тошлари, кўлда сузган ўрдак-ғозию, осмонда учган қушлари, хайр энди Гуржистоннинг қари-ёшлари, Булдурқассоб қайнотам, Гулюйим қайнонам, Болойим қайинсинглим то кўришгунча хайр, nasib бўлса янаги йил меҳмонга уч киши бўлиб келамиз, деб шу сўзларни айтиб турган жойи экан:

Айрилиқ ўтига бўлиб гирифтор,
Муштипарман мен йиғлайман зору-зор.
Қучоғингдан кетар бўлдим энажон,
Олиб кетар Авазбекдай зўравор,

Энажоним чин куйганнинг ўзи бўл,
Гулюйнинг кўк қуралай кўзи бўл.
То кўргунча хайр энди энажон,
Оқ сутингга энам энди рози бўл.

Сигинаман бош ураман ўзингга,
Нима десанг қулоқ солай сўзингга.
Гуржистонда омон бўлгин энажон,
Рози бўлгин менга берган тузингга.

Отажоним бу кун сенга қарайин,
Ҳар иш бўлса тақдиримдин кўрайин,
Ўз элимдан кетар бўлдим қиблагоҳ.
Дуо бўринг Чамбил элга борайин.

Гулюй бу сўзларни айтгандан сўнг ота-онаси билан қанча қавму-қариндошу, дўсту-дугоналари билан хўшлашиб тураверсин, гапни Авазнинг отаси Булдурқассобдан, онаси Гулюйим ҳамда синглиси Болойимдан эшитинг. Онаси Авазни қучоқлаб бағрига босиб, кў-

ришгунча омон бўлгин қўзим, бизларни ҳам унутма, тез-тез келиб тургин. Омадингни Хизр бобо берсин. Қирқ чилтонлар мадакоринг бўлсин деб дуо берди. Аваз отаси ва синглиси, қаришдошлари билан хушлашгач, Хунхоршоҳ беклари, амалдорлари билан биргаликда Гўрўғли султон, Соқибулбул, Авазбек ва қирқта ботирларнинг ҳурматини жойига қўйиб, Чамбил томон кузатишга чоғланди. Карнай-сурнайлар чалинди, ўйин-кулгу билан Гўрўғли султон бошчилигида меҳмонлар йўлга тушишди.

Чечан қувониб тил билан,
Булбул қувонар гул билан,
Жўнайберди ботирлар,
Хизр солган йўл билан.

Қаранг кўнгилнинг торига,
Сигиниб эшон пирига,
От ҳайдади ботирлар,
Баланд тоғларнинг қирига.

Жамоли кўнда ойдай бўб,
Шўхликлари тойдай бўб,
Бораётир Гулиой,
Ювошлиги қўйдай бўб.

Отлар борар ориллаб,
Отган ўқдай шориллаб,
Гулиойнинг зулфлари,
Тонг шамолда пириллаб.

Оқ туёқли бедов отлар,
Санглоқ жойда сурилиб,
Қора туёқ тулпорлар,
Чопсак дейди уриниб.

Маънили айтган сўз билан,
Ботирлар борар из билан,
Авазботир қулиб борар,
Сўзлашиб Гули қиз билан.

Ботирлар қилиб хуришди,
Чамбилга қилди юришди,
Орқада қолса кўплари,
Ҳазил қилиб нулишди.

Бир томонда: Гўрўглибек,
Элини ўйлаб боради.
Бир томонда ботирлар,
Бир-бирин сийлаб боради.

Кунлар ўтиб қанчалар,
Неча кун неча кечалар,
Орқада қолиб кетдику,
Гуржистондай дачалар.

Сўз айтиб гапнинг ростидан,
От ҳайдаб тоғнинг остидан,
Қийқиришиб ботирлар,
Келди Полопон устидан.

Ширин-ширин сўзлашиб,
Бир-бирини сизлашиб,
Келаётирда ботирлар,
Чамбил элин излашиб.

Қирқ кеча-кундуз йўл юриб,
Сувсиз аро чўл юриб,
Келаётирда ботирлар,
Йўл юрса ҳам мўл юриб.

Ой нечага нечага,
Ойлар ёруғ кечага.
Бисмиллоҳ деб ботирлар,
Кирди Чамбил кўчага.

Алқисса, Гўрўглихон ёнида галаботирлари билан Чамбил ўрда-сига кириб келди. Ого Юнус ва Мисқол парилар уларга пешвов чиқишиб, Гулипарини ва Авазбекни отдан тушириб, оёқлари остига исриқлар тутаттириб ўрдадаги безатилган уйга киритишди. Гўрўглининг фармони билан элда қирқ кеча-кундузлик тўй деб эълон қилинди. Ҳар томонга чопарлар жўнатилди. Манман деган созандаю гўяндалар чорланди. Соқибулбул қўлига торини олиб узоқ яқиндан келган бахшиларни тўплаб Гўрўглининг ҳурматини қилиб Чамбилдек дўзини Гулиойдай қизини ҳурматлаб ёшу-қарини, Юнус, Мисқолдай парини, Аваздай элнинг зўрини таърифлаб дoston бошлашди. Чамбилда қирқ кечаю кундуз тўй бўлиб Авазхон билан Гулипарини бир-бирларига аҳду-паймон қилишиб, мурод-мақсадига етаверишди. Жайхун билан Сайхун оралиғидаги бундай тўйнинг овозаси етти иқлимга таралди. Шу тўйда Боборайим бахши ҳам созини олиб, юраги гапга тўлиб, қирқ нағма куйни чалиб, хизматни қилаверди.

Қўлига олиб торини,
Тўкиб дилда борини,
Мақтаётирда бахшилар,
Авазнинг Гули ёрини.

Қассоблари сўймоқда,
Чори Панжи қўйини.
Бахшилар тинмай мақтар,
Икки ёшнинг тўйини.

Гаплар келиб тилига,
Дўмбира олиб қўлига,
Сўз талашар бахшилар,
Гуржистоннинг гулига,

Таърифлаб ёшу қарини,
Юнус Мисқол парини.
Бири қўйиб бири мақтар,
Гўрўғлидай зўрини.

Созлаб дўмбира торини,
Кўзлаб тоғнинг қорини.
Бахшилар роса мақташди.
Паҳлавон Ҳасан Кўлборни.

Тинмай ин дўмбира чертишиб,
Бармоқлар сира толмади.
Мақталмаган Чамбилда,
Ҳасан Чолсан ҳам қолмади.

Бири мақтар гир кўкни,
Бири тури жолдорди.
Умри узоқ бўлсин деб,
Мақтар Аҳмад сардорди.

Мақтаб Чамбил дўзгани,
Сурувлаб қўю-қўзини.
Тинмай мақтар бахшилар,
Чамбилнинг эрка қизини.

Осмонда ёруғ ой бўлди,
Қўтонлар тўла қўй бўлди.
Эл-юрт гамин еганчун,
Гўрўғли султон бой бўлди.

Чамбил элда ёронлар,
Кеча-кундуз тўй бўлди.

Тўл тилаган чўпонлар,
Тўлли бўлсин ёронлар,
Чол тилаган кампирлар,
Чолли бўлсин ёронлар,
Гул тилаган зомбирлар,
Гулли бўлсин ёронлар,
Йўл тилаган йўловчи,
Йўлли бўлсин ёронлар,
Ул тилаган келинлар,
Улли бўлсин ёронлар,
Дунё бўлсин осойиш,
Ризқу рўз ҳам мўл бўлсин.
Ҳар одамнинг фарзанди,
Авазжондай ул бўлсин.
Ешлари бўлиб иззатда,
Нексалари ҳурматда.
Қирқ кеча-кундуз тўй бериб,
Қўшхоналарга қўй бериб,
Барчанинг вақти хуш бўлиб,
Гўрўғлибек бош бўлиб,
Авазхону Гулиойлар,
Етди мурод мақсадга.

Уқиганлар муродига етсин.

Боборайим бахши МАМАТМУРОДОВ

САРВИГУЛ. АВАЗХОН ОТА ЮРТИДА

(Достонлар)

(С) Сурхондарё вилоят матбуот бошқармаси «Жайхун» нашриёт бўлими. ТЕРМИЗ—1998 йил.

**Муҳаррир
Тузилиш муҳарррири
Мусаввир
Мусаҳҳиҳ**

**Эгам ДУСТ.
Муҳаммади ЖУРАЕВ.
Сувонқул АҲМЕДОВ.
Холбиби МИРЗААҲМЕДОВА.**

5 X. 1998 йилда теришга берилди. 20 X. 1998 йилда босишга рухсат этилди. Ҳажми 6,5 босма тобоқ. Нусхаси 1000 дона. Бичими 60x84 1/16. Ваҳоси келишилган нарҳда. Буюртма рақами 13.

Сурхондарё вилоят матбуот бошқармаси Денов ижара босмаҳо-насида терилиб, чоп этилди. Денов шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 249-уй.